ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАъЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЕРБЎТАЙЕВА Ў.С., АБДУСҲУКУРОВА И.Қ.
МАМАТОВ СҲ.

O`ZBEKISTON TARIXI

ФАНИДАН
МА`РУЗАЛАР МАТНИ

ГУЛИСТОН – 2018

СЎЗ БОСҲИ

Ўзбекистон тарихи инсоният тарихининг ажралмас қисми еканлиги, унинг асосий даврлари ва тараққиётининг тадрижий босқичлари тўғрисида, уларнинг узвий боғлиқлиги ва давомийлиги, тарихий воқеаларнинг ворисийлиги ва қонунийлиги ҳақида тасаввурга ега бўлиши лозим.

- Фаннинг предмети, назарий-методологик асослари, манбалари ва аҳамиятини, Ўзбекистон тарихи жаҳон тарихининг ажралмас қисми еканлигини;
- Ўзбекистон инсоният сивилизациясининг қадимий ўчоқларидан бири, Ўрта Осиё ҳудудида ибтидоий жамоа тузуми ва унинг даврларга бўлинишини;
- ўзбек давлатчилигининг шаклланиши ва тараққиёт босқичлари, миллий давлатчилик қурилиш тажрибасини;
- ўзбек халқининг этник шаклланиши, Буюк Ипак йўли шаклланиши ва ривожланиш босқичларини;
- илк ўрта асрлардаги ўзбек давлатчилиги, ИХ-XI асрлардаги ўзбек давлатчилигининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётини;
- Ўрта Осиё халқлари ҳаётида ИХ-XII асрларда юз берган уйғониш даврини;
- аждодларимизнинг жаҳон сивилизациясига қўшган ҳиссаси, мўғуллар истилоси ва зулмига қарши кураш, Амир Темур ва темурийлар даврида ўзбек давлатчилигининг юксалишини;
- Туркистоннинг хонликларга бўлиниб кетиши, чор Россиясининг Туркистонни босиб олиши, чоризм истибдодига қарши Туркистон халқларининг курашини;
- жадидчилик, Туркистонда мустабид совет ҳокимиятининг ўрнатилиши, унинг мустамлакачилик моҳиятини;
- Ўзбекистонда давлат мустақиллигининг қўлга киритилиши, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти асосларининг барпо етилишини;
- мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг иқтисодий, маънавий ва маданий тараққиёти, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини билиши керак.

Ўзбекистон тарихида кечган жараёнларга нисбатан ўз нуқтаи назарига асосан хулоса чиқара олиши ва ўз фаолияти, соҳасининг жамият тарихидаги ўрнини белгилаш кўникмасига ега бўлиши лозим. Ёш авлодда миллий ғояни, юксак маънавий фазилатларни шакллантиришда, миллий онг ва соғлом ғурурни уйғотишда, ёшларни комил инсон қилиб тарбиялашда тарихий тафаккурнинг аҳамияти катта.

Дастурни тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан олий ўқув юртлари учун тасдиқланган ўқув режасида Ўзбекистон тарихини ўқитиш бўйича тавсия етилган 114 (38 соат маъруза, 38 соат семинар, 38 соат мустақил иш) соат дарс ҳажми ҳисобга олинди. Вилоятимиз шароитида талабалар пахта йиғим-теримига жалб қилинаётгани туфайли аудитория соатлар ҳажми қисқатирилди ва 68 соатни ташкил етди (34 соат маъруза, 34 соат семинар). Мустақил соатлар ҳажми эса 2007-2008 ўқув йили учун тузилган ва ўқув бўлими томонидан тақдим етилган ўқув режа бўйича 56 соат етиб белгиланди.

М А `Р У З А Л А Р К У Р С И

1- Мавзу: Ўзбекистон тарихи фани предмети, назарий-методологик асослари ва уни ўрганиш аҳамияти.

Асосий саволлар:

1. Ўзбекистон тарихининг фан сифатидаги ўрни, предмети, ўрганиш обекти, манбалари.
2. Ўзбекистон тарихини ёритишнинг назарий-илмий ва методологик асослари.
3. Ўзбекистон тарихини даврлаштириш.
4. Ўзбекистон тарихининг комил инсон тарбиялашдаги роли.

1-асосий савол: Ўзбекистон тарихининг фан сифатидаги ўрни, предмети, ўрганиш обекти.

Дарснинг мақсади:

1-асосий савол баёни:

Тарих фани турли халқлар қандай яшаганлиги, уларнинг ҳаётида қандай воқеалар содир бўлганлиги, одамлар ҳаёти қандай ва нима учун ўзгариб, ҳозиргидай бўлиб қолганлигини ўрганса, Ўзбекистон тарихи эса шу она-заминимизда ўтмишда яшаган халқларнинг ҳаёти ва уларнинг ривожланиши жараёнида содир бўлган ўзгаришлар, воқеалар, уларнинг турмуш тарзи, иқтисоди, маданияти ва шу кабиларни тўлалигича ўрганадиган фандир. Юртбошимизнинг шу ҳақидаги фикрлари катта аҳамиятга егадир.

"Мустақилликка еришганимиздан кейин халқимизнинг ўз юрти, тили, маданияти, қадриятлари тарихини билишга, ўзлигини англашга қизиқиш ортиб бормоқда. Бу табиий ҳол. Одамзод борки, авлод-аждодлари кимлигини, насл-насабини, ўзи туғилиб вояга йетган қишлоқ, шаҳар, хулласки, Ватанининг тарихини билишни истайди.

Ҳозир Ўзбекистон деб аталувчи ҳудуд, яъни бизнинг Ватанимиз нафақат Шарқ, балки умумжаҳон сивилизацияси бешикларидан бири бўлганини бутун жаҳон тан олмоқда. Бу қадимий ва табаррук тупроқдан буюк алломалар, фозилу фузалолар, олиму уламолар, сиёсатчилар, саркардалар йетишиб чиққан. Диний ва дунёвий илмларнинг асослари мана шу заминда яратилган, сайқал топган. Ерамизгача ва ундан кейин қурилган мураккаб сув иншоотлари, шу кунгача кўрку файзини, маҳобатини ё`қотмаган осори атиқаларимиз қадим-қадимдан юртимизда деҳқончилик, ҳунармандчилик маданияти, меъморчилик ва шаҳарсозлик санъати юксак бўлганидан далолат беради. Бешафқат давр синовларидан омон қолган энг қадимги тош ёзувлар, битиклардан тортиб, бугун кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган 20 мингдан ортиқ қўлёзма, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, физика, кимё, астрономия, меъморчилик, деҳқончиликка оид ўн

минглаб асарлар бизнинг беқиёс маънавий бойлигимиз, ифтиҳоримиздир. Бунчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда кам топилади. Ота-боболаримизнинг асрлар давомида тўплаган ҳаётий тажрибалари, диний, ахлоқий, илмий қарашларини ўзида мужассам етган бу нодир қўлёзмаларни жиддий ўрганиш даври келди. Чунки Шўролар замонида тарихий ҳақиқатни билишга интилиш рағбатлантирилмас еди, ҳукмрон мафкура манфаатларига хизмат қилмайдиган манбалар халқ кўзидан иложи борича йироқ сақланарди" (И. Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т.:Шарқ, 1998).

Шундай қилиб, бизнинг онгимиздан ташқарида ва бизнинг онгимизга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлган борлиқ, воқелик Ўзбекистон тарихи фанини ўрганиш обйектидир. Ўзбекистон тарихи фақат турли билимлар тарзидаги фан емас, балки бир неча асрлар давомида тўпланиб келган ўзаро ички қонуниятлар билан чамбарчас боғланган билимлар тизими сифатидаги фандир. Шу маънода у ўзининг ўрганиш обйекти ва предметига ега бўлган мустақил фандир.

Ўзбекистон тарихини ўрганишда манбаларнинг аҳамияти беқиёс бўлиб, булар моддий ва ёзма манбалардир. Тарихимизнинг энг қадимги, яъни ёзувсиз замонларга оид даврни ўрганишда археологик, антропологик ва етнографик манбалар ёрдамга келади. Бу манбалар топилмалардан иборат бўлиб, уларга қадимги манзилгоҳлар, шаҳарлар харобалари, мозор-қўрғонлар қолдиқлари, турмуш ва хўжаликда ишлатилган буюмлар, меҳнат ва жанговар қуроллар, турли ашёлар киради. Ёзма манбалар эса энг қадимги ёзувлар, битиклар ва китоблардан иборатдир. Моддий ва ёзма манбалар маълумотларини солиштириб, қиёслаб, тарихни талқин етиш муҳим аҳамият касб етади.

2- асосий савол: Ўзбекистон тарихини ёритишнинг назарий-илмий ва методологик асослари

2-асосий савол баёни:

Тарихий воқеаларни ўрганиш қандай илмий-назарий методологик асосларга таянишининг аҳамияти жуда катта. Шўролар ҳокимияти даврида тарихни ўқитиш ва ўрганиш ишлари марксистик методологияга бўйсундирилган эди. Ҳар қандай воқеани ёритишга комфирқа мафкуравийлиги, партиявийлик, синфийлик нуқтаи назаридан ёндошилди. Оқибатда кўпгина тарихий воқеа-ҳодисалар сохталаштирилди, ўтмиш қораланди, маънавий меросимиз, миллий қадриятларимиз ҳақоратланди. Бу борада мамлакатда ҳукмрон бўлган тоталитар тузумнинг салбий роли катта бўлди. Тарих тоталитар тузум хизматкорига, тарғиботчи ва ҳимоячисига айлантирилган эди.

Кишилик жамиятининг тарихий воқеа, ҳодисаларни ўрганишнинг муҳим назарий-методологик асосларидан бири жамият тараққиёти қонунларини очиб берувчи диалектик методдир. Инсон ҳаёти, жамият тараққиёти диалектик жараёндир. Диалектика олам ягона ва яхлит, унда содир бўладиган ҳодисалар, воқеалар умумий ва ўзаро боғланишда, узлуксиз ҳаракатда, зиддиятли тараққиётда бўлади, деб таълим беради. Диалектик методология ҳар қандай мамлакат тарихини жаҳон халқлари тарихи билан боғлиқ ҳолда ўрганишни тақозо етади. Негаки ҳар бир халқ тарихда миллийлик, ўзига хос бетакрор хусусиятлари билан бирга жаҳон тарихи, бутун инсоният тараққиёти билан

умумий боғланишдадир.

Ўзбекистон тарихи ҳам, аввало, Ўрта Осиё мамлакатлари тарихи билан, қолаверса, башарият тарихи билан чамбарчас боғланган. Шу сабабли Ўзбекистон тарихини қўшни мамлакатлар тарихи билан боғлиқ ҳолда ўрганиш тақозо етилади. Бошқа халқлар тарихини қанчалик яхши билсак, Ўзбекистон халқлари тарихини шунчалик чуқур, ҳар томонлама ўрганишга имкон яратилади, кўмаклашади.

Тарихий воқеа, ҳодисаларни ўрганиш, таҳлил етиш ва ёритишда холисона, ҳаққоний, адолатли ёндашув муҳим методологик қоидадир. Холислик қоидаси тарихий воқеа, ҳодисаларни ўрганаётганда улар билан боғлиқ бўлган барча фактларнинг, ҳеч бир истисносиз, бутун мажмуини бирга олиб текширишни, аниқ, ҳаққоний далилларга асосланишини талаб қилади. Тарихий ҳодисаларни бир бутун ҳолда ўзаро алоқада ва муносабатда деб текшириш лозим.

Тарихни ўрганишда тарихийлик методологияси муҳим аҳамиятга ега. Тарихийлик қоидаси воқеа, ҳодисаларни ўз даврининг аниқ тарихий шароитидан келиб чиққан ҳолда ўрганишни тақозо етади.

Воқеа, ҳодисаларни ўрганишда тарихий боғланиш, тарихий ривожланиш жараёнига еътибор қилмоқ зарур. Ҳар бир воқеа, ҳодисани бошқа воқеалар, ҳодисалар билан боғлаб ўргангандагина мазкур воқеа-ҳодисанинг умумий тарихий жараёндаги ўрнини тўғри аниқлаш, белгилаш мумкин бўлади. Ҳар бир воқеа, ҳодисага умумий тарихий жараённинг бир қисми, бўлаги деб қарамоқ зарур. Ҳар бир ҳодиса қандай тарихий шароитда, муҳитда пайдо бўлганлигини, бу ҳодиса ўз тараққиётида қандай асосий босқичларни ўтганлигини, кейинчалик у қандай бўлиб қолганлигини билиш тарихийлик қоидасининг асосий талабидир. Масалан, ибтидоий даврда айрим қабилаларда одамхўрлик бўлган, бу бугунги кун назаридан баҳо берсак, ваҳшийлик, лекин ўша давр шароитидан келиб чиқиб баҳо берсак, бу зарурият (иложсизликдан қилинган ҳаракат) дир.

Тарихийлик методологияси халқнинг ўтмишини, ҳозирги замон ва келажагини ягона табиий-тарихий жараён деб, ўтмиш ҳозирги замонни тайёрлайди, ҳозирги замон келажакни яратади, деган тараққиёт қонуни асосида қарайди. Инсоният ана шундай умумий йўлдан борар екан, истиқболда порлоқ ҳаёт қурмоқчи бўлган авлод тарих фани орқали ўз ўтмишини яхши билмоғи лозим. Ўтмишни, аждодларимиз тарихини қанчалик яхши билсак, англаб йецак, ҳозирги замонни, мустақиллигимиз мазмунини шунчалик мукаммал тушунамиз, келажакни тўғри тасаввур етамиз.

Тарихий жараённи ўрганишда ижтимоий ёндашув тамойилига риоя етиш зарур. Ижтимоий ёндашув методологияси тарихий жараёнларни аҳоли барча табақаларининг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ўрганишни тақозо етади. Воқеаларни алоҳида бир ижтимоий табақа манфаати нуқтаи назаридан туриб таҳлил етиш, ёритиш бир томонлама ёндашув бўлиб, у тарихни сохталаштиради, тўғри хулосага олиб келмайди. Ижтимоий ёндашув тамойили давлат арбобларининг, сиёсий кучлар, партияларнинг тарихий тараққиёт даражасига кўрсатган ижобий ёки салбий таъсирини, жамиятни у ёки бу йўлдан

ривожланишидаги ролини билиб олишда муҳим аҳамиятга егадир.

Хулоса қилиб айтганда, илмийлик, холислик, тарихийлик методлари тарихни ёритишнинг асосий калити ҳисобланади.

3 - асосий савол: Ўзбекистон тарихини даврлаштириш

3 –АСОСИЙ САВОЛ БАЙОНИ :

Илмий тадқиқотларда Ўрта Осиё тарихи ва маданияти бўйича турли типдаги даврлаштиришлар қўлланилади. Ижтимоий-иқтисодий даврлаштириш ижтимоий тузум характеридан келиб чиқади. Булар: ибтидоий-жамоа, қулдорлик, феодал, капиталистик, состиалистик, демократик. Уларнинг Ўрта Осиё тарихида қўлланилиши мақсадга мувофиқ емас. Ўрта Осиё тарихига тўғри келадиган янги даврлаштиришни ишлаб чиқиш тарихчилар олдига қўйилган вазифадир.

Археологик даврлаштириш асосий меҳнат қуроллари нимадан ясалганлигига асосланади. Булар: палеолит, мезолит, неолит, енеолит, бронза, темир. Улар, ўз навбатида, босқичларга бўлинади. Масалан, палеолит даври қуйи палеолит, ўрта палеолит, юқори палеолитга бўлинади.

Юқоридагилардан ташқари давлат ва сулола номидан келиб чиқадиган давлат-сулолавий даврлаштириш ҳам мавжуд. Масалан: аҳомонийлар, салавкийлар, юнон-бақтрия, кушон ва бошқалар.

Тарихий хронологик мутлақ даврлаштириш эса аниқ даврлаштиришга асосланади. Масалан, антик давр - ер.ав. IV - ер. IV асрлари, илк ўрта асрлар -V-VIII асрлар, ривожланган ўрта асрлар -IX-XIII асрлар, сўнгги ўрта асрлар -XIV-XVII асрлар ва ҳк.

Тарихий хронологик нисбий даврлаштириш умумий тушунчаларга асосланиб, катта хронологик даврларни ўз ичига олади: энг қадимги, архаик, антик, илк ўрта асрлар, ўрта асрлар, сўнгги ўрта асрлар, янги, энг янги даврлар.

Тарихий маданий даврлаштириш ҳукмрон (асосий) маданият белгисига қараб аниқланади. Масалан: еллинистик давр.

Етник даврлаштириш асосида қабилавий мансубликка асосланган даврлаштириш ётади. Масалан: сак, ерон, ефталит, турк, араб, ўзбек даврлари.

Диний даврлаштириш асосида у ёки бу даврда ҳукмрон бўлган дин, еътиқод ётади. Масалан: оташпарастлик, буддавийлик, мусулмон даврлари. Ўрта Осиё тарихини мусулмон динигача ва мусулмон даврларига бўлиш фанда кенг тарқалган. Бу ўзига хос қадимги ва илк ўрта асрлар даврини ўрта асрлар давридан ажратиб турувчи белги сифатида ҳам қабул қилинган.

Булардан ташқари Ўрта Осиё тарихида локал даврлаштиришлар ҳам қўлланилади. Масалан: Ўрта Осиёнинг жануби учун Кушон, Ўрта Осиёнинг маркази ва шимоли учун Қанғуй даврлаштиришлари қўлланилади.

4 - асосий савол : Ўзбекистон тарихининг комил инсон тарбиялашдаги роли.

4- асосий савол баёни:

"Маънавиятини тиклаши, туғилиб ўсган юртида ўзини бошқалардан кам сезмай бошини баланд кўтариб юриши учун инсонга, албатта, тарихий хотира керак. Тарихий хотираси бор инсон иродали инсон. Ким бўлишидан қатъий назар, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ўтмишини яхши билса, бундай

инсонларни йўлдан уриш, ҳар хил ақидалар таъсирига олиш мумкин емас. Тарих сабоқлари инсонни хушёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди". Республикамиз Президенти И.Каримовнинг бу сўзлари комил инсонни тарбиялашда Ватан тарихини холисона ва ҳаққоний ўрганиш нақадар муҳим еканлигининг далилидир.

Ҳар томонлама йетук, комил инсонни тарбиялашда Ўзбекистон тарихининг ўрни каттадир. Комил инсон тушунчасига юртбошимиз яна шундай таъриф берадилар: "Комил инсон деганда биз, аввало, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз. Онгли, билимли одамни олди-қочди гаплар билан алдаб бўлмайди, у ҳар бир нарсани ақл-мантиқ тарозисига солиб кўради, ўз фикр-ўйи, хулосасини мантиқ, асосида қурган киши йетук одам бўлади".

Бугунги кунда халқнинг, айниқса, ёшларнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш борасидаги ишлар давлатнинг олдида турган муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Маънавият, маънавий баркамоллик шундайгина киши руҳига кириб қолмайди. Унга ҳар куни ва ҳар соатда тинмай меҳнат қилиш орқали йетишиш мумкин. Бу хайрли ишда Ўзбекистон тарихини ўрганишнинг ўрни беқиёсдир. Миллий қадрият, маънавият, маданият умумбашарий қадрият, маънавият ва маданиятининг сарчашмасидир. Ана шу сарчашма маълум маконда, яъни Ватанда вужудга келади. Шундай екан, миллий қадрият ва маданият бевосита ватанпарварлик билан узвий алоқадорликдадир.

Туркистон халқлари тарихи инсониятнинг энг олижаноб орзу-умидлари, езгу ниятларини ўзида мужассамлаштирган ана шундай ватанпарварлик ҳис-туйғулари билан тўлиб-тошган, десак муболаға бўлмас. Тўмарис, Спитамен, Муқанна, Темурмалик, Жалолиддин Мангуберди, Соҳибқирон Амир Темур, Бобур, Дукчи Ешон, Қўчқор Турдийев, Собир Раҳимов... яна қанча довюрак қалблар...”

Жафокаш халқимизнинг азалий орзуси миллий мустақилликка еришганимиз туфайли Амир Темур асос солган буюк давлат тарихини ўрганишга бағишланган мавзуни ўтишнинг ўзи ватанпарварлик тарбияси учун катта оригинал фактик маълумотлардан фойдаланиш имкониятларига егамиз. Бугунги кунда Амир Темурга бағишланган халқаро конференсиялар ўтказилиб, унинг шахсига холисона таъриф берилган. Сўнгги йилларда Бўрибой Аҳмедов каби теран тарихчи олимларимиз қатори Мирмуҳсин, Муҳаммад Али, Явдат Илёсовлар каби ёзувчиларимиз тарихий мавзуларда йетук асарлар яратиб, миллий қадриятларимизни англаб олишимиз ва ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

2 - Мавзу: Марказий Осиё инсоният цивилизациясининг ўчоқларидан бири

Асосий саволлар :

1. Жаҳон цивилизациялари тизимида Ўрта Осиё сивилизациясининг ўрни.
2. Ўрта Осиё ҳудудида ибтидоий жамоа тузуми. Антропогенез жараёнлари.
3. Ибтидоий тасвирий санъат.

4. Бронза даври ютуқлари.

1-асосий савол: Жаҳон сивилизациялар тизимида Ўрта Осиё сивилизациясининг ўрни.

1-асосий савол баёни:

Ҳозирги кунга келиб, Ватан тарихига бўлган диққат-эътибор ниҳоятда кучайган бир даврда, Ўзбекистон ҳудудлари энг қадимги даврлардан бошлаб жаҳон сивилизациясининг ўчоқларидан бири эканлигига ҳеч қандай шубҳа қолмади. Ундан ташқари, нафақат Ўзбекистон, балки бутун Ўрта Осиё ҳудудларида олиб борилаётган кенг миқёсдаги тадқиқот ишларининг натижалари ҳам Ватанимизнинг жаҳон сивилизациясида тутган юқори ўрнини яна бир бор тасдиқлайди.

Дунёнинг турли бурчакларида яшайдиган халқларнинг тарихнинг турли даврларида, ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнларда еришган ютуқлари ҳамда тараққиёт босқичига кўтарилишини **ЦИВИЛИЗАЦИЯ** тушунчаси ўзида акс еттиради. Бу тараққиёт босқичи инсониятнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, жамият ривожланиш даражаси, моддий ва маънавий маданиятнинг юксалиши, қабилалар ва халқлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар билан изоҳланади.

Ўрта Осиё сивилизацияси турли ҳудудларда турли даврларда пайдо бўлди ва ривожланди. Мисол учун, жанубий ҳудудларда яшаган қадимги қабилалар мил.ав. ВИ минг йилликдаёқ деҳқончиликка ўтиб, унумдор хўжаликни ривожлантирган бўлса, бу даврда шимолий ҳудудлардаги қабилалар, асосан, овчилик, балиқчилик ва чорвачиликнинг илк шакллари билан шуғулланганлар. Бу нотекислик жараёнини табиий-географик шароитлар ва ўзаро муносабатлар билан изоҳлаш мумкин. Бу ўринда Ўрта Осиёнинг чўл ва дашт ҳудудлари ҳамда тоғолди ва дарё воҳалари ҳудудларининг ривожланиш даражасидаги маданий нотекисликни таққослаб кўриш (Копетдоғ, Ҳисор, Зарафшон тоғ олди ҳудудлари ҳамда Қизилқум, Қорақум, Қашқадарё ва Зарафшон воҳасининг дашт ҳудудлари) муҳимдир.

Ундан ташқари Ўрта Осиёда турли-туман маданият яратган қадимги аҳолининг неолит давридаёқ, яъни мил.ав. ВИ-ИВ минг йилликлардаги ўзаро муносабатлари ва бу аҳолининг Шарқдаги, даставвал, Олд Осиёдаги бошқа қадимги сивилизация ўчоқлари билан узвий алоқада бўлиши ҳам маҳаллий сивилизациянинг ривожланишига катта таъсир кўрсатган.

2- асосий савол: Ўрта Осиё ҳудудида ибтидоий жамоа тузуми. Антропогенез жараёнлари.

2-асосий савол баёни:

Ибтидоий жамоа тузуми кишилик жамияти тараққиётидаги энг узоқ давом етган ва энг қадимги даврдир. Бу даврни ёзма манбалар асосида ўрганиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам бу даврни чуқур ўрганишда археология, етнография, антропология каби фанларнинг аҳамияти беқиёсдир. Қадимги одамлар ўз фаолияти даврида атроф-муҳитга таъсир кўрсатиб, кундалик ҳаётда ўзига зарур бўладиган меҳнат қуроллари ясаган, яшаш учун маконлар танлаган, кейинчалик эса бошпаналар қурганлар. Ўз навбатида бу жараёнлар инсон

фаолиятига таъсир кўрсатган.

Ҳозирги пайтда Ўрта Осиё ҳудуди ибтидоий жамият ривожланишининг алоҳида босқичлари қуйидаги даврларга бўлинади:

1. Палеолит ("палаёс" - қадимги, "литос" - тош) даври; бундан тахминан 800 минг йил илгари бошланиб, 15-12 минг йил илгари тугайди; у қуйидаги босқичларга бўлинади:

- илк палеолит -Ашел даври, 800-100 минг йилни ўз ичига олади;
- ўрта палеолит - Мустйе даври, мил.авв. 100-40 минг йилликлар;
- сўнгги палеолит - милоддан аввалги 40-12 минг йиллик.

2. Мезолит ("мезос" - ўрта, "литос" -тош) даври милоддан аввалги 12-7 минг йилликлар.

3. Неолит ("неос" - янги, "литос"-тош) даври - милоддан аввалги 6-4 минг йилликлар.

4. Енеолит (мис-тош) даври - милоддан аввалги 4 минг йилликнинг охири -3 минг йилликнинг боши.

5. Бронза даври - милоддан аввалги 3-2 минг йилликлар.

6. Темир даври - милоддан аввалги 1 минг йиллик бошларидан.

Ўзбекистон ҳудудларидаги энг қадимги одамларнинг манзилгоҳлари Фарғона водийсидаги Селунгур, Тошкент вилоятидаги Кўлбулоқ, Бухородаги Учтут маконларидан топилган. Бу давр одамлари тошлардан кўпол қуроллар (чопперлар) ясаб, термачилик ва жамоа бўлиб ов қилиш билан шуғулланишган. Илк палеолит даври одамлари жисмоний жиҳатдан ҳам, ақлий жиҳятдан ҳам ҳозирги одамлардан фарқ қилишган. Улар табиат олдида ожиз бўлиб, унда тайёр бўлган маҳсулотларни ўзлаштирганлар. Улар на диний тушунчани, на деҳқончиликни ва на чорвачиликни билганлар.

Ўрта палеолит даври маконлари Тошкент воҳасидаги Обираҳмат, Хўжакент, Самарқанддаги Омонқўтон, Бойсун тоғларидаги Тешиктош маконларидан топилган. Обираҳмат макони ёйсимон шаклда бўлиб, бу йерда 10 метр қалинликдаги 21 та маданий қатлам аниқланган. Топилмалар орасида нуклеуслар, парракчалар, ўткир учли сихчалар, қирғичлар учрайди, шунингдек, турли ҳайвонлар суяклари ҳам кўпчиликни ташкил етади. Яна бир машҳур ёдгорлик Тешиктош ғор макони бўлиб, бу йердан турли-туман қуроллар ва ҳайвон суякларидан ташқари, 9-10 яшар боланинг қабри қазиб очилган. Қабрдаги мурданинг ёнига турли тош қуроллари ва арҳар шохи қадаб қўйилган.

Ўрта палеолит даврига келиб ибтидоий жамият одамларининг меҳнат қуроллари такомиллашиб, турмушида янги унсурлар пайдо бўла бошлайди. энг муҳими, ибтидоий тўдадан уруғчилик жамоасига ўтиш бошланади. Шимолдан улкан музлик силжиб келиши натижасида олов кашф етилади. Одамлар ўчоқлар атрофларида тўпланиб, ибтидоий турар-жойларга асос соладилар. Жамоа бўлиб ов қилиш пайдо бўлди.

Сўнгги палеолит қадимги тош асрининг сўнгги босқичидир. Бу даврга оид маконлар Оҳангарондаги Кўлбулоқ, Тошкентнинг ғарбидаги Бўзсув-И ҳамда Самарқанд шаҳридан топилган. Улардан топилган топилмалар орасида қирғичлар, кесгичлар, сихчалар, пичоқлар, болғалар каби қуроллар бор. Бу

даврга келиб одамлар фақат тоғли ҳудудларга емас, текисликларга ҳам тарқала бошлайдилар. Бу даврнинг энг катта ютуғи уруғчилик тузумига (матриархат) ўтилишидир.

Мезолит даври ёдгорликлари Сурхондарёдаги Мачой ғор-маконидан, Марказий Фарғонанинг кўпгина ёдгорликларидан топиб ўрганилган. Бу даврга келиб, музлик яна шимолга қайтади. Ҳайвонот ва ўсимлик дунёсида катта ўзгаришлар содир бўлади. Инсоният ўз тарихидаги дастлабки мураккаб мослама – **ЎҚ-ЁЙНИ** кашф етади. Мезолит даври қуроллари палеолитга нисбатан ихчамлиги ва сифатлилиги билан фарқ қилади. Мезолит даври қабилалари асосан овчилик ва термачилик хўжалиги юритганлар. Бу даврнинг охирларига келиб, дастлабки уй чорвачилиги ёки ҳайвонларни хонакилаштириш бошланади.

Неолит даврига келиб, қадимги қабилалар ҳаётида катта-катта ўзгаришлар содир бўлади. Бу давр одамлари аксарият ҳолларда дарё соҳиллари ва тармоқлари ёқасида, кўллар бўйида яшаб, табиий имкониятлардан келиб чиқиб, балиқчилик ва овчилик ёки деҳқончилик ва чорвачилик ҳамда қисман ҳунармандчилик билан шуғулланганлар. энг катта ютуқлардан бири - **КУЛОЛЧИЛИК**нинг пайдо бўлишидир. Шунингдек, бу даврга келиб, тўқимачилик ва қайиқсозлик ҳам пайдо бўлади. Неолит даври қабилалари хўжалик шаклларига қараб, қуйидаги маданиятларга бўлинади: Жойтун маданияти, Калтаминор маданияти, Ҳисор маданияти.

ЖОЙТУН маданияти. Жанубий Туркманистон ҳудудидаги мил.авв. VI-V минг йилликларга оид маданият. Бу ердан Ўрта Осиёдаги биринчи пахса уйлар қолдиқлари, сопол идишлар намуналари аниқланган. Аҳолиси, асосан, деҳқончилик, чорвачилик ва қисман овчилик билан шуғулланган.

КАЛТАМИНОР маданияти қадимги Хоразм ҳудудидан топилган бўлиб, мил.авв. V-VI минг йилликларга оиддир. Топилмалар Калтаминор қабилаларининг балиқчилик, овчилик ва қисман ҳунармандчилик билан шуғулланганлигидан далолат беради.

ҲИСОР маданияти. Асосан Ҳисор-Помир тоғларидан топилган. Мил.авв. В-ИВ минг йилликларга оид. Ҳисорликлар сопол идишлар ясаб, асосан, чорвачилик, овчилик, қисман термачилик билан шуғулланганлар.

Енеолит - мис-тош даврида одамлар дастлабки металл билан танишдилар. Бу даврга келиб, мис қуроллар анча такомиллашган бўлса-да, ундан оғир меҳнат қуроллари ясашнинг имкони ё`қ эди. Мисдан, асосан, уй-рўзғор буюмлари, тақинчоқлар ва ҳарбий қуроллар ясалган. Енеолит даври ёдгорликлари Бухоро вилоятининг Лавлакон, Бешбулоқ, Учтут (мис кони) мавзеларда, Самарқанд атрофларида (Саразм маданияти) топиб текширилган. Бу даврга келиб, деҳқончилик Ўрта Осиёнинг шимоли-шарқий ҳудудларига ҳам ёйилади.

Ҳозирги кунда ибтидоий жамоа тузумининг турли баҳсларга сабаб бўлаётган муаммоларидан бири - антропогенез- одамнинг пайдо бўлиши ва ривожланишидир. Турли ҳудудларда қадимги замонларда яшаган илғор мутафаккирлар одамнинг пайдо бўлиши ҳақида илмий таърифга яқин фикрларни баён етганлар. Улар асосан, инсоният ҳайвонот оламидан ажралиб

чиққан деган фикрни билдирадилар. Инсоннинг пайдо бўлиши миллионлаб йиллар давом етган ривожланиш жараёнининг натижасидир. энг қадимги қазилма одам қолдиқлари Шарқий Африкадан (Олдувай), Индонезиядан (Ява - питекантроп), Хитойдан (синантроп), Германиядан (Гейделберг) топиб текширилган. Кейинги замонавий одамга анча яқин бўлган одам қолдиқлари дастлаб Неандертал (Германия) водийсидан топилган (Ўзбекистоҳдаги Тешиктош).

Ўрта тош даврида биринчи навбатда меҳнат жараёнида инсон тафаккурининг ривожланиши натижасида неандертал қиёфасида одамлар ҳозирги қиёфадаги одамларга айлана бошладилар. Улар жисмоний жиҳатдан камол топиб, ҳозирги қиёфадаги кишилар вужудга келди ва шу билан антропогенез жараёни тугади (кроманён кўринишидаги одамлар). Одамнинг пайдо бўлиши йердаги энг буюк ҳодисалардан бири бўлиб, у дастлаб тошдан оддий тўқмоқ ясаган бўлса, узлуксиз меҳнат, интилиш натижасида юксак маданият яратиш даражасига йетиб келди.

3-асосий савол: Ибтидоий тасвирий санъат.

3- асосий савол баёни:

Дунё тарихида ибтидоий тасвирий санъат, хусусан, ғорларнинг деворларига турли тасвирлар чизиш сўнгги палеолит даврига оиддир. Ўрта Осиёда ғорлар, ўнгурлар ва қоятошларга ишланган расмлар мезолит даврида пайдо бўлди. Неолит даврига келиб эса ривожланган босқичга кўтарилди. Калтаминор, Ҳисор ва айниқса, Жойтун маданиятига мансуб ёдгорликлардан ибтидоий санъатнинг намуналари топилган. Ўрта Осиёнинг тоғлик ҳудудларида тарқалган қоятош расмлари ишланиш усулига кўра икки хил. Бир хиллари бўёқ (охра) билан, иккинчи хиллари эса уриб-ўйиб ишқалаш, чизиш усули билан ишланган расмлардир (петроглифлар).

Ўзбекистондаги қоятош расмларининг энг нодир намуналари Зарауцой, Сармишсой, Биронсой, Кўксарой, Такатош, Тераклисой кабилар бўлиб, улар юздан зиёддир. Бу йердаги қоятошларда Ўзбекистоннинг қадимги ва ҳозирги ҳайвонот олами вакилларининг расмларини кузатиш мумкин. Улар ибтидоий буқалар, шерлар ва йўлбарслар, қоплон, тулки ва бўрилар, буғу ва жайрон кабилардир. Расмлар орасида ўқ-ёй, узун қилич, ханжар, дубулға, қопқон каби нарсалар ҳам кўпчиликни ташкил етган.

Енг қадимги расмлар Зараустойдаги (Сурхондарё) бўлиб, бу расмлар мезолит-неолит, яъни мил.авв. VIIII-IV минг йилликларга оиддир. Чўл (дашт) бронза асри қабилаларининг манзилгоҳи Жиззах яқинида топилган. Бу йерда Сайхонсойдаги қояларнинг бирида қадимги рассомлар томонидан қолдирилган қоятош расмлари (петроглифлар)нинг бутун бир галереяси мавжуд. Қоятош расмлари орқали ўша давр одамларининг ов, меҳнат ва жанговар қуролларини билиб олишимиз мумкин. Шунингдек, қоятош расмлар қадимги аждодларимизнинг ғоявий қарашлари, диний еътиқодларини ўрганишда муҳим аҳамиятга ега.

4-асосий савол: Бронза даври ютуқлари.

4-асосий савол баёни:

Кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда, бронзанинг ватани Кичик Осиё ва Месопотамия бўлган. Мил.авв. ИИ минг йилликка келиб, Ўрта Осиё ҳудудларида ҳам бронза қуроллари кенг тарқалади. Ўзбекистон ҳудудларида бронза даври ёдгорликлари кўплаб учрайди. Бу даврга мансуб маданият излари дастлаб Хоразм, кейинроқ эса Зарафшон ва Қашқадарё ҳамда Фарғона водийларидан топилган.

Улардан энг йириклари Тозабоғёб, Замонбобо, Сополлитепа, Жарқўтон, Чуст, Амиробод ёдгорликларидир. Бу ёдгорликларда олиб борилган тадқиқотлар шундан далолат берадики, бронза даврида кишилик жамияти маданий тараққиётида катта-катта ўзгаришлар содир бўлади. Аҳоли хўжалик юритишнинг муайян кўринишларига, яъни воҳаларда, кўллар, дарёлар ва сойлар бўйларида деҳқончиликка, дашт ва тоғолди ҳудудларда чорвачиликка (МЕҲНАТНИНГ ДАСТЛАБКИ ЙИРИК ТАҚСИМОТИ) ўтиб олди.

Бу даврга келиб, Ўрта Осиёнинг ижтимоий тузумида ҳам ўзгариш жараёнлари бўлиб ўтди. Уруғчилик тузуми бронза даврида ҳам давом етган бўлса-да, она уруғининг мавқеи ё`қолиб борди. Металл еритиш ва хўжаликнинг ривожланиши натижасида жамиятда еркаклар меҳнати ва мавқеи биринчи даражали аҳамиятга ега бўлиб борди. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, бронза даври жамият тараққиётида деҳқончилик, чорвачилик, овчилик ва ҳунармандчиликнинг ривожланишида еркаклар йетакчилик қилганлар. Аёллар еркаклар ишлаб чиқарган нарсаларни истеъмол қилишда иштирок ецалар ҳам, унга эгалик қилишдан маҳрум бўлади. Ишлаб чиқаришда ҳукмронлик қилиш шу тариқа еркаклар қўлига ўтади ва она уруғи тузуми ўрнини ота уруғи **(ПАТРИАРХАТ)** тузуми эгаллайди.

Бронза даврига келиб, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиши, меҳнат унумдорлигининг ошиши натижасида айрим кишилар қўлида бойлик (деҳқончилик қуроллари, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари ва бошқалар) тўпланиб борган бўлса, баъзи бирлари қашшоқлашиб, уларга қарам бўлиб боради. Дастлаб мулкий табақаланиш, кейин эса ижтимоий табақаланиш натижасида уруғчилик тузуми ҳаробаларида синфий жамият пайдо бўлади.

3-Мавзу: Ўзбек халқининг этник шаклланиши

Асосий саволлар:

1. Ўрта Осиёнинг қадимги аҳолиси
2. Ўзбек халқи этногенезининг даврлари

1-асосий савол: Ўрта Осиёнинг қадимги аҳолиси.

1-асосий савол баёни:

Ҳар бир халқнинг ўз келиб чиқиши ва ривожланиш тарихи бор. Ўзбек халқининг ҳам узоқ ва воқеликларга бой тарихи мавжуд бўлиб, у халқ бўлиб шакллангунга қадар узоқ ва мураккаб этник жараёнларни бошидан кечирди. Умуман олганда, ҳозирги кунда халқларнинг келиб чиқиши - этногенезига

еътибор, айниқса, кучайганки, бу ҳолат миллатлар ичида ўз-ўзини англаш жараёнининг ўсганлиги, ўз тарихи, ўтмишига қизиқишнинг ошганлиги, янги мустақил давлатлар пайдо бўлиши билан ўз ифодасини топади.

Мустақиллик шарофати ила ўтмишимиз, тарихимизга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Тарихимизни, бой ўтмишимизни илмий, холисона тарзда баён қилиш замон талабига айланди. Президентимиз И.А.Каримовнинг 1998 йил июл ойида бир гуруҳ олимлар билан ўтказган учрашувида, ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг "ЎзР Фанлар Академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисидаги" 1998 йил 27 июл қарорида ва Президентимизнинг тарихий ўтмишимизни ўрганиш муаммоларига бағишланган "Тарихий хотирасиз келажак йўқ" асарида ўзбек халқининг тарихини илмий, ҳаққоний тарзда баён қилиш, тарихий тадқиқотларга кенг кўламда йўл очиб бериш, кўплаб муаммоларни ҳал етиш масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихи ҳозирги кунда тарихимизда илмий асосда тамомила янгидан кўриб чиқилиши керак бўлган масалалардан биридир. Президентимиз таъкидлаганидек, "биз халқни номи билан эмас, балки маданияти, маънавияти орқали биламиз, тарихининг таг-томиригача назар ташлаймиз". Уч минг йилликдан зиёд давлатчилик тарихига ега бўлган халқимизнинг илдизларI асрлар қаърига бориб тақалади.

Ўзбекистон Ўрта Осиёнинг қадимдан ўтроқ деҳқончилик маданияти ўчоқлари таркиб топган ҳудудда жойлашган. Диёримиз шу боис археологик ва меъморчилик ёдгорликларга бой. Фарғона водийсининг Селунғур ғоридан топилган қадимги тош даврига оид топилмалар ва Тешиктошдан топилган ўрта палеолит даврига оид одамзод қолдиқлари бизнинг юртимиз Африка ва Олд Осиё билан бир қаторда инсоният пайдо бўлган ҳудудлар таркибига кирганлиги ҳозирги кунда узил-кесил исботланди. Шунингдек, мезолит даврига (ўрта тош даври) оид Мачай ғоридан топилган ёдгорликлар, неолит (янги тош) даврига оид овчилик ва балиқчилик маданиятини ўзида жам қилган Калтаминор, жанубдаги илк деҳқончилик маданиятига оид бўлган Жойтун, Ҳисор тоғ маданияти, бронза даврига оид бўлган хилма-хил Чуст, Замонбобо, Сополлитепа, Саразм, Далварзинтепа маданиятлари ўлкамизда қадимги аждодларимиз хўжалигининг жадаллик билан ривожланганлигини исбот қилади.

Ўлкамиз қадимги тош ва бронза даврларида қандай ном билан аталганлиги бизга номаълум. Илк бора Ўрта Осиё аҳолиси хусусидаги маълумотлар Яқин Шарқ ва антик давр юнон-рим манбаларида тилга олинади. Юнон тарихчиларининг маълумотларига қараганда, Евроосиёнинг Қора денгиздан Олтойгача бўлган ҳудудида яшовчи кўчманчи қабилалар умумий "скифлар" номи билан аталган. Грек тарихчиси Геродот уларга: "бу халқлар қадимийликда мисрликлардан қолишмайди", деб юқори баҳо берган эди. Плиний Ўрта Осиё ҳудудларида 20 га яқин қабилалар борлиги хусусида ўз асарида еслаб ўтади. Ёзма манбаларда скифларнинг иккита йирик қабиласи: саклар ва массагетлар хусусида кўпроқ гап боради. Аҳмоний миҳхат

ёзувларида саклар учта қисмга бўлиб кўрсатилади (хаомаварка, тиграхауда, сака-тиай-тара-дарайя). Массагетлар хусусида ҳам турлича фикрлар мавжуд бўлиб, улар кўчманчи чорвадор ҳарбий қабилалар бўлганлиги таъкидланади.

Ўрта Осиёда қадимданоқ 2-хил: шарқий-ероний тилда сўлашувчи аҳоли ва туркий тилда сўзлашувчи қабилалар мавжуд эди. Ўзбек халқининг қадимги аҳолисини худди шу икки бўлак ташкил етган. Мил.авв. ИИ-1 асрларда ва ерамизнинг бошларида эса узоқ давом етган этник жараён натижасида ҳозирги замон ўзбек халқига хос бўлган «икки дарё оралиғи типи» (Амударё, Сирдарё) даги ирқ (Фергантроп) кишилари юзага келдилар. Милоднинг IV асрларига келиб, бу тип кишилари ҳозирги Ўзбекистон ҳудудининг катта қисмида учрай бошлади. Ерон Аҳмонийларининг Ўрта Осиёни босиб олишлари, сўнгра Македониялик Искандарнинг ҳарбий юришлари маҳаллий аҳоли этногенезига сезиларли таъсир етмади. Мил-ав. I аср ва эрамизнинг IV асрига қадар Ўрта Осиёда кўчманчи юечжилар, хионийлар, ефталит қабилаларининг кириб келиши даври бўлди. Худди шу давр янги феодал муносабатларнинг ҳам шаклланиш даври бўлди. Юқоридаги қабилалар туркий тилдаги қабилалар бўлиб, уларнинг кириб келиши туркийлашув жараёнини янада кучайтирди.

2-асосий савол: Ўзбек халқи этногенезининг даврлари

2-асосий савол баёни:

Ерамизнинг 551 йилида Олтойда янги давлат - Турк ҳоқонлиги юзага келди. Турк ҳоқонлиги ҳукмдори Мукан ҳоқон (554-576 й.й.) ва унинг амакиси Истами ябғуларнинг Ўрта Осиёга юришлари, VI асрнинг 50-йиллар охири ва 60-йилларда, айниқсам кучайди. 568 йили Ўрта Осиё батамом улар қўлига ўтди. Турк ҳоқонлиги даврида ўлкамизга туркий халқларнинг кириб келиши тезлашди. Улар аввал қўриқ, ўзлаштирилмаган йерларга, маҳаллий аҳоли яшайдиган қишлоқларга яқинлашиб, йерли халқ маданий-хўжалик ютуқлари таъсирида ярим ўтроқ ва кўп ҳолларда ўтроқ турмуш кечиришга, улар билан иқтисодий ва маданий алоқани кучайтиришга муяссар бўлдилар. Натижада Хоразм, Фарғона, Сўғднинг катта қисмида туркийлашиш жараёни кучайди.

VI асрнинг 60-70 йилларида туркий халқлар Бухоро воҳаси ва ҳатто Шимолий Афғонистон ҳудудларига ҳам бориб ўрнаша бошладилар. Бунинг натижасида маҳаллий аҳоли билан ўзаро яқинлашув ва қон-қариндошчилик алоқаларининг ривожланиши жараёни содир бўла бошлади. VII асрдан бошлаб эса туркий халқларнинг янги гуруҳлари анча осойишталик билан ички ҳудудларга бориб ўрнаша бошладилар. Бу жараённи тўхтатиш учун ҳеч бир сиёсий куч майдонга чиқмади. Аксинча, маҳаллий аслзодалар, айниқса, Сўғд зодагонлари турк ҳоқонлари ҳимоясида ўз савдо-сотиқ ишларини ривожлантириб, ундан катта даромад олар едилар. Туркий аҳоли сон жиҳатдан кўпайиб, уларнинг маҳаллий аҳоли ўртасидаги этник қатлами тобора қалинлашиб борди. Айниқса, туркий қатлам VII-VIII асрларда Шош ва Фарғонада устун даражага ега эди. Гарчи Ғарбий Турк ҳоқонлиги 659 йилга

келиб, парчаланиб кеца-да, туркларнинг таъсири ўлкада сақланиб қолди.

VII аср бошида арабларнинг Ўрта Осиёга бостириб кириши маҳаллий аҳоли этногенезига деярли таъсир кўрсатмади. Араблар турклардан сиёсий ҳукмронликни тортиб олиб, туркий халқларнинг Ўрта Осиёга кириб келиш жараёнига чек қўя бошладилар. Туркларнинг маҳаллий аҳоли билан аралашиб кетиши, уларнинг тобора ўтроқ ҳаёт тарзига ўтиши ҳолати юз берди. Туркий тил тобора кенг тарқала бошлади. Араблар туркий халқлар таъсирини синдириш мақсадида Мовароуннаҳрни ерониклларга яқинлаштириш сиёсатини тутдилар. Шу мақсадда Ўрта Осиёга VIII-IX асрларда араблар ва ероний оилаларни кўчириб келтириб, жойлаштириш сиёсатини юргиздилар. Турклар ўз таъсирларида Йеттисувни сақлаб қолдилар, холос.

Шундай қилиб, ўзбек халқи этногенезининг биринчи даври ВИ-VIII асрлардаги этник жараёнлар, ўзбек халқи шаклланишининг иккинчи муҳим даври IX-XII асрлар ҳисобланади. X асрнинг охирларида туркий этник қатламнинг Мовароуннаҳрнинг барча ҳудудларида устунлигини таъминловчи тарихий воқеалар содир бўлди. Арғу, тухси, қарлуқ, тагил, яғмо қабилаларининг иттифоқидаги Қорахонийлар давлати юзага келиб, бу давлат 999 йили Мовароуннаҳрни ўз қўлига киритди. Қорахонийлар давлатида қарлуқ-чигил туркий тил лаҳжаси кенг тарқалди. Кейинчалик шу тил асосида адабий туркий тил юзага келиб, уни Маҳмуд Қошғарий "енг очиқ ва равон тил" деб атаган эди. Туркий тилда IX-XII асрлар мобайнида бир қатор асарлар ёзилган бўлиб, Аҳмад Югнакийнинг (775-869) "Ҳибатул-ҳақойиқ" (Ҳақиқатлар туҳфаси) достони, Юсуф Хос Ҳожиб (IX аср)нинг "Қутадғу билик" (Саодатга йўлловчи билим) асари, Маҳмуд Қошғарийнинг машҳур "Девону луғотит-турк" асари, Аҳмад Яссавийнинг (1041-1167) "Ҳикматлар" ҳамда "Ўғузнома"си, "Алпомиш", Гўрўғли" каби достонлар шулар жумласидандир.

Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг форсий-дарий тилида сўзлашувчи аҳолиси X асрдан бошлаб, ўзини "тозик", яъни "тожик" деб юрита бошлайди. Сомонийлар ва Қорахонийлар IX аср ўрталаридан - 1213) дан ташқари ҳукмронлик қилган кейинги сулолалар, Ғазнавийлар (997-1187), Салжуқийлар (1040-1157), Хоразмшоҳ-ануштегинийлар (1097-1231) нинг барчаси туркий қавмга тегишли бўлиб, ўз вақтида нафақат Ўрта Осиё, балки Ўрта Шарқда ҳам ҳукмронлик мавқеига ега бўлганлар. Мўғуллар истилоси, гарчи аҳоли бошига ниҳоятда оғир кулфатлар ва ё`қотишлар олиб келган бўлсада, Т.Ходжаёв фикрича, ўзбек халқи этногенези ва ирқига деярли таъсири бўлмади.

Ўзбек халқи шаклланишидаги учинчи давр XV аср охири-XVI асрга тўғри келади ва бу давр кўчманчи ўзбекларнинг Дашти Қипчоқдан Мовароуннаҳр йерларига кириб келиши даври билан боғлиқдир. Мовароуннаҳр ва Хоразмдан шимолда жойлашган вилоятларни, мусулмон муаллифлари Дашти Қипчоқ - Қипчоқ чўли деб аташган. Қадимданоқ бу йерларда, асосан, туркий халқлар ва турклашган мўғуллар истиқомат қилар едилар. Чингизхон

босқинидан сўнг бу йерлар катта ўғил Жучининг илкига тушган эди. Кейинчалик бу ҳудуд икки қисмга бўлиниб кетди. Жучининг ўғли бўлмиш Шайбоннинг авлодидан бўлган Султон Муҳаммад 13 ёшда (1312-1341) Оқ Ўрдага ҳукмдор бўлади. Султон Муҳаммадга -Ўзбекхон деб тахаллус берилган.

Ўзбекхон Дашти Қипчоқда яшайдиган қабила ва елатлар устидаги назоратни сақлаб, 30 йилга яқин мамлакатни бошқарган. Унинг қўл остидаги аҳоли кўпчилиги ўзбеклар деб ном олган. Кўпчилик манбаларга қараганда, Дашти Қипчоқ ўзбеклари шажараси 92-та уруғдан иборат дейилади. Ўзбек номи бу вақтда ҳали этник аҳамиятга ега бўлмай, балки турли қабилаларни бирлаштирувчи сиёсий атама эди. Дашти Қипчоқнинг шарқий қисмида ташкил топган энг катта давлатнинг машҳур хонларидан бири Абулхайрхон (1429-1468) бўлган эди. Унинг давлатига Дашти Қипчоқнинг катта қисми ва Сирдарё бўйидаги йерлар кирар эди. Абулҳайрхоннинг набираси Муҳаммад Шоҳбахт Шайбонийхон (1451-1510) кейинчалик тахтга ўтириб, 1499-1508 йиллар мобайнида Мовароуннаҳр ва Хуросонни босиб олади ва темурийлар салтанатига чек қўяди. Дашти Қипчоқ ўзбеклари Мовароуннаҳрга келиб ўрнаша бошлайдилар.

"Ўзбек" номи остидаги туркий қабилалар Ўзбекистоннинг Зарафшон, Сурхондарё ва Қашқадарё воҳаларида, Хоразм, Фарғона водийсига кўплаб келиб ўрнашиб, маҳаллий туркий аҳоли билан аралашиб кета бошлайдилар. Дашти Қипчоқ аҳли, асосан, ярим ўтроқ, чорвадорлардан иборат эди. XVI асрдаёқ кўчманчи ўзбеклар ва маҳаллий туркий аҳолининг аралашуви содир бўлиб, "ўзбек" атамаси барча туркий аҳолига нисбатан ишлатила бошланди. Шундай қилиб, кўчманчи ўзбеклар Ўрта Осиёга "Ўзбек" деган атамани олиб келиб, ўзбек халқи шаклланишининг сўнгги - учинчи босқичини якунладилар. "Ўзбек" атамаси илмий жиҳатдан ҳали тўлиқ ўрганилмаган. Даставвал "ўзбек" атамаси араб муаллифи Усам ибн Мунқиз (XII аср охири), Эрон тарихчиси Рашидиддин (XIII аср охири-XIV аср боши) асарларида учрайди. Ҳамидуллоҳ Казвиний (1281-1350) Дашти Қипчоқни "мамлакати Ўзбек" деб ёзса, Ал-Калкошандий (1418 ваф.) уларнинг подшоҳларини "малики билаг Ўзбек" ("Ўзбеклар подшоси") деб атайди.

Хуллас, "Ўзбек" деган атама бизга XVI асрда кириб келиб, тарқалиб, бу ном халқимизга нисбатан ишлатила бошлади. Зеро, неча-неча босқинларни бошидан кечирган халқимиз "қони", "генетикаси" деярли ўзгаргани йўқ, у ҳамиша ўзлигини сақлаб қолди. Икки ярим минг йил давомида маҳаллий аҳолига келиб қўшилган туркий тилли елат ва халқлар ўзбек халқининг шаклланишида асосий таркибий қисм сифатида қатнашди.

4-Мавзу: Ўзбек давлатчилиги, унинг пойдевори ва тараққиёт босқичлари.Миллий давлатчилик қурилиши тажрибаси

Асосий саволлар:

1. Илк давлатлар пайдо бўлишининг асосий омиллари. Ўлкамиз ҳудудида дастлабки шаҳарсозлик маданияти.

2. энг қадимги давлатлар. Антик давр давлатлари ва маданияти.

1-асосий савол:

Илк давлатлар пайдо бўлишининг асосий омиллари.Ўлкамиз ҳудудида дастлабки шаҳарсозлик маданияти.

1-асосий савол баёни:

Нафақат Ўзбекистон, балки дунё тарихида илк давлатчиликнинг пайдо бўлиши масалалари ҳозирги кунда тадқиқотчилар орасида энг долзарб бўлиб турган муаммолардан бири ҳисобланади. Масалани ўрганиб, унга аниқлик киритишдан олдин давлатчиликнинг илдизлари ва пайдо бўлиш шарт-шароитларига диққат-еътиборни қаратмоғимиз лозим.

Неолит ва бронза даврларига келиб, аҳолининг ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида катта ўзгаришлар содир бўлди. Хусусан, қадимги аҳоли ишлаб чиқаришнинг маълум бир соҳаларига - деҳқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчиликка ихтисослашиб борди. Бу жараён ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиши, уларнинг бир йерга тўпланиши учун замин яратди. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиши, ўз навбатида, маҳсулот ҳажмининг ўсиб, қўшимча маҳсулот пайдо бўлишига сабаб бўлди. Жамиятдаги айрим кишилар қўлида бойлик тўплана бошлайди. Қўшимча маҳсулот ва хусусий мулкнинг пайдо бўлиши билан эса ижтимоий ва мулкий тенгсизлик пайдо бўлади. Демак, қадимги хўжаликларнинг ихтисослашуви, суғорма деҳқончиликнинг ривожланиши, металлнинг ҳаётга жадаллик билан кириб келиши ва ёйилиши, ҳунармандчиликда эса турли тармоқларнинг ривожланиши, ўзаро айирбошлаш ва савдо-сотиқ тараққий етиши натижасида жамият ҳаётида ижтимоий-иқтисодий юксалиш кузатилади. Бу юксалиш илк давлатчиликнинг асосий пойдевори ҳисобланади.

Олиб борилган археологик тадқиқотлар натижаларига кўра дунё тарихидаги энг қадимги давлатлар милоддан аввалги ИВ-III минг йилликларда Миср ва Месопотамияда пайдо бўлади. Мил.авв. ИВ минг йилликнинг иккинчи ярмида Мисрда суғорма деҳқончилик (Нил дарёси), савдо-сотиқ ва ҳунармандчилик ривожланиб боради. Қадимги Мисрнинг ривожланиши ўрта, янги ва сўнгги подшолик даврларига бўлинади. Мил.авв. ИИИ -минг йилликнинг бошлари Месопотамиянинг (Фрот ва Дажла дарёлари водийси) жанубида Шумер, ўрта қисмида эса Аккад каби давлатлар, Ереду, Ур, Ларса, Урук, Умма, Лагас каби бир нечта шаҳар-давлатлар мавжуд эди. Ўша давр Месопотамия ривожланишининг асосини суғорма деҳқончилик ташкил етарди.

Ўлкамиз ҳудудларида дастлабки шаҳарсозлик маданиятига тўхталсак.

Жамият ҳаётида содир бўлган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар мил.авв.III минг йилликнинг охири II- минг йилликнинг бошларига келиб, Ўрта Осиё ҳудудларида дастлабки шаҳарларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Шаҳар маданиятининг шаклланиши ҳам худди жамият тараққиётида бўлгани каби узлуксиз тараққиёт йўли билан ривожланган. Бу қонуниятга кўра шаҳарсозлик маданиятининг шаклланиши, узоқ, босқичма-босқич даврларни босиб ўтган. Мил. авв. ИИ минг йилликка оид Жарқўтон, Сополли

(Ўзбекистон), Дашли (Афғонистон), Гонур, Намозгоҳ, Олтинтепа, Улустепа (Туркманистон) кабиларда илк шаҳарсозлик маданиятининг шаклланиши ва ривожланишида қуйидаги омиллар муҳим аҳамиятга ега бўлди:

- аҳолининг ўтроқ деҳқончиликка ўтиши ва кенг воҳалар бўйлаб ёйилиши;
- ҳунармандчиликнинг ривожланиши ва айрим соҳаларга ихтисослашуви;
- қадимги савдо йўлларининг ривожланиши натижасида иқтисодий ва маданий алоқалар ҳамда савдо-сотиқнинг тараққий етиши;
- табиий-географик ҳамда ҳарбий-стратегик шарт-шароитлар.

Шаҳар маданияти даставвал Ўзбекистоннинг жанубида, - Сурхондарё ҳудудида шаклланди, сўнгра эса шимолга Сўғд (Қашқадарё, Самарқанд, Бухоро), Хоразм, Шош ва Фарғона ҳудудларига тарқалди. Бу айнан юртлар ва халқдар тараққиётидаги нотекислик каби тарихий қонуниятга зид емас.

2-асосий савол: энг қадимги давлатлар. Антик давр давлатлари ва маданияти.

2-асосий савол баёни:

Ижтимоий-иқтисодий аҳволни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, мил.авв. И минг йилликнинг бошларига келиб Ўрта Осиёнинг нисбатан ривожланган ҳудудларида илк давлат уюшмалари пайдо бўла бошлайди. Мил.авв. ИХ-VIII асрларга келиб, Бақтрия (Жанубий Ўзбекистон, Жанубий Тожикистон, Шимолий Афғонистон) ҳудудларида ҳарбий аҳамиятга ега бўлган сиёсий бирлашмалар ташкил топади. Марғиёна ва Сўғдиёна қадимги Бақтриянинг айрим қисмлари бўлганлиги ҳақида турли маълумотлар бор. Бақтрия Шарқдаги энг муҳим ҳарбий ва иқтисодий марказлардан бири бўлиб, аҳоли, қудратли шаҳарлар, қалъаларнинг кўплиги, табиий хом ашёга бойлиги, муҳим марказий савдо йўллари чорраҳасида жойлашганлиги, ҳунармандчиликнинг равнақи шундан далолат беради.

Сўнгги йилларда олиб борилган тадқиқотлар "Катта Хоразм», "Қадимги Бақтрия" масалаларига бирмунча аниқликлар киритди. Археологик тадқиқотлар натижаларига кўра Хоразмда мил.авв. ВИИИ-XI асрларга оид пахса ёки хом ғиштдан ясалган турар жойлар аниқланмаган (турар жойлар яримйертўлалардан иборат). Қадимги Хоразм давлати мил.авв. VII асрда Амударёнинг ўрта оқими қисмидан Оролга яқин бўлган йерларда вужудга келган. Бақтрия Хоразм давлатининг ҳудудий чегаралари «Ўрта Амударё" оқимидаги ерлар орқали ўтган. Хоразмнинг йирик суғориш иншоотлари мил.авв. V-VI асрларга оиддир. Ўлкада бу даврларга оид кўпгина шаҳар ва қишлоқлар ҳаробалари очиб ўрганилган. Улардаги топилмалар, манзилгоҳлар хом ғишт ва пахсадан қад кўтариб, аҳоли деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланган. Шаҳарларда ҳунармандчилик ривожланган. Қадимги Сўғдиёна Зарафшон ва Қашқадарё воҳаларида жойлашган бўлиб, жануби-шарқда Бақтрия, шимоли-ғарбда Хоразм билан чегарадош бўлган. Қашқадарёдаги бир қатор турар жойлар ва уй-қўрғонлар қолдиқлари мил.авв. IX-VIII асрларга оиддир. Сўғдиёнада Афросиёб, Ерқўрғон, Узунқир каби йирик шаҳар марказлари ҳамда қўшни вилоятлар ва давлатлар билан ўзаро иқтисодий ва маданий алоқалар ривожланади.

Ўзбекистон ҳудудларидаги энг қадимги давлатлар ҳақида зардуштийларнинг муқаддас диний китоби "Авесто", Аҳмонийларнинг миҳхат ёзувлари (Бехистун, Нақши-Рустам, Суза, Персепол), грек-рим тарихчиларининг (Геродот, Гекатей, Курстий Руф, Арриан, Страбон ва бошқалар) маълумотлар беради. Сўнгги йилларда қадимги Бақтрия, Сўғдиёна ва Хоразм ҳудудларида олиб борилган археологик тадқиқотлар кўп ҳолларда ёзма манбалар маълумотларини тасдиқлайди.

Мил.авв. 559 йилда Еронда подшо Кир II Аҳмонийлар давлатига асос солади. Мил.авв. 545-540 йилларга келиб, Аҳмоний подшолари Ўрта Осиёдаги Парфия, Марғиёна, Бақтрия, Сўғдиёна каби вилоятлар ва кўчманчи қабилалар ўртасида ўз ҳукмронликларини ўрнатдилар. Ўрта Осиё халқлари босқинчиларга қарши мардонавор кураш олиб бордилар. Хусусан, кўчманчи массагет қабилалари Аҳмонийларнинг катта қўшинларини тор-мор етдилар (мил.авв. 530 йил). Бу жангда форс подшоси Кир II вафот етди.

Бу даврда қадимги Бақтрия аҳолисининг асосий машғулоти деҳқончилик эди. Қалъаимир, Кучуктепа, Қизилтепа, Қизилча, Бандихон каби мил.авв. VI-IV аср ёдгорликларидан кўплаб меҳнат қуроллари топилган. Мил.авв. VIII-IV асрларда Сўғдиёнада ҳам кўплаб шаҳар ва қишлоқлар бўлиб, улар форс подшоларига катта-катта солиқлар тўлаб турганлар. Хусусан, бу даврга оид Узунқир, Ерқўрғон, Афросиёб, Лолазор, Хўжабўстон, Сангиртепа, Чордара, Қўрғонча, Кўктепа каби 50 дан зиёд ёдгорликлар ўрганилган. Бу ҳудудлардан топилган кўпгина топилмалар аҳолининг деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик билан шуғулланганлигидан далолат беради. Шунингдек, савдо-сотиқ ва ўзаро алоқалар ҳам анча ривожланади. Бу даврда Хоразм ҳудудларида ҳам йирик-йирик манзилгоҳлар мавжуд эди. Қишлоқларда деҳқончилик, шаҳарларда эса ҳунармандчилик ривожланган эди. Жонбосқалъа, Кўзалиқир, Тупроққалъа кабилар маданий марказлар ҳисобланган. Ўзбекистондаги энг қадимги маҳаллий ёзув намуналари ҳам Хоразм ҳудудларидан (Тупроққалъа, мил.авв. IV аср) топилган.

Мил.авв. 329 йилга келиб, Македониялик Искандарнинг Ўрта Осиёга юришлари бошланади. Искандар қўшинлари Сўғдиёна ва Уструшона йерларида жуда қаттиқ қаршиликка дуч келди. Жангларда Искандарнинг ўзи ҳам бир неча марта ярадор бўлди. Мил.авв. 329-327 йиллар давомида маҳаллий аҳоли Спитамен бошчилигида юнон-македон босқинчиларига қарши кураш олиб бориб, уларга жуда катта талофат йетказди.

Мил.авв. 323 йилда Македониялик Искандар вафот етгандан сўнг, Ўрта Осиё йерлари Салавка ҳукмронлиги остига ўтган (мил.авв. 306 йил). Салавкийлардан бўлган Антиох И даврида (мил.авв. 280-261 йй) Ўрта Осиё вилоятларида тинч ҳаёт бошланиб, қишлоқ хўжалиги, ҳунармандчилик, савдо-сотиқ анчагина ривожланади. Ўрта Осиё йерлари Салавкийлар давлатининг муҳим қисми бўлиб, ҳарбий-стратегик ва иқтисодий аҳамиятга ега эди.

Мил.авв. III асрнинг ўрталарига келиб, салавкийлар давлатида тахт учун ўзаро курашлар авж олиб кетди. Натижада дастлаб Парфия, кейин эса Грек-

Бақтрия давлатлари салавкийлардан ажралиб чиқди. Мил.авв. 250 йилда биринчи Грек-Бақтрия подшоси Диодот ўзини ҳукмдор деб еълон қилди ва тангалар зарб етди. Тангашунослик маълумотларига кўра, мил.авв. III асрнинг охиригача Грек-Бақтрияда бир неча подшолар ўтганки, улар ёзма манбаларда еслатилмайди. Мил.авв. II аср бошларига келиб Деметрий, Евкратид каби подшолар Грек-Бақтрия йерларини жанубга томон кенгайтириб борадилар. Мил.авв. II асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, кўчманчи қабилаларнинг ҳужумлари ва ўзаро курашлар натижасида Грек-Бақтрия подшолиги қулатилади.

Мил.авв. III асрнинг ўрталарида мустақил давлат сифатида ташкил топган Парфия давлати ҳозирги Туркманистон ва Ероннинг бир қисмини ўз ичига олган. Бу давлатнинг биринчи ҳукмдори Аршак бўлиб, у мил.авв. 247 йилда тахтга ўтиради. Мил.авв.235 йилдан бошлаб Парфия подшолари ўз йерлари ҳудудларини кенгайтириб бордилар. Милодий III асрнинг биринчи чорагида Сосонийлар аршакийлар ҳукмронлигини тугатиб, Парфияда ҳокимиятни қўлга олдилар. Антик даврда Парфиянинг қишлоқ хўжалигида қуллар меҳнатидан кенг фойдаланилган. Парфияликлар беш аср давомида Ҳиндистон, Ўрта Осиё ва Хитойнинг Ғарб мамлакатлари билан қилган савдо алоқаларида воситачилик қилдилар. Парфияликларнинг ёзуви оромий (Нисо ҳужжатлари) ёзуви бўлиб, зардуштийлик динига еътиқод қилишган.

Қадимги Фарғона турли давр манбаларида Довон, Бохан, Полона, Паркана каби номлар билан еслатиб ўтилади. Маълумотларга қараганда, Ерши (Марҳамат) шаҳри Довоннинг пойтахти эди. Антик давр Довон аҳолиси деҳқончилик, узумчилик, йилқичилик билан шуғулланишган. Довоннинг "самовий отлари" ўлкадан ташқарида ҳам маълум ва машҳур бўлган. Мил.ав. II асрнинг охирларида Хитой ҳукмдорлари Довон йерларини босиб олишга ҳаракат қиладилар. Аммо қўшни давлатлар томонидан қўллаб-қувватланган довонликлар ўз мустақиллигини сақлаб қолишга муваффақ бўладилар.

Мил.авв. III асрнинг бошларида пайдо бўлган Қанғ давлатининг ҳудудлари Сирдарёнинг ўрта оқимидаги йерлар эди. Мил.авв. II-I асрларда Қанғ давлати кенгайиб, Амударё ва Сирдарё оралиғидаги йерлар ва Хоразмни ўз ичига олади. Антик даврда Қанғ давлати анча ривожланган давлат эди. Ўтроқ аҳоли, асосан, водийларда яшаб, деҳқончилик, боғдорчилик ва ҳунармандчилик билан шуғулланиб келишган. Қанғ ҳукмдорларининг марказий шаҳарлари иккита эди. Улар ёзни Ўтрорда (Ҳазорасп ва Туркистон оралиғида), қишловни эса Қанқа (ҳоз. Тошкент вилояти Оққўрғон туманида) шаҳарларида ўтказар едилар.

Мил.авв. I асрга келиб, Ўрта Осиё ҳудудларида антик даврнинг энг қудратли давлатларидан бири бўлган Кушон давлати ташкил топади. Дастлабки ҳукмдорлар Кадфиз I ва Кадфиз II -лар давлат йерларини кенгайтириб, пул ислоҳоти ўтказадилар. II асрга келиб, Кушон давлати йерлари Шимолий Ҳиндистон, Афғонистон, Ўрта Осиё, Шарқий Туркистондан иборат эди. Кушон ҳукмдорлари, хусусан, Канишка (II аср) даврида савдо-сотиқ, ички ва ташқи савдо, айниқса, ривожланади.

Деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик ҳам тараққий етади. Бу жараёнда Буюк ипак йўлининг аҳамияти ниҳоятда катта бўлди. Кушон давлатида асосий дин буддавийлик бўлиб, грек, зардуштийлик ақидаларига ҳам еътиқод қилинар эди.

Антик давр Ўрта Осиё халқлари моддий ва маънавий маданиятида жиддий ўзгаришлар содир бўлди. Мил.авв. IV-II асрлар оромий ёзуви асосида Хоразм, Парфия ва Сўғд ёзувлари пайдо бўлди. Кушон даврига келиб, яна бир ёзув - Кушон (Бақтрия) ёзуви шаклланди. Ўрта Осиё ва Афгонистон ҳудудидаги археологик тадқиқотлар антик давр маданиятининг гуллаб-яшнаганлигидан далолат беради Айритом ва Кўхна Термизда Будда ибодатхоналари очилган. Фаёзтепа, Қува, Холчаён, Далварзин каби кўхна шаҳарлардан ҳам саройлар, ибодатхоналар очилиб, улар юксак маданиятга ега еканлиги кузатилган. 1972 йилда Далварзинтепадан (Сурхондарё) тилла буюмлар хазинаси (32 кг) топилган. Бу хазина орасида антик даврга оид билагузук, ҳалқалар, тугмалар, бўйин тақинчоқлари каби санъат буюмлари ҳам бор. Умуман, антик давр Қанғ, Сўғд, Фарғона йерларида мавжуд бўлган маданият ўз тараққиётининг янги босқичига кўтарилган.

5- мавзу: Марказий Осиё халқлари ҳаётида юз берган уйғониш (Ренессанс) даври. Аждодларимизнинг жаҳон сивилизациясига қўшган ҳиссаси (IX-XII, XIV-XV асрлар).

Асосий саволлар:

1. ИХ-XII асрларда Марказий Осиё халқларининг моддий ва маънавий маданиятининг юксалиши
2. ХИВ-XV асрларда Марказий Осиё моддий-маънавий маданияти равнақи.

1-асосий савол:

ИХ-XII асрларда Марказий Осиё халқларининг моддий ва маънавий маданиятининг юксалиши.

1-савол баёни:

VIII аср охири-IX аср бошида халифаликни ларзага келтирган оғир сиёсий вазият аббосийларнинг Мовароуннаҳр ва Хуросонда олиб бораётган сиёсатини ўзгартиришга мажбур етди. Бирин-кетин Ўрта Осиёда Тоҳирийлар, Саффорийлар, Сомонийлар давлатлари ташкил топди. Мамлакатда содир бўлган бундай сиёсий ўзгаришлардан сўнг Мовароуннаҳр Хуросондан ажралиб, ўз мустақиллигини тўла тиклаб олиш имконига ега бўлди. Мовароуннаҳрни бирлаштириб, мустаҳкам феодал давлат тузган давлат арбоби Исмоил Сомоний 900 йилда Хуросонни ҳам саффорийлардан тортиб олиб, улкан давлат тузди. Халифа сомонийлар давлатини тан олишга ва унга ҳукмронлик ёрлиғини юборишга мажбур бўлди. IX аср охирига келиб, Мовароуннаҳр халқлари Араб халифалигидан абадий халос бўлади ва араб

халифалигидан мустақил бўлган йирик давлат – Сомонийлар давлати ташкил топади.

Сомонийлар мамлакатни бошқаришда давлат маъмуриятини ташкил етадилар. Мамлакат 10 та девон (девони вазир, девони муставфий, девони амир ал-мулк, девони соҳиб аш шурат, девони соҳиби муаййид ёки борид, девони мушриф, девони мумаллиқайи хос, девони муҳтасиб, девони авкоф, девони қазо аз-зия) бошқарувида идора етилган. Сомонийлар ҳокимияти йирик заминдорларнинг манфаатини ҳимоя қилувчи мустақил феодал давлат эди. X аср охирига келиб, мамлакатда авж олиб кетган ўзаро урушлар унинг иқтисодий ва сиёсий қудратига катта путур йетказади ва бу Қорахонийлар давлатидан мағлубиятга учрашига олиб келди. XI аср бошларида Сомонийлар давлати икки давлатга: Қорахонийлар ва Ғазнавийлар давлатларига бўлиниб кетади.

Қорахонийлар давлатни ел-юрт ва вилоятларга бўлиб идора қилдилар. XИ-XII асрларда Марказий Осиёда мулкчиликнинг янги тури –иқтў ўрнатилиб, мулк турлари тўртта бўлади (мулки султоний, вақф йерлари, мулк йерлари, иқтў). XII асрнинг 30-йиллари охирида Мовароуннаҳр Шарқдан келган кўчманчи Қорахитойлар ҳужумига дучор бўлади.

ИХ-XII асрларда мамлакат маънавий ҳаётининг асоси ислом мафкураси эди. Сомонийлар ислом мафкурасининг ривожига катта аҳамият бердилар. Бухоро Шарқда ислом динининг энг нуфузли марказига айланди. Масжид, мадраса ва хонақолар қуриш учун махсус жойлар ажратилди. Араб тили ва унинг имлоси жорий этилди. Лекин шуни айтиш керакки, маҳаллий билимдонлар ўз ватанларида қувғинга учраб, халифаликнинг йирик шаҳарлари –Дамашқ, Қоҳира, Бағдод, Қуфа ва Басрага бориб, билим олишга ва араб тилида ижод қилишга мажбур бўлган едилар. энг машҳур маданият маркази шу даврда Бағдод эди. Бағдодда «Байт ул-ҳикма» ташкил етилган эди. Унда Аҳмад Фарғоний, Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий, Марвазийлар таълим олган. ИХ-X асрларда Марказий Осиёда фан илмий асосларга ега эди. ИХ-XII асрларда араб тилида асарлар ёзган Фарғоний, Хоразмий, Форобий, Абу Али ибн Сино, Беруний, Масиҳий, Ҳаммар ва бошқалар йетишиб чиқди.

ИХ-XI асрлар Ислом давлатларида кучли юксалиш даври бўлди. Бу тарихда «Ислом Ренессанси», яъни уйғониш даври билан машҳур. Ўша даврда Ислом дини мусулмон давлатларини ўзаро яқинлаштиришда, улар ўртасидаги ўзаро келишмовчиликларни бартараф етишда, иқтисодий ва маданий алоқаларни ривожлантиришда маънавий таянч вазифасини бажарди. Халифа Хорун ар-Рашиднинг иккинчи ўғли Абул Аббос Абдуллоҳ ал-Маъмун 809 йилда отаси томонидан халифаликнинг шарқий йерлардаги ноиби етиб тайинланди. Ноибликнинг пойтахти Хуросондаги Марв шаҳри эди. Ал-Маъмун Марвда давлат ишлари билан бирга илм-маърифат бобида ҳам катта ишларни бошлайди, атрофига илмга мойил ёш олимларни тўплайди. Олимлар орасида Муҳаммад ал-Хоразмий, Яҳё ибн Абу Мансур, Холид ал-Марваррудий, Санаб ибн Али, Аббос ал-Жавҳарий, Аҳё ибн Аксам, Қози

Ҳаммод, Аҳмад ал-Марвазий каби буюк олимлар бор едики, кейинчалик бу уламолар яратган асарлар дунё фанининг пойдевори бўлиб қолди. Отаси вафотидан кейин Бағдод халифалиги тахтини эгаллаган Ал-Маъмун 819 йилда Бағдодга ўзи билан бир гуруҳ олимларни ҳам олиб келади ва уларни «Байтул ҳикма» («Ҳикматлар уйи») деб аталган илмий муассасага бирлаштирди. Аввалига бу илмий жамоага мутасадди етиб, у Яҳё ибн Абу Мансурни тайинлайди. Яҳё 829 йили вафот етганидан сўнг «Байтул ҳикма» мудири етиб Муҳаммад ал-Хоразмий тайинланади ва бу ишни у то умрининг охиригача давом еттиради. Ал-Хоразмий бу йерда ўрта осиёлик олимлардан Аҳмад Фарғоний, Абулвафо Бузжоний, Исоқ Ибодий, Абу Жаъфар Хуросоний, Абул Фатих Исфихоний, Ал-Марвазий ва бошқа олимлар билан ҳамкорликда илмий-тадқиқот ишларини олиб боради .

Ўрта Осиёлик олимлар «Байтул ҳикма»нинг фаолиятига жуда улкан қувват берди, чех тарихчи олим Ю.Рушканинг таъкидлашича, бу илмий маскан олимларнинг аксарият Хоразм, Фарғона, Шош ва Хуросондан бўлган. Бу «аксарият»нинг ҳам деярли учдан икки қисмини хоразмликлар ташкил қилган. Шуниси диққатга сазоворки, машҳур араб географи ибн Ҳавкал Х аср бошларида ёзиб қолдирган «Ё`ллар ва мамлакатлар» номли асарида Хоразм минтақасига таъриф бераётиб, Хоразм аҳолисининг илмга чанқоқлиги ва зукколиги ҳақида айтиб кетади. «Ҳозир Бағдодда хоразмлик шогирди бўлмаган бирорта қози, фақиҳ ёки илм аҳли ё`қдир», - деб ёзади ибн Ҳавкал.

Ал-Хоразмий раҳбарлигида «Байтул ҳикма» олимлари жуда кенг миқёсида таржимонлик ишлари билан шуғуланадилар, қадимги Сурия, Ерон, Юнон, Ҳинд олимларининг асарларини араб тилига ағдарадилар; осмон ёритгичларини кузатиш билан шуғуланадилар; халифаликнинг турли минтақаларида илмий експедиция уюштирадилар. Илмий маскан сифатида Ал-Хоразмий ва Ал-Фарғоний ташаббуси билан Боғдод яқинида расадхона ва улкан кутубхона ташкил қилинади.

«Байтул ҳикма»нинг жаҳон илм-фани, сивилизацияга қўшган ҳиссаси жуда улкандир. Фақат ал-Хоразий яратган буюк дурдона ўнлик саноқ системаси ва математика асосини яратганлигини ўзи ҳам «Байтул ҳикма» академиясининг нақадар буюк бир даргоҳ бўлиб шаклланганлигини кўрсатади. Ҳозирги даврда жуда кўп ишлатиладиган «алгебра» ва «алгоритм» терминлари ал-Хоразмий китоби номидан ва Ал-Хоразмийнинг ўз номидан олинган.

Х асрнинг охирларига келиб, Ўрта Осиёда саройларга илм-аҳлини йиғиш, маърифат-маънавият масалаларини давлат сиёсати даражасида тутиш одат тусига кириб қолади. Бу борада Хоразмнинг ҳукмдорлари – Хоразмшоҳлар алоҳида ўрин тутади. Хоразмда, унинг қадимий пойтахти Катда (ҳозирги Беруний) 305 йилдан то 995 йилгача африғийлар ҳукм суради. Лекин араблар истилоси - 712 йилдан бошлаб, Хоразмнинг иккинчи қадимий шаҳри Гурганч араблар томонидан қўйилган амирнинг қароргоҳи вазифасини бажарарди. 995 йили Гурганч Амири Маъмун-И ибн Муҳаммад ибн Ироқ Африғийлар сулоласига барҳам беради. Кат шаҳрини босиб олади ва пойтахтни Гурганчга кўчириб, ўзини Хоразмшоҳ деб еълон қилади. Ўша даврнинг энг машҳур

математиги ва астрономи Абу Носир Мансур ибн Али ибн Ироқ қўлида тарбияланган, Кат шаҳрида туғилиб-ўсган истеъдодли ёш олим Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад Ал-Беруний юртини тарк етиб, Ероннинг Рай шаҳрига кетишга мажбур бўлади. 998 йили Журжон вилоятининг амири Қобус ибн Вашмгир Берунийни ўз саройига таклиф қилади. Амир унинг илмий ишларига ҳомийлик қилади. Бу йерда Беруний математика ва астрономиядан кўп нарса ўрганади. Беруний ўша йилда бухоролик ёш олим ибн Сино билан хат орқали танишиб, илмий мулоқотда бўлади .

998 йил Маъмун-И вафот етиб, Али ибн Маъмун ўтиргандан сўнг Хоразмдаги сиёсий аҳвол бир оз барқарорлашади. Шуни ҳам айтиш керакки, ўша даврларда Беруний маълумотларига қараганда, Хоразм айтарлик катта давлат емас, лекин бой давлат эди. Шунинг учун ҳам ўша даврнинг йирик империялари - Ғазнавийлар ва Қорахонийлар давлатлари Хоразмни ўз таъсир доирасига ўтказишга уринар едилар.

Али ибн Маъмун ана шундай сиёсий муҳитда доно ва зукко маслаҳатчиларга муҳтож эди. Унинг бахтига тоғаси, Берунийнинг устози Абу Наср ибн Ироқ ўз даврининг ўта билимдон олими эди. У тириклигадаёқ ўз замонасининг «Птоломейи» деган лақабни олган эди. 1004 йилнинг бошида Ибн Ироқ таклифи билан Беруний Гурганчга қайтиб келади ва Маъмун саройида илм аҳли учун идеал шароит яратилади. Бу икки шах яқин ва ўрта шарқдаги кўплаб олимлар билан шахсий ёзишмада едилар. Уларнинг таклифи билан Нишопур, Балх, Бухоро ва ҳатто араб ироқидан кўплаб олимлар Гурганчга келадилар. Шулар қаторида машҳур табиб ва файласуф Абу Али ибн Сино, Абу Салх Масихий, Ал-Хўжандий, кимёгар олим Абдул ҳоким Муҳаммад ибн Абдумалик ас-Саолибий ва бошқалар бор эди.

Шу тариқа 1004 йилдан бошлаб, Гурганчда «Дорул ҳикма ва Маориф» (баъзи бир манбаларда «Мажлиси уламо») номини олган илмий муассаса тўла шаклланади. Бу илмий муассаса худди Афинадаги Платон Академияси, Боғдоддаги «Байтул ҳикма» академияси фаолиятига ўхшаб, илмнинг барча соҳаларида тадқиқот ва изланишлар олиб борилган, жуда кўп манбалар тўпланган, таржимонлик ишлари бажарилган; ҳинд, юнон, араб олимларининг ишлари ўрганилган; Ал-Хоразмий, Ал-Фарғонийнинг ўлмас асарлари, илмий ишларидан фойдаланилган ва тадқиқот қилинган. ХВИИИ-ХХ аср тарихчи олимлар томонидан илмий муассаса ҳар томонлама ўрганилди ва ўз фаолияти нуқтаи назаридан бу даргоҳ ўз даврининг академияси бўлганлиги исботланди. Унга «Маъмун академияси» номи берилди .

Али ибн Маъмун вафотидан кейин (1009 йил) унинг укаси Абул Аббос Маъмун ИИ Маъмун Хоразмшоҳлар тахтини эгаллади. У Берунийни саройга яқинлаштиради ва 1017 йилгача у Хоразмшоҳга энг яқин маслаҳатчи бўлиб хизмат қилади. Маъмун академияси фаолияти учун янада кўпроқ имкониятлар очилади.

Хоразмшоҳ Маъмун ИИ саройидаги олимлар шуҳрати тез орада узоқ йерларга тарқалади. Бу эса шуҳратпараст Маҳмуд Ғазнавийнинг ғашига

тегмай қолмас эди. У уюштирган фитна натижасида 1017 йилнинг баҳорида Абул Аббос Маъмун ИИ ўлдирилади ва ўша йилнинг июн ойида куёви учун қасос олиш баҳонаси билан Маҳмуд Ғазнавий Хоразмшоҳга бостириб киради. Катта қирғинлар, талон-тарожлик натижасида Маъмун академияси фаолияти тугатилади ва бу йердаги олимлар тарқалиб кетадилар.

1998 йили Аҳмад Фарғонийнинг 1220 йиллиги нишонланди. У астроном, математик, географ эди. Бағдод яқинидаги Ракок мавзесида расадхона қурдирган ва астрономия мактабини ташкил етган эди. Абу Наср Форобий эса Шарқ фалсафасининг улуғ мутафаккири бўлиб, қадимги дунё фалсафий меросини сақлашда ва ривожлантиришга катта ҳисса қўшди. У 160 дан ортиқ асарлар ёзган. Абу Али ибн Сино тиббиёт ва фалсафа соҳаларида катта ютуқларга еришди. Унинг «Ал қонун фит-тиб», «Китоб уш шифо» ва бошқа асарлари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини ё`қотгани ё`қ. Хоразм маданияти Абу Райҳон Берунийнинг номи билан боғланган. Беруний 150 дан ортиқ асар яратган бўлиб, «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», «Ҳиндистон», «Метеорология» каби йирик асарлари машҳурдир.

IX-XII асрларда ижтимоий фанлар ҳам тараққий етди. Рудакийнинг прозаик асарлари, Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си, Гардизийнинг «Зайн ул ахбор»и, Низомулмулкнинг «Сиёсатнома»си, Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарлари яратилди. Бу даврда Замахшарий, Қошғарий, Амак Бухорий ва бошқалар ҳам ижод қилдилар.

Меъморчилик ривожини Бухородаги Деҳгарон, Масжиди калон, Намозгоҳ, Мағоки Атторий масжидлари, Сурхондарёдаги Жарқўрғон минораси, Кўҳна Урганчдаги Фаҳриддин Розий мақбараси, Марвдаги Султон Санжар мақбараси ва бошқа ёдгорликлар акс еттиради.Диний билимлар ривожига эса Исмоил Бухорий, Исо Термизий, Бурҳонуддин Марғиноний каби уламолар улкан ҳисса қўшдилар. Ислом дини таълимотининг равнақи ва тарғиботининг кенгайишида Бухоро шаҳри марказий ўрин эгаллади. Тасаввуф таълимоти ривожланиб, Ўрта Осиёда унинг турли ё`налишлари (XII асрда Туркистонда Яссавия, XII аср охирида Хоразмда Кубровия, XIV асрда Бухорода Нақшбандия) пайдо бўлди ва тарқалди.

XIII аср бошларига келиб, Мўғулистонда Чингизхон ҳукмронлигида кўчманчи мўғулларнинг улкан давлати пайдо бўлади (1206-1215). Бу даврда Марказий Осиё ҳудудида Хоразмшоҳлар давлати мавжуд бўлиб, ўзаро урушлар ва бошбошдоқлик оқибатида бу қудратли салтанат инқирозга юз тута бошлаган эди. Чингизхон билан Муҳаммад Хоразмшоҳ ўртасида қисқа муддат (1215-1218) елчилик муносабатлари давом етишига қарамай, улар охир-оқибат фожеа билан тугади. Мўғул қўшинлари Хоразмшоҳлар давлатидаги танг вазиятдан фойдаланиб, Марказий Осиёни 1218-1221 йиллар давомида босиб олдилар. Бухоро, Самарқанд, Термиз, Ўтрор, Хўжанд, Ўзганд, Урганч каби йирик шаҳарлар вайронага айлантирилди. Мўғул босқинчилари маҳаллий аҳолига ва маданиятга шафқат қилмадилар. Араб тарихчиси Ибн ал Асир (1160-1244) мўғуллар босқини ҳақида шундай ёзган: «…Хитой чегараларидан бир халқ чиқиб, Туркистондаги Қашғар ва

Баласоғун каби вилоятларни, Мовароуннаҳрдаги Самарқанд, Бухоро ва бошқа шаҳарларни… вайрон етиб, қирғин қилиб, талон-тарож қилиб эгаллади. Татарлар(мўғуллар) ҳеч қайси шаҳарни омон қолдирмадилар, кетаётиб вайрон етдилар. Улар ниманики ёнидан ўтган бўлсалар, ўзларига ёқмаган нарсаларга ўт қўйдилар».

Марказий Осиё халқлари мўғул босқинчиларига қарши қаҳрамонона кураш олиб бордилар. Хусусан, Ўтрор ҳокими Иналхон, Бухоро мудофаачилари Ихтиёриддин Кушлу, Ҳамид Пура, Қорахитой, Суюнчхон, Хўжанд ҳокими Темур Малик, Урганч шайхи Нажмиддин Кубро, шаҳзода Жалолиддин кабилар Ватан мустақиллиги ва озодлиги учун қон тўкдилар. Аммо улар она-юрт озодлигини сақлаб қола олмади, мўғуллар истилоси оқибатида Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг обод вилоятлари, шаҳарлари харобазорга айлантирилди.Бу даврда илм-фан ва маърифатга йетказилган зарар ҳам катта бўлди. Бухоро, Самарқанд ва Урганчдаги кутубхоналар ёниб кетди.

XIII аср 70-80 йилларига борганда Марказий Осиёда аста-секинлик билан шаҳар ҳаёти, ҳунармандчилик жонлана бошлади. Мўғуллар даврида инқирозга юз тутган фан ва адабиёт, маърифат ва маданиятнинг айрим тармоқлари тиклана бошлади. XIII асрда Бухорода Масъудия ва Хония мадрасалари қурилди. Жалолиддин Румий, Саъдий Шерозий, Амир Хусрав Деҳлавий кабилар адабиёт соҳасида ижод қилдилар. Абу Умар Мирҳожиддин Жузжонийнинг «Табакоти Носирий», Алоуддин Отамалик Жувайнийнинг «Тарихи жаҳон гушойи», Фазлуллоҳ Рашидиддиннинг «Жоме ат-таворих» каби тарихий асарлари яратилди.

2-асосий савол: XIВ-XV асрларда Марказий Осиёда моддий-маънавий маданият равнақи

2-савол баёни:

XIV аср 50-60 йилларида Марказий Осиёда сиёсий тарқоқлик ғоятда кучайиб, қонли урушларга айланди. Амир Баён Сулдуз Самарқандда, Амир Хожи Барлос Кешда, Амир Боязид Жалоир Хўжандда, Улжойту Сулдуз Балхда, Муҳаммад Ҳўжа Яздий Шибирғонда ўзларини мустақил ҳисоблагани сабабли, улар ўртасида доимий низолар бўлиб турди. Натижада давлатнинг бошқарув ишлари ва хўжалик ҳаёти бутунлай издан чиқди. Амир Темур ҳокимият тепасига келганидан кейин (1370) у ва унинг авлодлари даври мамлакатимиз тарихида турли тарихий, ижтимоий ва маданий жараёнларга бой давр бўлди. Бу даврда Марказий Осиё ҳудудида узоқ муддат давом етган мўғуллар истибдодига барҳам берилди, буюк марказлашган давлат қарор топди, илмий-маданий ҳаёт гуркираб ривожланди. Хусусан, Амир Темур тиббиёт, математика, астрономия, тарих, адабиёт, тилшунослик, диний илмларга катта еътибор берди. Унинг саройида Мавлоно Абдужаббор Хоразмий, Мавлоно Шамсуддин Мунший, Мавлоно Абдулло Лисон, Мавлоно Баҳриддин Аҳмад, Алоуддин Коший каби алломалар фаолият кўрсатган. Амир Темур меъморий обидалар қуришга ҳам катта еътибор берди. Унинг даврида Самарқандда кўплаб меъморчилик обидалари, боғлар, саройлар

бунёд етилди. Бибихоним масжиди, Шоҳизинда мақбараси, Кўксарой, Бўстонсарой ва бошқалар шулар жумласидандир.

Амир Темур Шаҳрисабзда Оқсарой, Туркистонда Аҳмад Яссавий мақбараси, Тошкентда Зангиота мақбараси, Табриз, Шероз, Бағдодда масжид ва мадрасалар қурдирди. Бутун Марказий Осиё ҳудудида кўплаб карвонсаройлар, қишлоқлар, ҳаммомлар, мадрасалар, мақбаралар барпо еттирди.

Темурийлар ҳам жаҳон моддий-маънавий маданиятига улкан ҳисса қўшдилар. Улуғбек даврида фан ва маданиятга ҳомийлик қилиш, қурилиш ишлари авж олди. Улуғбек замонида Самарқанд, Бухоро, Ғиждувон, Шаҳрисабзда масжид ва мадрасалар, саройлар бунёд етилди. 1428-1429 йиллари Самарқандда расадхона барпо етилди. Бу расадхонада Улуғбек билан машҳур олимлар Қозизода Румий, Ғиёсиддин Жамшид, Али Қўшчи ва бошқалар астрономия соҳасида улкан ишларни амалга оширдилар. Улуғбек ўзининг машҳур астрономик жадваллари «Зижи Кўрагоний»ни тузди.

Тарих фани соҳасида ҳам кўпгина ишлар қилинди. 1424-1425 йилларда Шарофиддин Али Яздий «Зафарнома»ни тугатди. Ҳофизи Абрў «Тарихий йилномалар», «Бутун жаҳон тарихи» асарларини ёзди. Абдураззоқ Самарқандий Шоҳруҳ даври тарихини ёритиб берди. Мирхонд, Хондамир каби тарихчиларнинг ижоди ҳам гуркираб яшнади.

Адабиётда, айниқса, машҳур шоир ва давлат арбоби Алишер Навоийнинг хизмати катта бўлди. Темурийлар даврида Жомий, Лутфий, Саккокий ўлмас асарлар яратдилар. Беҳзод рассомчилик фаолияти ривожланди. ХИВ-XV асрларда маҳоратли созандалар, бастакорлар, ҳофизлар орасидан Абдуқодир Найий, Кулмуҳаммад Шайхий, Ҳусайн Удий, Шоҳқули Ғижжакий, Қосим Раббоний ва бошқалар йетишиб чиқдилар. Умуман олганда, Темурийлар давридаги маданий тараққиёт Темурийлар уйғониши (Ренессанси) атамасига мувофиқ келади. Бу ҳақиқатан ҳам турли маданий доиралар – фан, адабиёт, бадиий ижод, мусиқанинг Ўрта Шарқ заминида ўзига хос уйғониш даври эди.

6-мавзу. Амир Темур давлати. Темур тузуклари.

Асосий саволлар:

1.XIV аср 2-ярмида Мовароуннаҳрдаги ижтимоий-сиёсий вазият. Амир Темур марказлашган давлатининг тузилиши.

2. Амир Темур давлатининг ижтимоий-иқтисодий асослари.Темур тузуклари.

3. Амир Темурнинг ҳарбий саркардалик салоҳияти.

4. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни.

1-асосий савол: XIV аср 2-ярмида Мовароуннаҳрдаги ижтимоий-сиёсий вазият. Амир Темур марказлашган давлатининг тузилиши.

1-савол баёни:

XIV аср ўрталарида Чингизхон эгаллаб олган йерлар унинг меросхўрлари қўл остида бўлса ҳам майда бўлакларга бўлиниб, вилоят хонлари ўртасида тожу тахт, давлат учун ўзаро низолар кучайиб кетган эди. Мовароуннаҳрда

1340-1370 йилларда фитна-фасод, ўзаро феодал кураши ва улусда феодал тарқоқлик кучайган давр бўлди. XIV аср 50-йилларида Чиғатой улусининг ҳар иккала қисми майда мустақил бекликларга бўлиниб кетди. Улуснинг ғарбий қисмида ҳокимиятни асосан турк-мўғул қабила бошлиқлари эгаллади. Кеш шаҳри ва вилояти амир Ҳожи Барлос, Хўжанд вилояти Боязид Жалоир, Балх вилояти Амир Қозағоннинг набираси Амир Ҳусайн қўлига ўтди. Бухоро садрлар тарафидан бошқарилди. Термизни маҳаллий маликлар қўлга олган едилар.

1348 йилга келиб, Шарқий Туркистон йерларида Чиғатой авлодидан Туғлук Темур хон кўтарилди. У Мовароуннаҳрни ўз давлатига қўшиб олиш учун бир неча ҳарбий юришлар уюштирди. Мовароуннаҳрда мўғул босқинчиларига қарши ҳаракатлар бошланиб кетди. Мана шундай ижтимоий-сиёсий жиҳатдан оғир шароитда XIV аср 60-йилларида барлос уруғидан бўлган моҳир саркарда, улкан салтанат соҳиби Амир Темур тарих саҳнасига кириб келади.

Амир Темур 1336 йил 8 апрелда Кеш яқинидаги Хўжа Илғор қишлоғида барлос бекларидан бири Амир Тарағай ибн Баркал оиласида дунёга келди. Унинг болалик ва ўспиринлик йиллари Кешда ўтди. 1350-60 йилларда Темур отлиқлар гуруҳини тузади ва ҳарбий машқ қилишга қизиқади. 1360-61 йилларда Мўғулистон ҳукмдори ҳоқон Туғлук Темур Мовароуннаҳр ички ҳаётига раҳна солади. Мовароуннаҳр амирлари ва Хўжа Барлос Хуросонга қочиб кетадилар. Амир Темур Кешда қолиб, мўғул хони хизматига кириб, давлатни сақлаб қолишга интилади. У 25 ёшида Кеш ҳокими бўлишга муяссар бўлади.

1360-70 йилларда Балх ва унинг атрофидаги йер-мулклар Амир Қозоғоннинг набираси Амир Ҳусайн тасарруфида эди. 1361 йилда Амир Темур Амир Ҳусайнга яқинлашган эди. Улар бирлашиб, мўғул хонларига қаршилик кўрсата бошладилар. 1362 йил Сейистонда бўлиб ўтган жанг вақтида Амир Темур ўнг қўли тирсагидан ва ўнг оёғидан камон ўқи тегишидан қаттиқ жароҳатланди ва бир умр оқсоқланиб юрадиган бўлди. Шу боис душманлар уни Темурланг (Темур-оқсоқ) деб аташган.

1363 йилда Туғлук Темурнинг ўғли Илёсхўжа катта лашкар билан Мовароуннаҳр томон ҳаракат қила бошлайди. Темур ва Амир Ҳусайн унга қарши чиқдилар. Тарихга «Лой жанги» номи билан кирган жанг Чиноз билан Тошкент оралиғида 1365 йил баҳорида рўй беради. Ўша куни қаттиқ жала қуйиб, ҳаммаёқ лой бўлган эди. Амир Темур ва Амир Ҳусайн Чирчиқ бўйидаги жангда мағлубиятга учрадилар. Амир Темур қолган аскарлари билан аввал Самарқандга, кейин Кешга, сўнгра Балхга ўтиб кетади.

Бу пайтда Мовароуннаҳр амири Амир Ҳусайн эди. Самарқанд мудофаасини сарбадорлар ўз қўлларига олган эди. Уларнинг асосий мақсади мўғул истилочилари ва маҳаллий зулм ўтказувчи қатламларга қарши кураш эди. Илёсхўжа Самарқандга йўл олганида, Самарқандни мударрис Мавлонозода раҳбарлигидаги сарбадорлар ва шаҳар аҳолиси мудофаа қилган эди. Илёсхўжа лашкари сафида от вабоси тарқалиб, улар Мовароуннаҳрни тарк етишга мажбур бўлдилар.

Бу хабарни Амир Темур Амир Ҳусайнга йетказади. 1366 йил баҳорида улар Самарқандга келиб, сарбадорлар раҳбарларини чақирадилар ва уларни қатл еттирадилар. Сарбадорлар ҳаракати бостирилгандан сўнг Амир Темур ва Амир Ҳусайн ўртасидаги муносабатлар кескинлашади. Бунга сабаб Амир Ҳусайннинг сарбадорларга адолацизлиги ва Улжой Туркон хотуннинг ўлими эди. Темур ўз олийжаноблиги ва саҳийлиги билан ҳақиқий саркарда ва раҳбар сифатида обрў қозонган бўлса, Ҳусайн қўрслиги ва худбинлиги билан ўзини амалдорлар еътиборидан четлаштирди.

1366-1370 йиллар оралиғида Амир Темур ўз еътиборини мамлакат ички аҳволини яхшилашга қаратди. 1370 йилда Амир Ҳусайн ўлдирилганида, Амир Темур тахтга ўтиради. Ўша йили Амир Темур хонлик унвонидан воз кечди ва ўзини амир деб еълон қилди. Кеш шаҳридан Самарқандга кўчиб ўтди ва уни ўз давлатининг пойтахтига айлантирди.

Амир Темурнинг ўз олдига қўйган муҳим вазифаларидан бири феодал тарқоқликни ё`қотиш, алоҳида мулкларни мустаҳкам, марказлашган ва кучли давлат остида бирлаштириш эди. У Амударё ва Сирдарё оралиғидаги ҳудудларни ўзига бўйсундириб, ўзига итоат еттирди. Фарғона, Шош вилоятларини ўз тасарруфига киритди. Сирдарё қуйи оқимидаги Олтин Ўрдага қарашли ҳудудларни эгаллашда ички сулолавий урушлардан фойдаланди. Мўғуллар ҳукмронлиги даврида икки қисмга бўлиб юборилган Хоразм XIV аср 60-йилларида мустақил давлат бўлиб қолган эди. Қўнғиротлар сулоласига мансуб ҳукмдор Ҳусайн Сўфихон Бердибек ўлимидан сўнг, Олтин Ўрдадаги ички низолардан фойдаланиб, Олтин Ўрдага қарашли шимолий қисмини пойтахт Урганч билан Чиғатой улусига қарашли жанубий қисминини пойтахт Қиёт билан ўз тасарруфига олди.

1372 йили Амир Темур Хоразмга қўшин тортиб келади ва Қиётни ишғол қилиб, қўлга киритади. Ҳусайн ўлимидан сўнг ҳокимият тепасига келган Юсуф Сўфи Амир Темур билан яраш битимини тузади. Лекин Амир Темур кетганидан кейин Қиётни босиб олади. Шундан сўнг Амир Темур Хоразмга 2 марта юриш қилади ва Жанубий Хоразмни ўз давлати таркибига киритади (1374).

1387-1388 йилларда Тўхтамишхон Амир Темурнинг Мовароуннаҳрда ё`қлигидан фойдаланиб, Хоразмга ҳужум қилади. 1388 йили Амир Темур Хоразмга юриш қилиб, Урганчни ишғол етади ва сўфийлар сулоласини тугатади. Шу вақтдан буён Хоразм Амир Темур давлати таркибига киради. Шу тариқа Йеттисувдаги ва Сирдарё етакларидаги ҳудудлардан ташқари Туркистон йерларининг ҳаммаси Амир Темур қўлига ўтади

2-асосий савол: Амир Темур давлатининг ижтимоий-иқтисодий асослари. Темур тузуклари

2-савол баёни:

Амир Темур ҳокимият тепасига келган даврида ўз фаолиятини ижтимоий-иқтисодий тушкунликка тушган ва кучли феодал тарқоқлик ҳукм сурган Мовароуннаҳрни бирлаштиришдан бошлади ва марказлашган

мустақил давлат тузишга киришди. Давлат ишларини зафарли юришлар билан бирга олиб борди.

Давлат бошқаруви бобида мукаммал бўлган қонунлар ишлаб чиқди. Соҳибқирон тузган қонунлар «Темур тузуклари» деб аталади. Унда Мовароуннаҳрнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи, давлат тузуми, 1342-1405 йилларда амал қилинган тартиб-қоидалар ҳақида ёзади.

Амир Темур давлатида феодал муносабатлар ҳаётга кенг жорий этилган эди. Бу даврда йерга эгалик қилишнинг чекланмаган ҳукмронлиги ўрнатилди. Қайси мамлакат босиб олинса, ўша йерда йерга эгалик қилишнинг феодал муносабатлари қарор топа бошлади. Давлат тузумига Амир Темур бир қатор ўзгаришлар киритди. Мамлакат хонликларга ажратилиб, ўлкалар суюрғол сифатида ҳукмдорларга тақсимлаб берилди. Бу даврда суюрғол – йер инъом қилишнинг асосий тури ҳисобланган. Суюрғолдан келадиган фойданинг учдан икки қисми давлат хазинасига, учдан бир қисми суюрғол егасига тегишли эди. Суюрғолни бошқариш ҳам оила аъзоларига қариндошларига, ўз хизматлари билан садоқат кўрсатган кишиларга топширилиб, бу йерлар кейинчалик авлоддан авлодга мерос бўлиб қоларди. Амир Темур ўзи истило қилган мамлакатларда ҳукмронликни ўғиллари ва набиралари, саркардалари, барлос уруғидан чиққан қабиладошларига суюрғол тарзида топширган, улар орқали бошқарган. Мовароуннаҳрдан ташқари ўз тасарруфидаги барча вилоят ва мамлакатларни тўрт улусга бўлди. Катта ўғли Жаҳонгирга Балх вилоятини, иккинчи ўғли Умаршоҳга Форс вилоятини, Мироншоҳга Озарбайжон, Ироқ ва Арманистонни, кичик ўғли Шоҳрухга Хуросон, Журжон, Мозандарон ва Сейистонни берди.

Бу даврда йерга эгаликнинг «тархон» деган тури ҳам бўлган. Хусусий йер эгалари тархон унвонини олган, давлатга солиқлар тўлашда имтиёзларга ега бўлганлар. Тархон деб йер, мулк ёки корхона егасининг давлат хазинаси фойдасига тўланадиган солиқ, ўлпон ва мажбуриятлардан озод қилинган қисми тушунилган. Тархон йерликлари амир, бек, лашкарбоши, амалдорлар, руҳонийларга берилган. Диний бошқармага қарашли вақф йерларини эса мутаввалилар бошқарган. Масжид, мадраса ва хонақолар учун вақф йерлари ажратилган. Улар шайҳлар, дарвеш, ешонлар учун бойиш манбаи ҳисобланган. Вақф йерларидан солиқ олинмаган.

Амир Темур давлатни қаттиққўллик билан бошқарди. Унга қаршилик кўрсатганларни жазоларди. Унинг даврида деҳқон ва ҳунармандларнинг аҳволида ижобий ўзгаришлар содир бўлди. «Темур тузуклари»да солиқ йиғиш тўғрисида ёзиб, «солиқ йиғишда халқни оғир аҳволга солишдан, ёки ўлкани қашшоқликка тушириб қўйишдан еҳтиёт бўлиш зарур, халқни хонавайрон қилиш, давлат хазинасини камбағаллашишига олиб келади, хазинанинг кам қувватлиги ҳарбий кучларнинг тарқоқлашишига, бу еса, ўз навбатида, ҳокимиятнинг кучсизланишига сабаб бўлади», деб таъкидлаган эди. Деҳқонлар ғаллани йиғиб олмасдан олдин солиқ тўплаш қатъий ман етилган. Ҳирож йер солиғи сифатида йилига 2 марта йиғиб олинган. Жон солиғи ҳам мавжуд эди.

Амир Темур давлатида деҳқонларнинг йерни ишлашдаги фидоийлиги еътиборга олинган. Ўзлаштирилмаган йерни ишлаб, яроқли ҳолга келтириб, екин еккан одам 1-йили солиқдан озод етилган, 2-йили ўзи хоҳласа тўлаган, хоҳламаса тўламаган, 3-йилдан бошлаб эса солиқ ҳақидаги умумий қоидага бўйсунган. Сув иншоотлари қуришга, боғдорчиликка ҳам катта аҳамият берилган. Амир Темур даврида ҳунармандчилик ривожланган, маҳсулот ишлаб чиқариш кенгайган. Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Тошкент каби шаҳарлар савдо ва ҳунармандчилик марказларига айланган. Янги бозорлар, савдо расталари қурилган. Савдо йўлларида карвонсаройлар барпо етилган. Савдо карвонларининг хавфсизлиги таъминланарди.

Мамлакатдаги давлат бошқаруви маълум тартиб асосида амалга оширилган. Бош бошқарма –Девони Бузургдан ташқари, ҳар бир вилоятда девонлар бор эди. Улар барча давлат ишлари, солиқ йиғиш, тартиб сақлаш, жамоат бинолари – бозор, ҳаммом, йўллар, суғориш тармоқларига қараб туриш ва аҳоли хулқий ҳаракатларини назорат остига олиш каби ишлар билан шуғулланарди.

Темур моҳир дипломат бўлиб, чет давлатлар билан дипломатик алоқаларни кучайтиришга катта аҳамият берган. Унинг ўғли Мироншоҳ Франсия, Англия, Византия давлатлари билан елчи юбориш ёки хат ёзиш орқали алоқада бўлган. Шоҳрух ва Улуғбек даврларида Хитой, Ҳиндистон ва бошқа давлатлар билан алоқалар ўрнатилган.

Амир Темур давлатида диний илмлар ва дунёвий фанлар барқарор бўлган. Амир Темур бутун умри давомида «Куч – адолатда» сўзларига амал қилиб, ҳокимиятни бошқарди. Ўзининг тажрибасини, панду насиҳатларини «Темур тузуклари»да ёзиб қолдирган. «Темур тузуклари» 2 қисм, 56 банддан иборат тарихий ва ҳуқуқий асар бўлиб, унда соҳибқирон давлат тузилиши ва мамлакатни бошқариш хусусида баён қилади. Бу асардан Шоҳ Жаҳон (1628-1657), Қўқон хони Муҳаммад Алихон (1821-1842), Бухоро амири Абдулаҳадхон (1885-1910) ўз фаолиятларида фойдаланганлар.

Тузукларнинг биринчи қисмида Амир Темурнинг 7 ёшидан то вафотига қадар (1342-1405 йил 18 феврал) кечган ҳаёти ва ижтимоий-сиёсий фаолияти, Мовароуннаҳрда марказий ҳокимиятни қўлга киритиши, ижтимоий тарқоқликка барҳам бериши ва марказлашган давлат тузиши, қўшни юртларни ўз тасарруфига киритиши, Олтин Ўрда хони Тўхтамиш, турк султони Боязид Йилдиримга қарши кураши, Озарбайжон, Гуржистон ва Ҳиндистонга қилган юришлари ихчам тарзда баён қилинган.

Иккинчи қисм соҳибқироннинг номидан ворисларига айтилган ўзига хос васият, панду насиҳатлардан иборатдир. Унда давлатни идора қилишда кимларга таяниш, тожу-тахт эгаларининг бурчи ва вазифалари, вазир ва қўшин бошлиқларини сайлаш, сипоҳийлар маоши, мамлакатни бошқариш тартиби, давлат арбоблари ва қўшин бошлиқларининг бурч ва вазифалари, амирлар ва бошқа мансабдорларнинг хизматларини тақдирлаш тартиби ва ҳоказолар хусусида гап боради.Темур йетук сиёсатдон ва моҳир давлат арбоби бўлиб, мамлакатни бошқаришда бир ёки икки табақага емас, балки

аҳолининг барча табақаларига суянарди.

3-асосий савол: Амир Темурнинг ҳарбий саркардалик салоҳияти.

3-савол баёни:

Амир Темурнинг давлат ишларида ҳам, ҳарбий юришларида ҳам асосий ва содиқ таянчи қўшин еди, шунинг учун у ҳарбий ислоҳотга, айниқса, қўшин бошлиқларини танлаш ва уларни тарбиялаш, лашкарнинг жойлашиш тартиби, навкар ва сарбозларнинг қуролланиши, ички интизом масалаларига катта аҳамият берган. Амир Темур ўтказган ҳарбий ислоҳотлар уни машҳур саркарда ва йирик лашкарбоши сифатида танитди. Унинг ҳарбий маҳорати аскар қисмларни қайта ташкил қилишда ҳамда қўмондонликда намоён бўлган.

Амир Темур қўшини ташкилий тузилиши жиҳатидан Чингизхон тартибларини ўзлаштирди ва янги асосда давом еттирди. Қўшин ўнталик аскарий бирикмалардан иборат эди. Лашкар «туман» - ўн минглик, «ҳазорат» - минглик, «хушан» - юзлик, «айл» - ўнлик бирикмаларга бўлинган. Қўшинда аскарлар сони юз мингдан ортиқ бўлган.

Амир Темурнинг ҳарбий юришлари тарихда «уч йиллик» (1386-1388), «беш йиллик» (1392-1396), «йетти йиллик» (1399-1405) урушлар деб ном олган.

«Уч йиллик» уруш даврида Амир Темур Озарбайжон, Табриз, Мозандарон, Ғилонни бўйсундиради. Шундан кейин Кавказга йўл олиб, Тифлис, Арзирум, Ван қалъасини эгаллайди. Худди шу вақтда Тўхтамиш Мовароуннаҳрга юриш бошлайди. Амир Темурнинг амирлари Ҳусайн, Шайх Али Баҳодир душманни Сарисув деган жойда қувиб йетиб, унга катта талофат йетказадилар.

1389 йилда Тўхтамишни батамом ё`қ қилиш мақсадида Амир Темур катта қўшин билан Дашти Қипчоқ чегараларига бостириб киради ва Тўхтамишни қувиб Ёйиқ (Урал) дарёсигача йетиб келади. 1391 йил 18 июнда Итил (Волга) ирмоғи Қундузча ёнидаги жангда Амир Темур янги усул қўллаб, қўшинни 7та мустақил бўлимга ажратган. Қанот қисмларига ўғиллари Мироншоҳ ва Мирзо Умаршайх, марказга набираси Муҳаммад Султон бошчилик қилдилар. Бу жангда Олтин Ўрда қўшинлари катта талофат кўрди, Тўхтамиш қўшинларини ташлаб қочиб кетди.

1391 йилги мағлубиятдан кейин Тўхтамиш иттифоқчилар қидириб, Полша ва Литвага яқинлашди. Амир Темур эса Мовароуннаҳрга қайтиб, Еронга юриш бошлади. 1392-1393 йилларда Аҳмад Жадорий ва Амир Темур ўртасида уруш ҳаракатлари бошланди. Бироқ урушнинг боришига яна Тўхтамиш ҳалақит берди. Амир Темур Шеки (Озарбайжон шимолий қисми) да турган пайтда, Тўхтамиш Кавказорти вилоятларига ҳужум қилди. 1395 йил апрелида Амир Темур ва Тўхтамиш ўртасида уруш бошланиб кетди. Тўхтамиш қўшинлари Терек дарёси бўйларида тор-мор етилди ва 1395 йилда Сарой Берканинг хароб қилиниши Олтин Ўрда учун кучли зарба бўлди. Тўхтамиш Литвага қочди. Амир Темур уни қувиб, Россия жанубидаги Йелец шаҳригача борган.

1387 йилда Амир Темур Озарбайжонни, 1392 йилда Арманистон ва Грузияни бўйсундирди. 1392 йилда Астробод ва Мозандаронни ҳам қўлга киритди. 1398 йил май ойида Амир Темур Амударёдан ўтиб, Ҳиндистонга юриш қилади. Августда Қобулни забт етади. Сўнгра Ҳинд дарёсидан ўтиб, декабрда Деҳлига йетиб боради. 1399 йил бошида Ганг дарёсигача боради. Темурнинг Ҳиндистонга юриши 1399 йил баҳорида ниҳоясига йетди.

1400 йилда Темур қўшинлари турк султони Боязид И ва Миср султони Фараж билан кураш олиб борди. 1402 йилда Анқара ёнида Боязид билан иккинчи марта тўқнашди ва уни тор-мор келтирди.

Амир Темур ўз қўшинлари билан 1404 йилнинг охирида Хитойга қараб чиқди, бироқ касал бўлиб, 1405 йил январида Ўтрорда тўхташга қарор қилди ва шу йерда 18 феврал куни буюк жаҳонгир Соҳибқирон Амир Темур вафот етди.

Амир Темур 35 йил давомида ҳарбий юришлар қилди ва уларнинг натижасида буюк давлат ташкил қилишга еришди. Унинг таркибига Мовароуннаҳр, Хоразм, Каспий атрофидаги вилоятлар, Афғонистон, Ерон, Ҳиндистон, Ироқ, Жанубий Россия, Кавказ ва Ғарбий Осиёнинг бир қатор мамлакатлари кирган эди. Амир Темур муваффақиятига, аввало, унинг нодир ҳарбий истеъдоди сабаб бўлди. Унинг армиясида қаттиқ интизом ва тартиб ўрнатилган эди. Ҳар бир жанг режаси ва барча қисмлар учун йўл-ё`риқларни ўзи ишлаб чиқарди.Моҳир лашкарбоши оғир жангларда ҳам тадбиркорлик қилиб, ҳарбий санъатни ишлатиб ғалаба еришган. Амир Темурнинг ҳарбий ислоҳотлари бугунги кунда ҳам ҳарбий доираларда тан олинмоқда.

4-асосий савол: Амир Темурнинг Марказий Осиё тарихида тутган ўрни

4-савол баёни:

Манбаларда кўрсатилишича, Амир Темур турк, араб, ерон тарихини яхши билган. Аниқ фанларга ҳурмат билан қараган, амалий фойда келтирадиган ҳар қандай билимни қадрлаган. Давлат аҳамиятига молик бўлган ҳар бир масалани ҳал етишда шу соҳа билимдонлари ва уламолари билан маслаҳатлашган. Амир Темур саройларида уламо ва олимлар фаолият кўрсатишган.

Амир Темур ўз режа ва мақсадларини амалга оширишда зодагонларга, ҳарбийларга ва халққа таъсир ета оладиган, обрўли, тақводор руҳонийларга таянган. Унинг ҳаётида учта пири бўлган. Амир Темур меъморчилик ва қурилиш ишларига катта еътибор берган. Турли шаҳарларда масжид ва мадрасалар, мақбара ва саройлар қурдирган. Айниқса, Самарқанд шаҳрида қурилиш ишлари авж олган. Мўғуллар даврида вайрон қилинган Самарқанд деярли қайта қурилди. Шаҳар девор билан ўралиб, Оханин, Шайхзода, Чорсу, Қоризгоҳ, Сўзангарон ва Феруза каби дарвозалар, Темур қароргоҳлари – Кўксарой ва Бўстонсаройлар, ҳунармандлар маҳаллалари барпо етилди. Шаҳар атрофида боғлар яратилди. Бундан ташқари йўллар, кўприклар, каналлар, карвонсаройлар қурилишига ҳам катта еътибор берилди.

Янги-янги қишлоқлар барпо етилиб, уларни Шарқнинг машҳур шаҳарлари

номи билан атади (Дамашқ, Миср, Бағдод, Султония,Шероз). Савдо ва ҳунармандчиликнинг ривожига катта еътибор бериб, бозор ва савдо расталари қурдирди. Карвон йўллари қароқчилардан тозаланди. йўлларга соқчилар қўйилди. «Буюк Ипак йўли»нинг асосий ё`налишларини эгаллаб олган Амир Темур бу йўлда карвонлар хавфсизлигини таъминлаш учун тадбирлар кўрди, Шарқ ва Ғарб ўртасидаги савдо-сотиқ муносабатлари ривожига еътибор берди.

Амир Темур Византия, Венеция, Генуя, Кастилия, Франсия, Англия билан алоқалар ўрнатиш соҳасидаги фаолиятини ривожлантирди. Ғарб ва Шарқда Амир Темур доно раҳбар, ҳарбий санъат устаси сифатида тан олинган. XV асрда Амир Темурга «Йевропа халоскори» ёдгорлиги ўрнатилган.

Амир Темурнинг Туркистон тарихидаги ўрни беқиёсдир. энг аввало, унинг хизматлари Мовароуннаҳрни мўғуллар ҳукмронлигидан халос етганлиги ва марказлашган давлат тузганлиги билан изоҳланади. У парчаланиб кетган давлатни бирлаштириб, унинг иқтисоди, маданияти ва қадриятларини тиклади. Савдо ва дипломатик алоқаларни ривожлантирди. Унинг даврида меъморчилик ривожланди, шаҳар қурилишига катта еътибор берилди, ҳунармандчилик камол топди, фан ва маданият ривожига катта имкониятлар яратилди. Ҳарбий соҳа баркамолликка етишди. Амир Темур доно сиёсатчи, машҳур давлат арбоби ва буюк лашкарбоши бўлганлиги шубҳасиздир.

Амир Темур ўз юришлари натижасида Қора, Егей, Ўрта Йер денгизларидан то Ҳиндистоннинг шарқи, Мўғулистон ва Хитой, Ҳинд океанидан то Урол тоғларигача бўлган ҳудудни забт етди ва улкан салтанат барпо қилди. Албатта, бу жангларда кўп қон тўкилди. Амир Темур юришларига тарихийлик ва адолат юзасидан қараш тақозо етилади. Инсоният тарихида бўлиб ўтган урушлар сабаблари таҳлил қилинса, кўпгина чигалликлар ойдинлашади. Амир Темур яшаган даврда жамиятда шундай вазият юзага келган едики, ё сен душманларингни мағлуб етган ҳолда давлатни сақлаб, кенгайтириб, қудратингни оширасан, ё душманларинг сенинг давлатингни босиб олади. Бунга Темур билан Тўхтамиш ўртасидаги муносабатлар мисол бўла олади.

Темурнинг буюк саркарда, давлат арбоби, бунёдкор ва ижодкор еканлигини тан олиш керак. У ташаббускор қурувчи еди, буюк иморатлар барпо етди, уларни боғлар билан ўради. Шаҳар ва қишлоқларни тиклади, сув иншоотлари қурдирди. Амир Темур ўз замонининг фарзанди еди ва шундай замонда яшади. У феодал гуруҳларнинг ўзбошимчалигига ва давлат тарқоқлигига қарши қаттиқ кураш олиб борган. У ўз юртини севади ва парчаланган вилоятларни бирлаштириб, марказлашган қудратли давлатга асос солади. Фан ва адабиёт ҳомийси бўлди, турли ислоҳотлар ўтказди. ЙУНЕСКО томонидан 1996 йил Амир Темур йили деб еълон қилиниши унинг жаҳон тарихидаги буюк хизматлари ва қолдирган меросига нисбатан авлодлар ҳурматини кўрсатади.

Темур маънавияти – улкан манба ва туганмас бир булоқдир. Ўз фаолияти давомида Оллоҳ буюрган олий инсоний фазилатларга амал қилди. Темур ўз

фарзандларига айтган васиятида шундай дейди: «Миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир. Заифларни кўринг, ё`қсилларни зангинлар (бойлар) зулмига ташламанг. Адолат ва ийилик (яхшилик) қилмоқ дастурингиз ва раҳбарингиз бўлсин». Адолатни шунчалик қадрлаган ҳукмдор, албатта, халқ орасида обрў-еътиборга ега бўлгани табиий ҳол. Темурнинг «Куч – адолатда» деган сўзлари шиорга айланиб, ҳамма даврлар учун жаранглаб турувчи ибора тусини олган. Темур халқнинг шикоятлари ва арзларини ўрганувчи махсус арзбеги лавозимини жорий этган. Солиқлар, молиявий масалаларда қаттиқ тартиб-қоида ўрнатган.

Ҳозирги даврда «Темур тузуклари»нинг аҳамияти беқиёсдир. У раҳбар ходимлар, мансабдорлар, қолаверса, барчамиз учун дастуриламал сифатида жуда аҳамиятлидир.

7-мавзу. Туркистоннинг хонликларга бўлиниб кетиши, унинг сабаблари ва оқибатлари

Асосий саволлар:

1. XV аср 2-ярми - XVI аср бошларида Мовароуннаҳрдаги ижтимоий-сиёсий вазият.
2. Ўрта Осиё ҳудудларининг парчаланишга юз тутиши ва унинг сабаблари.
3. Ўрта Осиёнинг хонликларга бўлиниб кетиши оқибатлари.

1-асосий савол: XV аср 2-ярми – XVI аср бошларида Мовароуннаҳрдаги ижтимоий-сиёсий вазият.

XV аср ўрталарига келиб, Мирзо Улуғбек вафотидан кейин Темурий шаҳзодалар ўртасида тож-тахт учун кураш авж олди. Абулқосим Бобур ва Абусаид Мирзоларнинг фаолияти ҳам ўзаро урушларга барҳам бера олмади. 1469 йилга келганда Хуросонда Ҳусайн Бойқаро ҳокимиятни эгаллаб, бу ҳудудларда нисбатан тинчлик ўрнатди. Унинг дўсти – буюк шоир Алишер Навоий мухрдор, вазир, Астробод ҳокими лавозимларида ишлаб, Хуросон ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта рол ўйнади. Навоийнинг саъй-ҳаракатлари билан Ҳиротда илм-фан, маданият гуркираб ривожланди. Ўзаро урушларга нисбатан барҳам берилди.

Мовароуннаҳрда эса бу даврга келиб, сиёсий тарқоқлик авжига чиқди. Ҳар бир вилоят, ҳар бир шаҳарда Темурий шаҳзодалар ўзларининг мустақил ҳукмронлигини ўрнатишга ҳаракат қилдилар. Улар ҳокимият учун ўзаро курашларда Дашти Қипчоқ ўзбеклари кучларидан фойдаланишар эди. 1451 йилда Урусхон набиралари Абусаидга ҳокимиятни эгаллаш учун ёрдам берган бўлса, орадан 3 йил ўтгач, Абулхайрхон Муҳаммад Жуқийга ҳокимиятни эгаллашга кўмаклашди.

XV аср охирларига келиб, Мовароуннаҳрда Темурийларнинг бир-биридан ўзаро мустақил бўлган учта ҳокимияти вужудга келди.

1. Самарқандда Султон Аҳмад Мирзо ҳукмронлиги.
2. Тошкентда Султон Маҳмуд Мирзо ҳукмронлиги.
3. Андижонда Умаршайх Мирзо ҳукмронлиги.

Бу учала ҳокимият ўзаро урушлари Мовароуннаҳр аҳлининг темурийлардан норозилигини янада авж олдирди. Юқори табақа вакиллари марказлашган давлат тарафида турдилар. Темурийзодаларнинг давлат бошқаруви мустаҳкам таянчга ега емасди. Бу вақтда Темурийлар ҳузурида таълим олган Абулхайрхоннинг невараси Муҳаммад Шоҳбахт Шайбоний Дашти Қипчоқда кўчманчи ўзбек уруғларини бирлаштириб, ўз ҳокимиятини мустаҳкамламоқда эди.

Шайбонийхон ҳарбий ҳаракатлар олиб бориб, марказлашган давлат тузиш мақсадида гоҳ Темурийлар, гоҳ шимолдаги мўғуллар билан иттифоқ тузди. 1487-1488 йилларда Ўтрор, Сайрам, Ясса (Туркистон), Сиғнок шаҳарларини босиб олиб, 1499 йилда Мовароуннаҳр ҳудудларига жиддий ҳарбий ҳаракатлар бошлади.

Маҳаллий ҳукмдорлар ўртасида ўзаро курашлар авж олган Самарқанд шаҳрини Шайбонийхон 1500 йил бошларида жангсиз эгаллади. Кўчманчи ўзбеклар шаҳарни бир неча ой талон-тарож қилдилар. Бу маҳаллий феодаллар норозилигига сабаб бўлди. 1500 йилнинг ўзидаёқ Заҳириддин Муҳаммад Бобур Самарқанд тахтини эгаллади. Аммо маҳаллий оқсуяклар Бобурни қўллаб-қувватламади. 1501 йил баҳорида Бобур Шайбонийхон билан бўлган жангда йенгилади ва Самарқандни кўчманчи ўзбекларга топширади.

Кўчманчи ўзбеклар қисқа муддат ичида Бухоро (1500), Самарқанд (1501), Тошкент (1503), Ҳисор (1504), Урганч (1505), Ҳирот (1507) каби шаҳарлар ва вилоятларни эгаллаб, Шарқий Туркистон чегараларидан Марказий Афғонистон ҳудудларигача чўзилган йерларда марказлашган Шайбонийлар давлатига асос солдилар. Темурийлар давлатидаги сиёсий тарқоқлик, айрим ҳукмдорларнинг ажралиб, мустақиллигига интилиши бу давлатнинг йемирилишига олиб келган бўлса, Шайбонийхон бундай тарқоқликка чек қўйиб, мамлакат бирлигини мустаҳкамлай олди. Шайбонийхоннинг жанубга юриши Ерон шоҳи Исмоил томонидан тўхтатилди. 1510 йилда Марв атрофидаги жангда кўчманчи ўзбеклар қўшинлари тор-мор етилди ва Шайбонийхон ҳалок бўлди. Еронийлар томонидан қўллаб-қувватланган Бобур 1511 йилда Ҳисор, Кулоб, Қундуз, Бадахшон ва Самарқандни эгаллади. Аммо 1512 йилда шайбонийлардан бўлган Убайдулла Султон қўшинлари Ғиждувон яқинида Бобур ва шоҳ Исмоил бирлашган кучларини мағлубиятга учратди. Шундан сўнг Бобур аввал Қобулда, кейин эса Ҳиндистонда ўз ҳокимиятини ўрнатди. Кўчманчи ўзбеклар эса Мовароуннаҳрда ўрнашиб қолдилар.

2-асосий савол: Ўрта Осиё ҳудудларининг парчаланишга юз тутиши ва унинг сабаблари.

2-савол баёни:

Муҳаммад Шайбонийхон вафотидан сўнг Мовароуннаҳр ва Хуросонда марказий ҳокимият заифлашиб, амирлар ва султонлар марказий ҳокимиятга бўйсунмай қолдилар. Убайдулла Султон 1512 йилда Бухоро ҳукмдори бўлган бўлса, 1534 йилдан бутун марказлашган ўзбек давлатининг олий ҳукмдори

етиб сайланди. Убайдуллахон пойтахтни Самарқанддан Бухорога кўчирди.

XVI аср 40-йилларига келиб, маҳаллий сулолалар ва феодаллар ўртасида шаҳарлар ва ҳудудлар учун кураш авж олиб кетди. Самарқанд ҳукмдори Абдулатифхон (1541-1552) билан Бухоро хони Абдулазизхон (1540-1550) ўртасидаги курашни Тошкент ва Сирдарё бўйидаги шаҳарлар ҳукмдори Бароқхон янада кучайтирди. У 1551 йилда Самарқандни босиб олди. Кармана ва Миёнкол ҳукмдори Абдулла Султон Бароқхонга қарши кураш олиб борди.

1561 йили тахтга ўтирган Искандархон ҳам сиёсий тарқоқликка барҳам бера олмади. Унинг ўғли Абдуллахон ИИ марказлашган Шайбонийлар давлатини тиклаш мақсадида амирлар ва султонлар билан аёвсиз кураш олиб борди. Тинимсиз урушлар натижасида Фарғона (1573), Шаҳрисабз, Қарши, Ҳисор (1574), Самарқанд (1578), Тошкент, Шоҳрухия, Сайрам, Оҳангарон (1582), Балх (1583), Бадахшон (1584), Ҳирот (1588), Хоразм (1595) Абдуллахон қўл остида бирлаштирилди. Аммо 1598 йилда Абдуллахон вафотидан сўнг унинг ўғли Абдулмўмин узоқ муддат тахтни бошқара олмади. Сўнгги Шайбоний ҳукмдори Пирмуҳаммад ИИ ҳам бебош амирларни тийиб қўя олмади.

Юзага келган вазиятдан Ерон сафавийлари, Хива иноқлари ва қозоқлар фойдаландилар. Еронийлар Балхни, қозоқ султонлари Тошкентни эгаллади, Хоразм иноқлари мустақил бўлиб олдилар. Бухорода Астраханлик Жонибек тахтни эгаллади. Жонибек ўз ўғиллари фойдасига тахтдан воз кечди ва Ўрта Осиёда Аштархонийлар сулоласи ҳукмронлиги бошланди. Аштархонийлар Балхни ва Тошкентни қайта тортиб, ўз давлатлари таркибига қўшдилар.

Аштархоний ҳукмдорлари Имомқулихон (1611-1642), Абдулазизхон (1645-1680), Убайдуллахон (1702-1711) ҳукмронликлари даврида марказий ҳокимиятни кучайтиришга қанчалик ҳаракат қилинмасин, бу ҳаракатлар ижобий натижалар бермади. Маҳаллий амир ва султонлар ўзлари жойлашган шаҳар ва ҳудудларда ҳокимлик қилиб, ўзларига хўжайин едилар. Абулфайзхон ҳукмронлиги даврида (1711-1747) марказий ҳокимият ўз аҳамиятини ё`қотиб борди. Ҳокимият аста-секинлик билан манғит уруғлари қўлига ўта бошлади. Бу уруғ вакили бўлган Муҳаммад Раҳим 1753 йилда амир унвони билан Бухоро тахтига ўтирди ва Бухоро хонлиги Бухоро амирлиги деб атала бошлади.

Хоразм ҳудудида 1512 йилда мустақил Хива хонлиги вужудга келди. Унга Шайбоний уруғидан бўлган Елбарсхон (1512-1525) асос солди. Елбарс вафотидан кейин Хива хонлари тез-тез алмашиб турган. Хон ҳокимияти қабила зодагонлари билан чекланган бўлиб, ўзаро низолар ва сиёсий курашлар деярли тинмаган. Бу даврда Хоразм чуқур инқирозни бошдан кечирди. ХВИИ-XVIII аср бошларида Хоразмда сиёсий ва иқтисодий таназзул давом етди.

Феодал ўзаро низолар Араб Муҳаммад (1602-1623) ва унинг ўғиллари даврида юқори нуқтага йетди. Асфандиёр (1623-1643), Абулғозихон (1643-1663), Ануша (1663-1687) лар даврида Бухоро билан Хива ўртасида мамлакат аҳволини хароб қилган урушлар бўлиб ўтди.

Аштархонийлар давридаги иқтисодий-сиёсий тушкунлик Бухоро хонлигини парчаланишига олиб келди. Фарғона хонликдан алоҳида ўлка сифатида ажралиб чиқди. 1710 йилда минглар сулоласидан бўлган Шоҳрухбий Фарғонада ҳокимиятни ўз қўлига олди. Минглар кейинчалик Сирдарё ҳавзасини, Йеттисувнинг бир қисмини эгаллади ва Қўқон хонлигига асос солишди. Бу давлатнинг пойтахти Қўқон шаҳри бўлди.

Шу тариқа ички келишмовчиликлар, низолар, сиёсий парокандалик мамлакатнинг бўлиниб кетишининг асосий сабаби бўлди.

3-асосий савол: Ўрта Осиёнинг хонликларга бўлиниб кетишининг оқибатлари.

3-савол баёни:

Учта хонлик бошқарув тизимида феодал муносабатлар асос қилиб олинган эди. Хонликлар ҳудудида йер эгалигининг учта тури – давлат йерлари, хусусий йерлар ва вақф йерлари мавжуд эди. Хонликлар аҳолиси асосан деҳқончилик билан шуғулланар эди. Асосий солиқ турлари ҳирож, закот бўлиб, турли мажбуриятлар ҳам мавжуд эди. Хива хонлигида бегар, қазув, мушрифона ва бошқалар бўлса, Бухоро амирлигида уруш пайтида олинадиган фавқулодда солиқ - жул, сув ҳақи, нимсара ва бошқалар, Қўқон хонлигида эса ҳашар, ҳарбий хизмат мажбуриятлари бор эди.

Хонликлар бошқарувида ислом мафкураси асосий ўринни эгаллаб, диний мутаассиблик мамлакат тараққиётига салбий таъсир кўрсатарди. Хонликлар ичидаги этник гуруҳбозликлар фуқароларнинг тинч ва осойишта ҳаёт кечиришига тўсиқ бўларди. Бундан ташқари турли уруғ вакиллари давлат бошқарувида юқори мавқега ега бўлиш учун бошқа уруғ вакилларига қарши зимдан ва очиқчасига кураш олиб бориб, сиёсий беқарорликни келтириб чиқарарди. Хива хонлигида XVIII асрда турли уруғ вакилларидан бўлган хонларнинг алмашиши халқ учун катта кулфатлар келтирарди. XVIII аср охирларига келиб, Хива хонлигида қўнғиротларнинг мавқеи оша борди ва 1845 йилда улар хонлик тахтини эгаллаб, то 1920 йилгача ҳукмронлик қилишди.

Қўқон хонлигида ҳукмронлик қилган минглар сулоласи истилочилик урушлари ва ўзаро сулолавий курашлари билан хонлик аҳолисининг ижтимоий, иқтисодий аҳволини янада оғирлаштирди. Худоёрхон даврида талончилик урушлари ва солинган кўплаб солиқлар халқнинг норозилигига сабаб бўлди. Минглар сулоласи Қўқонда 1710 йилдан 1876 йилгача ҳукмронлик қилишди.

ХВИИ-XVIII асрнинг И ярмида битта иқтисодий ҳудуддаги бир елат, бир халқнинг учта мустақил хонликка ажралиб кетиши, улар ичидаги сулолавий ва ўзаро урушлар халқнинг оғир аҳволини янада оғирлаштирди. Хиваликларнинг туркман уруғларига қарши уюштирадиган мавсумий талончилик юришлари, Бухоро амирлигининг Китоб ва Шаҳрисабз бекликларига қарши олиб борган доимий урушлари, Қўқон хонлигининг Тошкент ва Хўжанд учун Бухоро амирига қарши курашлари битта халқнинг

парчаланишига, ўзаро маданий, савдо алоқаларининг узилиб қолишига сабаб бўлди. Хонликлар ҳудудидаги норозилик ҳаракатлари шафқацизлик билан бостирилди, ҳар қандай илғор фикр, янгилик диний мутаассибларнинг таъқибига учрар эди. Бу пайтда нафақат бошқа ҳудудлар билан, балки Қўқон, Хива, Бухородаги маданий марказларнинг ҳам ўзаро алоқалари ё`қ эди. Бу эса ўз навбатида, Ўрта Осиё илм-фанини турғунликка, ҳатто таназзулга олиб келди. Табиий фанларга еътибор умуман ё`қолди. Ўрта Осиё халқлари Йевропа фан-техника тараққиётидан бехабар бўлиб, орқада қолиб кетди.

Россия билан ўрнатилган савдо алоқалари асосан бир гуруҳ бойлар қўлида бўлиб, улар маданий алоқаларга, фан-техника тараққиётининг кириб келишига айтарли таъсир кўрсатмади ва ўлкадаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазият чор Россиясининг ўз агрессив мақсадлари учун шароит яратиб берди. Натижада Россия Ўрта Осиёни осонлик билан босиб олди.

8 –Мавзу: Чор Россиясининг Туркистонда юритган мустамлакачилик сиёсати

Асосий саволлар:

1. Туркистонни бошқаришнинг мустамлака тизими.
2. Ўлкада чор Россияси иқтисодий манфаатларининг амалга оширилиши.
3. Чор Россиясининг Туркистонни руслаштириш сиёсати.
4. Чоризм истибдодига қарши миллий озодлик ҳаракатининг бошланиши ва унинг босқичлари.
5. Жадидчилик ҳаракатининг бошланиши.

1-асосий савол: Туркистонни бошқаришнинг мустамлака тизими.

1- асосий савол баёни:

Чор Россияси ўзининг тиш-тирноғи билан қуролланган ҳарбий кучларидан фойдаланиб, Туркистон халқларининг мардона қаршиликларини синдириб, ҳар бир қишлоқ ва шаҳарни эгаллаш учун минглаб-ўн минглаб маҳаллий аҳолининг, ватан ҳимоячиларининг қонини тўкиб, бутун Ўрта Осиёни бўйсундирди.

1867 йилда Туркистон генерал-губернаторлги ташкил етилиб, ўлка тўла равишда ҳарбийлар қўлига ўтди ва ўлкани бошқариш катта ваколатларга ега бўлган Туркистон генерал-губернаторлигига топширилди. Туркистон генерал-губернаторлиги лавозимига генерал Фон Кауфман тайинланди. У Россия императорига 1873 йилда Туркистон ўлкасини бошқаришнинг янги низом лойиҳасини тақдим етди. Низом И886 йилда подшо Александр ИИ томонидан тасдиқланди. Низомнинг асосий ғоясига кўра, ўлкада Россия ҳукмронлиги янада мустаҳкамланиши, ўлка йерлари аввалгидек ҳарбий вазирга бўйсунднрилиши назарда тутилган.

Хива хонлиги мустақил қўшин сақлаш, ташқи сиёсат олиб бориш ҳуқуқидан маҳрум етилди. Унинг хавфсизлигини Россиядан келтирилган казак полклари таъминлаб турадиган бўлди.

1868 йил чоризм билан Бухоро ўртасида тузилган битим асосида

Самарқанд, Жиззах, Хўжанд, Ўратепа ва бошқа ҳудудлар Россияга ўтди. Бухоро амирлиги эса Россия империясига қарашли кичик, ярим мустамлака давлатга айланиб қолди. Туркистонда ҳарбий губернаторлик бошқармалари та`сис етилди. Ҳарбий губернаторлар бевосита подшо томонидан тайинланадиган бўлди. Волост бошқармалари, уйезд бошлиқлари эса доимо ҳарбий губернаторларнинг назорати остида бўлди. Қозилар маҳаллий аҳоли ўртасидаги ҳуқуқий муаммоларни шариат ва одат нормаларига таяниб, ҳал қилувчи орган сифатида сақланиб қолинди. Улар генерал-губернатор томонидан тасдиқланиб, уйезд бошлиқлари назорати остида иш олиб борди.

Туркистон генерал губернаторлигининг маркази Тошкентда бошқарув 1870 йилги шаҳар қоидасига кўра тўлиқ подшо маъмурияти қўлида бўлди. 1877 йилда шаҳар Давлат думасига сайлов бўлди. Сайланган 71 депутатнинг атиги 21 нафари маҳаллий аҳолидан бўлди.

2- асосий савол: Ўлкада чор Россияси иқтисодий манфаатларининг амалга оширилиши.

2-асосий савол баёни:

Чор Россияси Туркистон ўлкасини эгаллагандан кейин ўзининг иқтисодий мустамлакачилик ниятларини амалга оширишга киришди. Бунинг учун, биринчи навбатда, Россия губерниялaридаги саноат корхоналарини мунтазам равишда хом ашё билан таъминлаб турувчи темир йўллар қурилди. Шу мақсадда 1881-1886 йилларда Михайловский кўрфази – Чоржўй, Закаспий темир йўли қурилди. 1888 йилда бу йўл узайтирилиб, Самарқандга йетказилди. 1906 йилда Тошкент-Оренбург темир йўли ишга туширилди. 1912 йилда Фарғона водийси ҳам Россия билан темир йўл орқали боғланди.

Ўлканинг хомашё йетказиб берувчи манба сифатидаги ўрни мустаҳкамлангач, бу йерга турли фирма ва биржалар кириб кела бошлади ва улар Туркистоннинг иқтисодий ҳаётида йил сайин ўз таъсирини кучайтирди. Улар ўлкадан хомашё олиб кетиш, Россиядан саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари олиб келиб сотиш билан чекланмай, суғориладиган йерларни сотиб олиб, пахта екишни кенгайтирди. Пахтачиликнинг ривожланиши бундай фирма-биржалар, маҳаллий судхўр ва савдогарлар учун катта имкониятлар яратиб берди. Улар асосан хомашё йетиштириш йўлига ўтиб олган деҳқонларга келаси йил оладиган ҳосили ҳисобидан пул қарз берар эди. Деҳқонларнинг моддий аҳволи оғирлашган сари, уларнинг ҳосилдан тушган даромади қарзини узишига, йерга ишлов беришга, оиласига озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олишга ҳам йетмас эди. Бунинг натижасида бир томондан, деҳқонларнинг йерсизланиши ортиб бораверса, иккинчи томондан, катта йер майдонлари маҳаллий бойлар ва судхўрлар қўлида тўпланди.

Россия саноатида пахта толасига бўлган еҳтиёжнинг ортиб бориши бу йерларда йетиштириладиган пахтанинг сифатига зўр беришни кучайтирди. Шу мақсадда ўлка йерларида пахтанинг Америка навларини йетиштиришни йўлга қўйиш бўйича илмий ишлар олиб борувчи стансиялар ташкил етилди. Ҳатто бу навларни ўрганиш учун Америкага махсус мутахассислар ҳам

юборилди. Мустамлака йилларида бундай навлар ўлка пахтачилигида йетти баробар кўпайди.

Россия учун Туркистондан кўпроқ фойда кўриш мақсадида ўлканинг ўзида хомашёга дастлабки ишлов берувчи корхоналар ташкил етишга киришилди. 1900 йилгача Туркистонда 170 дан ортиқ саноат корхоналари ишга туширилди. Буларнинг 80% ни пахтага қайта ишлов берувчи корхоналар ташкил етди. Ўлканинг ўзида ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган саноатнинг ривожланиши ва Россиядан кириб келаётган тайёр саноат маҳсулотларI асрлар давомида ҳунармандчилик билан шуғулланиб келаётган аҳолини хонавайрон етди.

Рақобат натижасида ҳунармандчиликнинг кўплаб соҳалари инқирозга юз тутди, хонавайрон бўлган ҳунармандлар ҳам йерсиз деҳқонлар сингари ишсизлар сафини тўлдириб борди. Ўлканинг кўплаб унумдор йерларига пахта екилиши бошоқли екинлар екиладиган майдонларнинг қисқаришига олиб келди. Минг йиллар давомида ўзини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаб келган маҳаллий аҳоли аста-секин озиқ-овқат масаласида Россияга қарам бўлди. Ғалла маҳсулотлари ўлкага Россиядан келтирилиб, унга чор маъмурларининг ўзи нарх-навони белгилади. Саноатда банд бўлган маҳаллий ишчиларнинг турмуш шароити яна ҳам оғир эди. Чунки уларнинг иш ҳақи русийзабон ишчиларидан 2- 2,5 баробар кам бўлса, олинадиган солиқлар ва жарималар шунча кўп эди.

3-асосий савол: Чор Россиясининг Туркистондаги руслаштириш сиёсати.

3-асосий савол баёни:

Мустамлакачилик сиёсатининг асосий ё`налишларидан бири Туркистон ўлкасини руслаштиришдан иборат бўлди. Подшо ҳукумати Туркистонни кўп минглаб йерсиз деҳқонларни, ишсизларни кўчириб келтирадиган, рус инқилобчилари ва социал-демократларини сургун қиладиган маконга айлантирди. Марказий Россия, Кавказортидан келган минглаб Россия монархиясининг рақиблари Туркистоннинг йирик шаҳарларига жойлашиб олдилар. Россиядан кўчириб келтирилганларга катта имтиёзлар берилди. Уларнинг жойлашиши, деҳқончилик қилиши учун кўп миқдорда маблағлар ажратилди, ўзини ўнглаб олгунга қадар озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаб турилди.

Янги ташкил топган рус қишлоқлари аҳолиси маҳаллий аҳолига нисбатан анча кўпроқ екин майдонларига ега бўлди, маълум муддатгача солиқдан ҳам озод қилинди. Натижада, рус деҳқонлари қисқа вақтда ишлаб чиқаришнинг техникавий заминини ҳам яхшилаб оладилар. Бундай имтиёзларни чор маъмурлари "Россиядан кўчиб келаётганлар бўш йерларни ўзлаштиришга, боғлар яратишга ёрдам беради", деб кўрсатди. Аслини олганда қашшоқлашиб кетган юз минглаб аҳолининг Ўрта Осиёга кириб келиши Россияда тобора чуқурлашиб бораётан ички зиддиятларни ҳал етишнинг бир йўли бўлди. Мустамлака ўлкада кўп сонли рус аҳолисининг мавжудлиги Россия учун ҳарбий ва сиёсий таянч бўлди. Улар айни бир вақтда маҳаллий халқларнинг мустамлакачилик тузумига қарши бўлган ҳаракатларини бўғиб

туриш учун таянч вазифани бажарар эди.

Чоризмнинг Туркистондаги маданий-маърифий ишлари мустамлакачилик сиёсатига тўла бўйсундирилди. Бу борадаги сиёсат маҳаллий аҳолининг маънавий ҳаётига аралашмаслик, деб кўрсатилган бўлса-да, аслида аҳолини руслаштириш, миллий маданиятни чеклаш, камситишдан иборат бўлди. Шу мақсадда дастлабки тадбирлар Йевропа турмуш тарзини ифода етувчи мактабларни очишдан бошланди. Йиллар давомида ўрта ва олий диний та`лим берувчи мадрасаларни ривожлантириш борасида ҳеч қандай амалий тадбирлар ўтказилмади. Ўлкада рус-тузем мактаблари ҳақидаги лойиҳага биноан 1884 йили Тошкентда дастлабки рус-тузем мактаби очилди.

Маҳаллий халқларнинг тарихий қадриятларига, диний еътиқодларига таъсир ўтказиш, уларни маънавий қарамликда яшаш учун Россия маъмурияти ески мустамлакачи давлатларнинг ўз мустамлакаларида олиб борган миссионерлик сиёсатларидан фойдаландилар. Илминский, Остроумов ва бошқа миссионерларнинг ўлкадаги фаолияти бунинг ёрқин мисолидир. Маҳаллий аҳолининг яшаш тарзи, сиҳат-саломатлкни яхшилаш борасида ҳам бирон бир тадбир амалга оширилмади. Губернияларда, уйездларда бир, ёки икки врач бўлиб, улар ҳам асосан солдатлар ва рус аҳолисига ёрдам кўрсатиш билан банд бўлганлар.

Ўлкада мустамлакачиликни кучайтиришга қаратилган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий жараёнлар аста-секин маҳаллий аҳолининг моддий ва маънавий қашшоқланишига, ижтимоий-иқтисодий зиддиятларни кескинлашишига олиб келиб, чоризм мустамлакачилигига қарши қаратилган миллий озодлик ҳаракатларни кучайишига сабаб бўлди.

4-асосий савол: Чоризм истибдодига қарши миллий-озодлик ҳаракатининг бошланиши ва унинг босқичлари.

1-асосий савол баёни:

Ўлкада XIX аср 2-ярмига келиб, чор Россиясининг мустамлакачилик, шовинистик сиёсати маҳаллий аҳоли миллий озодлиги учун курашининг кучайишига Тарихий манбаларда, архив ҳужжатларида чор Россияси армиясининг Ўрта Осиё ҳудудига кириб келиши билан, унга қарши халқ озодлик ҳаракатлари бошланганлиги ва бу чор ҳукуматининг ағдарилишига қадар давом етганлиги ҳақидаги маълумотлар қайд қилинади. Жумладан, 1837-1846 йилларда Султон Кенесарин раҳбарлигидаги ва Бухоро хонлигининг Бухоро шаҳри, Шаҳрисабз беклигидаги ҳаракатлар; 1871 йилда Ешон Ешмуҳаммад бошчилигида Сирдарё вилоятидаги чиқишлар; 1871 йилдаги Фарғонада Йетимхон қўзғолони, 1872 йилда Чирчиқдаги исёнлар; 1873-76 йиллар Қўқондаги Пўлатхон қўзғолони; 1892 йилдаги Тошкент қўзғолони; 1898 йилдаги Андижонда Дукчи Ешон қўзғолони; 1899 йилдаги Сирдарё вилоятидаги ҳаракатлар; 1916 йилдаги Жиззах қўзғолони каби йирик ва оммавий тус олган курашларни қайд қилишимиз мумкин.

XIX аср 70-йилнинг бошларидаги Фарғонадаги халқ ҳаракатларини алоҳида қайд етиш лозим. 1868 йилда Кауфман билан сулҳ шартномаси

тузиб, Қўқон хонлигининг катта ҳудудларини Россия ихтиёрига берган ва Россия ҳукмронлигини тан олган Худоёрхон сиёсатидан нафақат оддий халқ, балки йирик йер эгалари ҳам норози едилар. Қўқон хонлигида елчи ва жосус вазифасини бажарган полковник Шауфус ма`лумотларига қараганда, норози беклар тепасида Абдураҳмон Офтобачи турган. 1872 йилда хон сиёсатига қарши халқ ҳаракати, айниқса, кучайди. Бундан фойдаланган Абдураҳмон Офтобачи таниши мулла Ишоқ Ҳасан ўғлини қирғизлар орасида Пўлатхон номи билан қўзғолон кўтаришга ундайди ва ўзи ҳам бу ҳаракатга қўшилади. 1873 йилда бошланган бу қўзғолонда оддий халқ, деҳқонлар, ҳунармандлар иштирок етиб, бу ҳаракат бутун Фарғона водийси бўйлаб ёйилди. Худоёрхоннинг ўғли Насриддинбек бошчилигидаги хон қўшинлари ҳам қўзғолончиларни қўллаб-қувватлади. Худоёрхон рус ҳокимиятидан бошпана сўраб, Тошкентга қочди. Қўқон тахтига унинг ўғли Насриддинбек (1875-76) хон қилиб кўтарилди. Қўзғолончилар келишувига биноан эса Пўлатхон хон етиб сайланиши керак эди. Насриддинбекнинг хонликка кўтарилиши ва руслар билан келишув сиёсатини олиб бориши, қўзғолончилар ўртасида норозилик келтириб чиқарди. Натижада Марғилон, Наманган, Андижон ҳудудларида Пўлатхон тарафдорлари йерларни камбағалларга бўлиб бериб, хон сиёсатига қарши чиқдилар. Қўқон хонлигининг русларга қарашли бўлган йерларида ҳам норозилик чиқишлари авж ола бошлади. Бу рус ҳукуматини ҳавотирга солиб қўйди ва Кауфман Қўқон хонлигини тугатиш тўғрисида подшонинг розилигини сўраб, илтимоснома жўнатди. Қўқон хонлигига Скобелев бошчилигидаги ҳарбий жазо отряди киритилди. Ҳарбий жиҳатдан устун бўлган рус қўшинлари қўзғолончиларни тезда мағлубиятга учратди.

Пўлатхон қўшинлари ҳаракатининг иккинчи босқичи 1875 йилда Тошкент вилоятида Оҳангарон, Телов, Пскент, Тошкентда бўлиб ўтган ҳаракатларни ўз ичига олди. Қаттиқ зарбага учраган қўзғолончилар 1876 йили Андижонда, Олой водийсида курашни давом еттирдилар. Аммо ҳарбий жиҳатдан кучлар тенг емас эди. 1876 йил 1 мартда Пўлатхон тутиб олиниб, Марғилонда осиб ўлдирилди. Бошқа қўзғолончилар ҳам қаттиқ жазоланди. Подшонинг буйруғи билан Қўқон хонлиги тугатилиб, Фарғона вилояти ташкил етилди.

Фарғона водийсидаги 70-80 йиллардаги халқ ҳаракатларида Қурбонжон додхоҳ, Йетимхон, Дарвишхон тўра, Ёқуббек бошчилпгидаги қўзғолонларни ҳам қайд қилишимиз мумкин. Қурбонжон додхоҳ рус қўшинларига қарши курашда шарқ аёлларининг қаҳрамонлигини, жасоратини намоён етди. Рус генерали Скобелев у билан сулҳ тузди ва уни "Олой маликаси" деб атади.

1892 йилги Тошкент қўзғолони кўплаб адабиётларда рус ҳукуматини ўлканинг бир қанча шаҳарларида вабо касали тарқалишининг олдини олиш учун Тошкент шаҳрининг ўзида кўрилган чора-тадбирларга қарши кўтарилган қўзғолон деб таърифланган бўлса-да, аслида у чор Россиясининг ўлкада кўп йиллар давомида олиб борган мустамлакачилик сиёсатига қарши қаратилган эди. Рус ҳукуматининг вабонинг олдини олиш учун кўрган чора-тадбирлари давомида маҳаллий аҳолининг диний еътиқодлари, урф-одатлари ҳисобга олинмаганлиги натижасида, сабр косаси тўлган халқ оммасининг

норозилиги кучайди. Натижада қўзғолонда Тошкент шаҳри аҳолисининг барча қатламлари иштирок етди. Маҳаллий аҳоли диний байрами "Қурбон ҳайити" кунида бошланган қўзғолон тезда чор аскарлари томонидан бостирилиб, қўзғолончилардан 8 кишини дорга осиб ўлдирилишига, 15 кишини 2 йил муддат билан маҳбуслар ротасига юборилишига, 2 кишини олти ойдан қамоқ жазосини ўташга ҳукм қилишди. Лекин чор Россияси дунё матбуотчилари олдида бу жазолар шов-шувга сабаб бўлишидан чўчиб, ўлим жазосини умрбод сургун билан алмаштирди. Бу қўзғолон Тошкент шаҳрида юз берган бўлса-да, унинг акс-садоси бутун Туркистон ўлкаси бўйлаб тарқалди.

XIX аср охирларида Россиянинг мустамлакачилик сиёсатига қарши миллий озодлик ҳаракатининг ёрқин намунаси 1898 йил май ойида Андижонда бўлиб ўтган Дукчи Ешон қўзғолонидир. Бу қўзғолон раҳбари Муҳаммадали Ешон ўз даврининг обрўли, диний ва дунёвий илмлардан бохабар, давр сиёсатини тўғри тушунган шахс эди. У ўз муридлари ва ҳамфикрлари билан босқинчиларнинг халққа қарши олиб бораётган зулмкор сиёсатини қоралар эди.

Дукчи Ешон Мингтепа қишлоғидан туриб, Фарғона шаҳарлари ва қирғиз йерларидаги мустамлакачилардан норози аҳолини бирлаштириш ва бу зулмни ағдариб ташлашга ҳаракат бошлади. Қўзғолон олиб бориш усулларидан бехабарлик, бирликнинг ё`қлиги, уюшмаганлик, қурол-аслаҳа ва моддий базанинг йетишмаслиги қўзғолоннинг тезда мағлубиятга учрашига сабаб бўлди, айниқса, қўзғолоннинг келишилган муддатдан олдин бошланиши унинг мағлубиятига асосий сабаблардан бири бўлди. Қўзғолон бостирилиб, унинг раҳбарлари қаттиқ жазоланди. Қўзғолон натижасида Фарғона вилоятида ва бутун Туркистон генерал-губернаторлигида ҳарбий полиция режими кучайтирилди.

XX аср бошларига келиб, Россиядаги ижтимоий-сиёсий вазият Туркистонга ҳам ўз та`сирини кўрсатди. Ўлка ҳудудида демократик-инқилобий ҳаракатлар авж ола бошлади. Туркистон ўлкаси ҳудудида темир йўлларнинг қурилиши, завод ва фабрикаларнинг ишга туширилиши Россия марказига кўплаб ўлка бойликларининг чиқиб кетишини осонлаштирди. Бу маҳаллий аҳоли аҳволини янада оғирлаштирди. Туркистон ўлкаси ҳудудида деҳқонлар ғалаёнлари, норозилик чиқишилари ортиб борди. 1904-1907 йиллардаги Номоз Примқулов бошчилигидаги ҳаракат шу чиқишларнинг энг кўзга кўринганидир. Самарқанд, Жиззах атрофидаги бу ҳаракатда Номоз йигитлари, маҳаллий амалдорлар ва рус мустамлакачиларига қарши кураш олиб бориб, улардан тушган ўлжаларни камбағал халққа бўлиб берар эди. Чор маъмурларининг айёрлик билан олиб борган ишлари натижасида Номоз йигитлари орасига хоинлар киритилди ва Номознинг ўзи ҳам жосуслар томонидан ўлдирилди.

1914 йилда бошланган биринчи жаҳон урушига Россиянинг тортилиши натижасида маҳаллий халқдан олинадиган солиқлар миқдори ошиб борди. Туркистон ўлкаси ҳудудида йерсиз деҳқонларнинг сони кўпайди. Россия

фронтда ва фронт орқасидаги қора ишларда маҳаллий аҳоли вакилларидан фойдаланиш учун 1916 йил 25 июнда фармон чиқарди. Ушбу фармонга мувофиқ ҳозирги Ўзбекистон ҳудудидан 19-43 ёшгача бўлган 250 мингдан зиёд еркак аҳоли фронт ортидаги ишларга (мардикорликка) чақириладиган бўлди. Улар уч ойда қайтиб келишлари ва бунгача уларнинг оилалари ҳукумат томонидан таъминланиши ваъда қилинди. Рўйхатга олиш давомида бойларнинг болаларини пул евазига рўйҳатга киритишмади. Бу халқ норозилигини ортиб боришига сабаб бўлди. 1916 йил июл ойидан маҳаллий аҳолининг қўзғолони бошланди. 4 июл куни Хўжандда, 5 июл Самарқанд вилоятида, 9 июл куни Қўқон уйездида, 10 июл куни Марғилонда, 11 июлда Самарқанд ва Тошкентда мардикорликка олишга қарши қўзғолонлар бошланди. 1916 йил 18 июлда бутун Туркистон ҳарбий ҳолатда деб еълон қилинди.

1916 йилдаги қўзғолоннинг энг кучайган нуқтаси 13 июл куни бошланган Жиззах қўзғолони бўлди. Жиззахдаги қўзғолонга Назирхўжа Абдусалом ўғли, Абдураҳмон Жевачи каби "халқ беклари" бошчилик қилиб, аҳолини мустақил беклик тузишга чақирдилар, қўзғолон давомида темирё`л бекатлари, кўприклар вайрон қилинди. Полковник Афанасйевнинг жазо отряди қўзғолончилардан йенгилади. Шундан кейин полковник Иванов бошчилигидаги катта жазо отряди қўзғолонни шафқастизлик билан бостиради. Чор қўшинлари билан сўнгги тўқнашув 1916 йил 21 июлда Қилич қишлоғида бўлиб ўтди. Мингга яқин киши ҳибсга олиниб жазоланди. 1916 йилги қўзғолон ҳукмрон синфларнинг зулмига қарши қаратилган халқ қўзғолони эди. Қўзғолонни ҳаракатга келтирган асосий куч деҳқонлар ва ҳунармандлар, камбағаллар бўлди. Қўзғолончиларни маҳаллий зиёлилар, руҳонийларнинг бир қисми қўллаб-қувватлади. Қўзғолон бостирилгач, унинг йўлбошчилари жазога тортилиб, ўлимга маҳкум етилди. Жами 51 киши қатл қилинди. 168 киши сургун қилинди. 128 киши қамалди, 228 киши турли хизматларга сафарбар етилди. 1916 йилги қўзғолон бутун мустамлакачилик давомида Туркистондаги энг қудратли ва уюшган қўзғолон бўлди.

5-асосий савол: Туркистонда рус мустамлакачилигига қарши демократик ҳаракатлар. Жадидчилик

5-асосий савол баёни:

XIX асрнинг охири-XX асрнинг бошларида Туркистон халқлари ўзига хос ижтимоий, сиёсий, диний-ахлоқий, маданий тараққиётини бошидан кечирди. Туркистон зиёлилари чор Россиясининг мустамлакачилик зулмидан қутулиш, ўз миллий давлатчилигини тузиш, иқтисодий ва маданий тараққиётга йўл очиш, халққа зиё тарқатиш чораларини кўрди. Бу борада жадидчилик ҳаракати катта рол ўйнади.

Жадидчилик ҳаракатининг ғоявий отаси қримлик Исмоилбек Ғаспрали (1851-1914) 1884 йилда Қримдаги Боғчасарой шаҳрида жадид мактабига асос солди ва ўзи дастур тузиб, дарслик ёзди. Унинг ўқитиш усули "усули сафтия", яъни "янги усул" номи билан шуҳрат қозонди. Исмоил Ғаспирали нашр етган

"Таржимон" журнали маҳаллий ёшлар орасида янгича ижтимоий қараш уйғотди. Бу қараш натижасида зиёлилар орасида табақаланиш юз берди. Тараққийпарвар кишилар янги усул тарафдорлари - "жадидлар", ески усулда ўқитиш тарафдорлари - "қадимлар" деб атала бошлади.

Жадидлар онгининг ўсишида "Таржимон", "Вақт", "Юлдуз», "Сироти мустақим» газета ва журналлари катта рол ўйнади. Исмоил Ғаспрали 1893 йилда Бухоро амирлигида биринчи жадид мактаби "Музаффария"нинг очилишига сабабчи бўлди. Туркистон жадидларининг энг йирик вакилларидан бири тошкентлик Мунавварқори Абдурашидхонов (1878-1929), 1901-1904 йилларда Тошкентда янги усул мактабларини очди. Жадидчилик ҳаракатининг йирик йетакчи раҳбарларидан бири Абдулла Авлоний (1878-1931) 1911 йилда жадид мактаблари учун дарсликлар яратди.

Жадидларнинг халқ маърифати учун кураш дастури уч асосий ё`налишдан иборат бўлган:

1) янги усул мактаблари тармоғини кенгайтириш;

2) умидли, иқтидорли ёшларни чет елга ўқишга юбориш;

3) турли маърифий жамиятлар тузиш ҳамда зиёлиларнинг кучли фирқасини ташкил етишга қаратилган газеталарни чоп етиш.

Шу дастурни амалга ошириш борасида Мунавварқори Абдурашидхонов, Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Абдулҳамид Чўлпон, Абдурауф Фитрат ва бошқа зиёлилар жонбозлик кўрсатишди. Янгича ўқитиш мусулмон болаларига қисқа вақт ичида дунёвий, диний таълим бериш дастури асосида олиб борилди. Бу дастурга кўра мактабларда ўқитиш тизими икки босқичдан иборат бўлган. Биринчи босқич ибтидоий қисм деб аталиб, унинг таҳсил муддати 4 йил бўлган. Биринчи босқични тугатган шогирд ески мактабда 10 йил ўқигандан кўра яхшироқ савод чиқарган. Иккинчи босқични муваффақиятли тугатган шогирд арабча, форсча, туркий тилда бемалол сўзлашиб, русчада еркин гаплаша олар эди. Адабиётда ҳам тил, жанр, шакл, мавзу, услуб борасида янгиликлар рўй берди. Жадид уламолари ўз асарларини вақтли матбуотда еълон қилиб, уларда мавжуд жамиятнинг салбий томонларини очиб беришди. Жадид уламоларининг публисистик мақолалари, бадиий асарлари "Самарқанд", "Ойина", "Садои Туркистон", "Юрт", "Нажот" каби газета ва журналларда нашр қилинар эди.

Туркистоннинг янги зиёлилари дастлабки яратган асарларида XX аср қадриятларини ҳимоя қилиш, ижтимоий онгни давр даражасига кўтариш ғояларини ёритдилар. Туркистонда мустамлакачи маъмурлар, шунингдек, амирлар, хонлар ва дин пешволарининг жадид матбуотига қарши олиб борган кураши жадидларни маданий ислоҳотдан сиёсий қаршилик кўрсатишга олиб келди. Жадидларнинг дастлабки сиёсий ҳаракатларида маърифий хайрия жамиятларини тузиш, фирқалар ташкил етиш, мавжуд тузум камчиликларини фош етиш яққол кўзга ташланади. Шунинг учун ҳам жадидларга чор маъмурлари ҳам, хон ва амирлар ҳам қаттиқ қаршилик кўрсатишди, жойларда уларнинг фаолиятини таъқиқлашди.

9 Мавзу: Туркистонда мустабид совет ҳокимиятининг ўрнатилиши, истиқлолчилик ҳаракати

Асосий саволлар:

1. 1917 йил феврал инқилобининг Туркистонга таъсири
2. Октябр тўнтариши. Туркистонда мустабид Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши, унинг шовинистик сиёсати
3. «Туркистон мухторияти»нинг тузилиши ва унинг тор-мор келтирилиши
4. Туркистон минтақасидаги истиқлолчилик ҳаракати ва унинг тарихий аҳамияти

1-асосий савол: 1917 йил феврал инқилобининг Туркистонга таъсири.

1-асосий савол баёни:

1917 йил феврал инқилоби ғалабаси Туркистон ўлкасига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Туркистонда ишчи ва солдат депутатлари Советлари ва ҳар хил тоифа вакилларидан тузилган ижроия қўмиталар ташкил етила бошланди. Тошкентдаги даҳаларнинг вакиллари тўпланиб, "Шўрои Ислом" ташкилотини туздилар. 1917 йил март ойида ўлка мухторияти масаласи Туркистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида асосий масала бўлиб қолди. Туркистонга мухторият мақомини бериш ғояси нафақат демократик зиёлилар ўртасида, ҳатто оддий фуқаролар орасида ҳам кенг тарқалди. 31 март куни рус подшосининг ўлкадаги таянчи - Туркистон генерал-губернатори ҳокимиятни тарк етди. 1917 йил апрелда Муваққат ҳукумат қарори билан кадет Н.Н.Шчепкин раислигида Туркистон қўмитаси ташкил қилинди. 9 кишидан иборат бу қўмита аъзоларининг тўрттаси: Бухейхонов, Тинишбойев, Мақсудов ва Давлестҳин туркий халқлар вакилларидан эди.

Туркистон маҳаллий аҳолисининг ошиб бораётган ижтимоий-сиёсий фаоллиги шароитида Тошкентда 1917 йил 16 апрелда "Шўрои Исломия"нинг Тошкент ташкилоти ташаббуси билан чақирилган Бутунтуркистон мусулмонларининг 1 қурултойи иш бошлади. Қурултойнинг сўнгги мажлисида марказий раҳбар орган-Туркистон Ўлка мусулмон Шўроси ташкил етилиш ҳақида қарор қабул қилинди. Шундай қилиб, Туркистоннинг бирлиги ва яхлитлиги томон муҳим қадам қўйилди. Афсуски, бирлашиш жараёнлари ҳар доим ҳам бир текис ривожланмади. Мунаввар Қори бошчилигидаги "Шўрои Исломия"дан 1917 йил июн ойида асосан диний уламолардан ташкил топган "Шўрои Уламо" ажралиб чиқди.

Тошкентдаги ишчи ва солдат депутатлари Совети мусулмонлар ўртасидаги ушбу бўлинишдан усталик билан фойдаланишга уринди. Сентябр воқеалари натижасида Тошкент Совети ҳокимиятни қўлга олишга ҳаракат қилди. 1917 йил 10 сентябрда Тошкентда Бутунтуркистон мусулмонларининг 2 қурултойи очилди. Ушбу қурултой ҳокимиятни солдат, ишчи ва деҳқон депутатлари Советларига беришга қарши чиқди. Сентябр воқеалари жамиятдаги сиёсий қарама-қаршиликларни кескинлаштириб, ўлкадаги ишчилар ҳаракати билан

миллий ҳаракатнинг кейинги йўлларини бир-биридан ажратиб юборди.

Тошкентда 1917 йил 17-20 сентябрда туркистонлик ва қозоқ мусулмонларининг қурултойида "Шўрои Исломия", "Шўрои Уламо", "Турон" ва бошқаларни бириктириш йўли билан бутун Туркистон ва Қозоғистон учун умумий бўлган "Иттифоқи муслимин" деган сиёсий партия тузишга қарор қилишди. "Уламочилар" қурултойидаги асосий масала Туркистон ўлкасининг бўлғуси сиёсий бошқаруви тўғрисида бўлиб, унда демократик Россия таркибида ҳудудий федерастия - Туркистон Федератив Республикаси тузилиши ғояси олға сурилди. Феврал инқилобининг таъсири билан Туркистонда касаба уюшмалари оммавий равишда ташкил етилди, маҳаллий халқлар тилларида газеталар чиқа бошлади.

2-асосий савол: Октябр тўнтариши. Туркистонда мустабид Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши, унинг шовинистик сиёсати.

2-асосий савол БАЙОНИ:

1917 йил сентябр ойида болшевиклашган Тошкент Совети солдатларни ва асли россиялик ишчиларни ўз томонига торта олган эди. Тошкентдаги Октябр тўнтариши қатнашчилари 1 ноябрда Бош комиссар генерал Коровиченко ва Муваққат ҳукуматнинг Туркистон комитетини қамоққа олдилар ва шу куни Туркистонда Совет ҳокимияти ўрнатилганлиги еълон қилинди. Қуролланган русийзабон ишчилар, асосан темирё`лчилар, Тошкент гарнизонининг солдатлари билан биргаликда бир гуруҳ маҳаллий бинокор ишчиларнинг хайрихоҳлиги билан давлат тўнтаришини ўтказдилар.

Туркистон болшевиклари ўлкадаги бутун ҳокимиятни ўз қўлларига олиш учун шафқациз кураш олиб борди. 1917 йил 15-22 ноябрда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган ишчи, солдат ва деҳқон депутатларининг ИИИ ўлка съйездида ҳокимият масаласи ҳал қилинди. Бунда 15 кишидан иборат Туркистон халқ комиссарлари Совети тузилди. У 8 та сўл есер ва 7 та болшевикдан иборат эди. Ҳукуматга маҳаллий аҳолидан биронта ҳам вакил киритилмади. Шерали Лапин бошлиқ "Уламочи"лар, меншевик ва сўл есерларнинг Ўлка Совети таркибига мусулмон вакилларини ҳам киритиш борасидаги таклифлари инобатга олинмади. Бу эса болшевиклар тарафидан миллий масалада йўл қўйилган катта сиёсий хатолик бўлиб, бунда Совет раҳбарларининг шовинистик кайфиятлари очиқ намоён бўлди. Ҳукуматнинг бундай зиддиятли таркиби ўлкада йевропалик аҳоли ҳукмронлигини мустаҳкамлади.

Россия Халқ Комиссарлари Совети 2 ноябрда "Россия халқлари ҳуқуқларининг декларастияси" ва 20 ноябрда "Россия ва Шарқнинг барча мусулмон маҳнаткашларига" мурожаатномасини еълон қилди. Дабдабали декларастияда халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи расмий равишда тан олинди; ҳаттоки ажралиб чиқиш ва мустақил давлат тузиш ҳуқуқи берилди; ҳамма ва ҳар қандай миллий, диний ва бошқа чеклашлар бекор қилинди. Ушбу декларастиялар қанчалик баландпарвоз ваъдалар бермасин, амалда қуруқ ташвиқот бўлиб чиқди. Кўп ўтмай Туркистон ХКС "Шўрои Исломия", "Шўрои Уламо" ташкилотларини тарқатиб юборди.

Кейинчалик бу ташкилотларнинг раҳбарлари "Туркистон мухторияти"га кириб, миллий истиқлол ҳаракатида қатнашди.

3- асосий савол: «Туркистон мухторияти»нинг тузилиши ва унинг тор-мор келтирилиши.

3-асосий савол баёни:

1917 йил 26-28 ноябрда Қўқон шаҳрида Туркистон ўлка мусулмонларининг фавқулодда ИВ қурултойи бўлиб ўтади. Қурултойда демократик мусулмон зиёлилар талаби билан Туркистон аҳолисининг йевропалик қисми вакиллари ҳам тенг ҳуқуқли бўлиб иштирок етдилар. Туркистонни бошқариш тузуми тўғрисидаги масалада уч кун давом етган қурултойнинг диққат марказида турди. Қурултойнинг барча вилоятлардан вакил бўлиб келган қарийб 200га яқин қатнашчилари мухторият ва мустақиллик еълон қилиш ғоясини қўллаб-қувватладилар. Қурултойда қабул қилинган қарорда "Туркистонда яшаб турган турли миллатга мансуб аҳоли Россия инқилоби даъват етган халқларнинг ўз тақдирини ўзлари белгилаш хусусидаги иродасини намоён етиб, Туркистонни Россия таркибида ҳудудий жиҳатдан мухтор деб еълон қилди". 28 ноябрда таркиб топаётган мазкур давлатнинг номи аниқланиб, "Туркистон мухторияти" деб аталадиган бўлди. Бутунроссия Та`сис мажлиси чақириғига қадар ҳокимият Туркистон Муваққат кенгаши ва Туркистон халқ (миллат) мажлиси қўлида бўлиши керак эди. Туркистон Муваққат кенгаши аъзоларидан тузилган Муваққат ҳукумат ҳайъати таркибига 8 киши сайланди, улардан 4 ўрин русийзабон аҳоли вакилларига ажратилди.

Қурултой жараёнида Туркистон Миллат мажлиси 54 кишидан иборат қилиб сайланди, шундан учдан икки қисми, яъни 36 нафари маҳаллий аҳолидан эди. Туркистон мухторияти ҳукумати қисқа фурсат ичида халқ ўртасида катта еътибор қозонди. Афсуски, ўлка болшевиклари Туркистон мухторияти ҳукуматига катта хавф деб қарадилар. Туркистон Советларининг ИВ съйезди Туркистон мухторият ҳукумати ва унинг аъзоларини қонундан ташқари деб ҳисоблади ва ҳукумат аъзоларини қамоққа олиш ҳақида қарор қабул қилди. Туркистон ХКС мухторият ҳукуматини тугатиш учун ҳарбий ҳаракатларни бошлади. Туркистон болшевиклари бунинг учун қизил аскарлардан ташқари арманларнинг "Дашнакцутюн" партияси аъзоларидан кенг фойдаланди.

1918 йилнинг 19 февралида Қўқон шаҳрида фаолият кўрсатаётган Туркистон мухторияти ҳукумати болшевикларнинг қонли ҳужумлари натижасида ағдариб ташланди. Ҳукумат ағдарилгач ҳам Қўқон ва унинг атрофларидаги тинч аҳолини талаш ва ўлдириш баттар авжига чиқди. Фақат Қўқоннинг ўзида уч кун давомида 10 000 киши ўлдирилди. Туркистон мухториятининг ағдарилиши Ўрта Осиёни советлаштиришга кенг йўл очиб берди.

4-асосий савол: Туркистон минтақасидаги истиқлолчилик ҳаракати ва унинг тарихий аҳамияти

4-асосий савол баёни:

Туркистон Мухторияти ҳукумати болшевиклар томонидан тор-мор қилинса ҳам, Фарғона водийсида истиқлолчилик ҳаракатини ташкилий жиҳатдан расмийлаштирди, унга миллий бўёқ ва тус берди. Мухторият ҳукуматининг тугатилиши истиқлолчилик ҳаракатининг бутун Фарғона водийсида оммавий равишда бошланишига бир туртки вазифасини ўтадики, чор Россиясининг мустамлакачилик зулми остида езилиб келган фарғоналиклар енди болшевиклар тузуми ва совет Россиясига қарши қуролли курашга отландилар. Демак, Туркистонда совет ҳокимияти ва болшевикча тузумга қарши истиқлолчилик ҳаракатининг бошланиши хронологик жиҳатдан 1918 йил феврал ойининг сўнгги ўн кунлигида деб белгилашимиз мумкин.

Дастлабки истиқлолчи гуруҳларнинг тузилиши Қўқон атрофидаги Бачқир қишлоғидан чиққан Кичик ва катта Ергашларнинг номлари билан узвий боғлиқдир. 27 февралда бўлган жангларнинг бирида Кичик Ергаш шаҳид бўлгач, унинг ўрнига Катта Ергаш қўрбоши бўлиб, Фарғона водийсида болшевикларнинг мустамлакачилик тартибига қарши озодлик байроғини кўтарди.

Миллий озодлик ҳаракати машъалини Скобелев уйездида Марғилон милициясининг собиқ бошлиғи Муҳаммад Аминбек Аҳмадбек ўғли (Мадаминбек) кўтарди. “Яккатут волости Ғарбобо қишлоғидаги Мадаминбек гуруҳининг қароргоҳига оммавий равишда маҳаллий ёшлар келиб қўшиларди", -деб ёзилади 1918 йилга оид архив ҳужжаттларининг бирида. 1918 йил март ойига келиб Фарғона водийсида бир-биридан мустақил равишда 40 дан ортиқ қўрбоши дасталари фаолият кўрсатарди. Мадаминбек Скобелев уйездида, ака-ука Шермуҳаммадбек ва Нурмуҳаммадбек Марғилон атрофларида, Омон Паҳлавон, Қобил, Сотиболди Қози ва Раҳмонқул Наманган уйездида, Парпи қўрбоши Андижон шаҳри атрофида, Ешмат қўрбоши Қўқоннинг Бувайда қишлоғида, Умар Чоли Урганжи қишлоғида, Ойбола Найманча қишлоғида, Жонибек Қози Ўзган томонда, Муҳиддинбек Новкатда ўз фаолиятларини бошладилар.

Истиқлолчилик ҳаракатининг ҳарбий бирликка алоқаси бўлмаган қуролли безорилик ёки босқинчилик ёҳуд босмачилик ҳаракати емаслигини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Истиқлолчилик ҳаракатининг ўзига хос миллий ё`налиши ва Туркистонга мос хусусиятлари бўлган. Ҳаракатнинг бошдан охиригача бир устувор ғоя ётадики, бу бутун Туркистоннинг миллий истиқлоли ва мустақиллиги ғоясидир. Истиқлолчилик ҳаракати гоҳ кучайиб, гоҳ пасайиб туришига қарамай, унда иштирок етувчиларнинг таркиби алмашиб турганлиги ва иккиламчи манфаатлар мувозанатига салбий таъсир қилганига қарамай, ҳаракатнинг асосий мақсади Туркистон мустақиллиги бўлиб қолаверди.

Туркистондаги истиқлолчилик ҳаракатининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи деҳқонлар, чорикорлар, мардикорлар, ҳунармандлар ва косиблар эди. Фарғонадаги қуролли мухолифат куч ва сон жиҳатдан тиш-тирноғигача қуролланган совет қўшинларидан баъзан мағлубиятга учраб турса-да,

еътиқод ва озодлик учун курашаётгаи мужоҳидлар водийдаги бутун аҳоли орасидан доимо мадад ва ёрдам олиб турадилар. Қизил армиянинг зўравонлиги ва босқинчилигига қарши фидокорона курашаётган истиқлолчилар сафига доимо янги курашчилар келиб қўшиларди.

Туркистондаги истиқлолчилик ҳаракатининг уюшган бир шаклда намоён бўлишида қўрбошилар кўрсатган ғайрат-шижоатни алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Ўз вақтида Фарғона водийсида Кичик ва катта Ергашлар, Мадаминбек, Ислом Пахлавон, Ёрмат Маҳсум, Холхўжа Ешон ва Муҳиддинбек, Самарқанд вилоятида Очилбек ва Баҳромбек, Бухоро Халқ Республикасида Саид Олимхон (собиқ амир), Иброҳимбек, Мулла Абдуқаҳҳор, Анвар Пошшо, Салим Пошшо, Давлатмандбек, Жабборбек, Остон Қоровулбеги, Ўрмон Полвон, Ҳайит Амин, Фузайл Маҳдум, Дониёлбек, Хоразм Халқ республикасида Жунаидхон, Ғуломалихон, Қўшмамедхон, Темир Алихон каби қўрбошилар бу ҳаракатни ягона кучга бирлаштириш учун раҳбарликни бирин-кетин ўз қўлларига олсаларда, лекин Фарғона водийси, Хоразм ва Бухородаги истиқлолчилик ҳаракати бошдан охиригача ягона марказга тўлиқ уюша олмади.

Шуниси диққатга сазоворки, қўрбошилар ўз сафларида ҳарбий уюшқоқликни мустаҳкамлаш мақсадида мураккаб тузилмани ишлаб чиққан едилар. Ҳаракатнинг бош курашчилари "Амир ал-муслимин", кейинроқ эса "Амир-лашкарбоши" деб номланади. Нуфузли қўрбошилар (одатда қўрбоши унвони генерал билан тенг бўлса, понсод полковник билан баробар еди), "лашкарбоши", "мингбоши", "тўқсабо", "тўпчибоши" унвонларига сазовор бўлган бўлса, ўртача даражадаги сардорлар – понсод, қўрбошилар эса "юзбоши", "мирохур", "қоровулбеги" деб аталган.

Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракати 1919 йил ёзининг охири ва кузида ўзинииг юқори чўққисига чиқди. Мадаминбек бошчилигидаги ислом қўшинлари сафига Жалолободда турган рус крестянлар армиясининг қўшилиши водийда совет ҳокимиятини ағдариш учун реал куч эди. Мадаминбек қўшинлари сентябр ойида Ўш, Ески Марғилон шаҳрини эгалладилар. Шу билан бирга водийдаги энг йирик стратегик шаҳар Андижонни қамал қилишга киришдилар. Афсуски, бу ҳужуми мағлубият билан тугади. 1919 йил 22 октябрда Помирнииг Ергаштом овулида бўлган анжуманда Мадаминбек бошчилигида "Фарғона Муваққат мухторият ҳукумати" тузилди. Ҳукумат таркибига 16 мусулмон ва 8 рус, ҳаммаси бўлиб 24 киши киритилди. Мадаминбек ҳукумат бошлиғи бўлиши билан бирга бош қўмондон қилиб ҳам тайинланди.

1919 йилнинг кеч кузига келиб Мадаминбек қўл остида 30 мингга яқин йигит қизил армияга қарши жангларни олиб бордилар. Бу пайтда Шермуҳаммадбекда 20.000 йигит, Ергаш қўрбошида 8000 йигит бўлган.

1920 йил 3 майдаги истиқлолчиларнинг навбатдаги Олтиариқда бўлиб ўтган қурултойида Туркистон-турк мустақил ислом Жумҳурияти ёки қисқача қилиб айтганда Туркистон муваққат ҳукумати тузилди. Бу қурултойда Шермуҳаммадбек ҳукумат раиси ва ислом қўшинларининг олий бош

қўмондони қилиб сайланди. Туркистондаги истиқлолчилик ҳаракатининг ғоявий раҳнамолари ҳам йетарли даражада мавжуд бўлиб, улар асосан жадид мунавварлари ва ислом уламолари эди. Наманганлик Носирхон Тўра Сайд Камолхон Тўра ўғли, Тошкентлик муфтий Садриддинхон Маҳсум Шарифхўжа Қози ўғли, Туркистон МИҚнинг собиқ аъзоси Тўрақул Жонузоқов, асли бошқирдистонлик Аҳмад Закий Валидий Тўғон ва бошқалар истиқлолчилик ҳаракатининг ғоявий мафкурачилари едилар.

1920-24 йилларда истиқлолчилик ҳаракати Бухоро ва Хоразм ресиубликаларида ҳам авж олди. БХРдаги ҳаракатнинг Туркистондаги истиқлолчилик ҳаракатидан фарқ қиладиган асосий томони шундан иборатки, ватанпарварлар Бухорода икки жабҳада туриб кураш олиб боришларига тўғри келди. Бир томондан, амирлик тузуми тарафдори бўлган мужоҳидлар жадидлардан иборат ёки Бухоро ҳукуматига ва, шунингдек, Қизил армия қўшинларига қарши кураш одиб бордилар (Иброҳимбек, Мулла Абдуқаҳҳор ва б). Иккинчи томондан, миллий истиқлол ғояларига содиқ бўлган бухоролик ватанпарварлар Файзулла Хўжайев бошлиқ БХР ҳукумати билан яширин алоқалар ўрнатиб, Бухоронинг муқаддас тупроғидан қизил аскарларнинг олиб кетилишини, БХРнинг мустақиллиги амалда қарор топиши учун курашдилар (Анвар Пошшо, Давлатмандбек, Жабборбек, Дониёлбек ва б).

Бухородаги бу ҳаракат туркиялик саркарда Анвар Пошшонинг бу йерга келиши билан ўзининг юқори чўққисига кўтарилдики, 1921 йил қиши ва 1922 йил баҳор-ёзида бутун Туркистондаги сиёсий жараёнларнинг маркази айнан Шарқий Бухорога кўчгани ҳам бежиз емасдир.

ХХРда қизил армияга қарши курашнинг тепасида Жунаидхон турган. У Хоразмда сиёсий ҳокимият учун кураш бошлаб, катта муваффақиятларга еришди. Қисқа муддатда Жунаидхон ўз қўшинини 20 минг кишига йетказди. Ўзбек ҳунармандлари ва деҳқонларидан ташкил топган дасталарда Мадраимбой, Саъдулла бола, Шокир бола ва бошқалар раҳбарлик қилган.

1924 йилга келганда истиқлолчилар иқтисодий таназзул ва қашшоқлик, даҳшатли очлик ва халқнинг оғир турмушини кўрмасликлари мумкин емас эди. Тинимсиз давом етган 7 йиллик курашдан Туркистон халқлари ҳам, қўрбоши ва уларнинг йигитлари ҳам жуда толиққан эди. Шунинг учун қасоскорларнинг кўпчилиги 1924 йил давомида қаршиликни тўхтатдилар. Улар кейинги жанглар учун ҳам куч тўплашлари лозим эди. Шундай қилиб, Туркистон минтақасида 1918-1924 йилларда давом етган истиқлолчилик ҳаракатининг биринчи даври якунланди. Лекин ҳали олдинда курашнинг тўлиқ ўн йили турар эди. Ватанпарварлар яна 1935 йилгача озодлик байроғи ва мустақиллик яловини хилпиратиб, исломнинг яшил байроғи остида босқинчи қизил армия қўшинларига қарши ҳаёт-мамот курашини олиб бордилар. Демак, Туркистонда халқларнинг истиқлол жанглари қарийб 20 йил давомида асло тинмади. Истиқлолчилик ҳаракати фақат 1935 йилда бутунлай мағлубиятга учради.

10-Мавзу: Мустабид советлар тузумининг Ўзбекистондаги қатағонлик сиёсати ва унинг оқибатлари

Асосий саволлар:

1. Совет тузумининг миллий раҳбар-ходимларга нисбатан қатағонлик сиёсати (1920-30)
2. 1920-50 йилларда зиёлиларнинг таъқиб қилиниши
3. Қатағонликнннг янги тўлқинлари

1-асосий савол:

Совет тузумининг миллий раҳбар-ходимларга нисбатан қатағон сиёсати.

1-асосий савол баёни:

1918 йил апрел ойида РСФСР таркибидаги Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикаси тузилди. 1919 йил сентябр ойида маҳаллий аҳолининг Советларга жалб қилинишига ҳалақит берувчи, совет ҳокимиятининг ўлкадаги таянчи фақат рус ишчилари деб ҳисоблайдиган, маҳаллий аҳолига ишончсизлик билан қаровчи Туркистонннинг бир қатор раҳбарларига нисбатан чоралар кўрилди. Ўлкада мустамлакачилик сиёсатини олиб боришда Марказ ташкил қилган Турккомиссия ва РКП(б) МҚ Туркбюроси, кейинроқ унинг ўрнига ВКП(б) МҚнинг Ўрта Осиё бюроси каби ташкилотлар катта хизмат кўрсатдилар.

Туркистондаги раҳбар ходимлар, хусусан Турор Рисқулов (ТуркМИҚ раиси) бошлиқ маҳаллий коммунистлар туркий халқлар, Туркистон мустақиллиги ва ўз тақдирини ўзи белгилашдек демократик тамойиллар учун кураш бошлади. 1920 йилда ТКП Мусулмон бюросининг ИИИ конференцияси ва ТКПнинг В-ўлка конференциясида Т.Рисқуловнинг турк халқлари коммунистик партияси тузиш ва Туркистон Республикасини Турк республикаси деб аташ ҳақидаги ғоялари кўриб чиқилди ва маъқулланди. Бироқ бу ғояларнинг асл мақсади Туркистон мустақиллиги бўлганлиги боис, Марказ Т.Рисқулов ва унинг тарафдорларининг фикрларига қарши чиқди. Марказнинг Туркистондаги ҳукмронлигининг ижрочиси Турккомиссия бу ҳаракатни рад етади ва миллат фидойиларини қувғинга учратди.

А.Икромов ва Т.Рисқулов ўлкада улуғ давлатчилик шовинизми, буржуа миллатчилиги юзага келаётганлиги тўғрисидаги масалаларни кўтариб чиқдилар. А.Икромов партия ичидаги тоқат қилиб бўлмас ҳолатлар, қўрқинч ҳисси мавжудлигини очиқ-ойдин баён қилди. У Туркистонда кўп соҳаларда мустамлакачилик қоидалари сақланиб қолганлигини кўрсатиб ўтди. Ушбу ватанпарварларнинг чиқишлари кейинчалик уларни жисмоний ё`қ қилишда айблов учун асос бўлди.

Туркистоннинг социал-иқтисодий ривожланиши борасида билдирилган муқобил фикр муаллифлари миллатчиликда айбландилар. Айни шу дамларда Ўзбекистоннинг илғор, ҳурфикрли фарзандлари "иноғомовчилик", "18-лар гуруҳи", "қосимовчилик" каби гуруҳбозликда ва давлатга қарши миллатчиликда айбланиб, қатағон қилиндилар.

20-йилларнинг охирига келиб республикада мустабид тузум ўзини тўлиқ

намоён етди. Сиёсий қатағонлар авж олди. 1929 йилда машҳур жадидчи, маърифатпарвар Мунаввар Қори Абдурашидхонов бошлиқ "Миллий истиқлол" ташкилоти аъзоларини қамоққа олиш бошланди. Бу ташкилотнинг қамоққа олинган 85 а`зосидан 15 таси отилди, қолганлари аҳлоқ тузатиш лагерларига жўнатилди. "Миллий иттиҳод" ташкилотининг аъзолари ҳам қатағон қилиндилар. Машҳур жамоат арбоблари Маннон Абдуллайев (Рамзи), Носир Саидов. Маҳмуд Мирходийев, Хосем Василов, Собир Қодиров ва бошқалар ўлим жазосига ҳукм қилиндилар, сўнгра бу ҳукм узоқ муддатли қамоқ жазосига алмаштирилди.

1930 йилда Давлат банки аппаратида ўтказилган тозалаш вақтида қатор раҳбар ходимлар қамоққа олиндилар. ЎзССР Суди раиси Саъдулла Қосимовнинг "қосимовчилик" деб номланган ишини кўриб чиқиш бошланди. Бу жараёнларнинг моҳияти кўзга кўринган сиёсий арбобларни тугатишга қаратилганди.

30-йилларнинг бошида диндор ва еътиқодли кишиларга нисбатан зўравонлик сиёсати қатағонликнинг чўққиси бўлди. Жуда катта миқдордаги ислом, христиан, будда динига тааллуқли асарлар ё`қ қилинди. Бу даврда Ўзбекистондаги диндорлар, уламоларнинг асосий қисми қамоқ лагерларига жўнатилди. Ўтмишда нафақат диний расм-русмлар адо етадиган, балки маданият, фан, тарбия, санъат маркази, халқнинг кўп асрлик меросини сақловчиси бўлган мачит ва мадрасаларни деярли барчаси ёпиб қўйилди, айримлари бузиб ташланди. Бутун республиканинг ҳаёти Марказнинг қаттиқ назорати остига ўтди. Партия директиваларидан ҳар қандай чекиниш контрреволюцион, сиёсий мухолифат деб баҳоланди.

1937 йилдан "антисовет", "халқ душманлари"ни қидириб топиш, жазолаш кенг тус олди. Сиёсий бошқарув органлари (ОГПУ) Ф.Хўжаев, А.Икромов, Д.Манжара, А.Каримов каби партия ва давлат раҳбарларини ҳибсга олди. Улар ўлим жазосига ҳукм қилинди.

Ўзбекистон Ички ишлар Халқ комиссарлигининг "учликлари" олиб борган фаолияти оқибатида 1939-1953 йиллар мобайнида 61799 киши қамоққа олинган, улардан 56112 нафари турли йилларга қамоқ жазосига, қолганлари отувга ҳукм қилинган. Кейинроқ уларнинг кўпчилиги оқланди, минг афсуслар бўлсинки, улар бу адолатга ўлимидан сўнг сазовор бўлдилар.

2-асосий савол: 1920-50 йилларда зиёлиларнинг таъқиб қилиниши

2-асосий савол баёни:

Шахсга сиғинишнинг рутубатли иқлимига қарамай, республикамизда ижодий ҳаёт сўнмади. Ёзувчилар ва адабиётшунослар қатори кенгайди. 1934 йил мартда Тошкентда Ўзбекистон ёзувчиларининг съйезди бўлди ва унда Республика Ёзувчилар иттифоқи ташкил қилинди. Ўзбек ёзувчиларининг номлари жаҳонга кенг ёйила бошлади. Ғафур Ғулом, Ойбек, Ғайратий, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор, Ойдин Собирова, Усмон Носир, Уйғун, Комил Яшин ва бошқаларнинг асарларида халқ маиший турмуши, анъаналари, меҳнат қаҳрамонлари, даврнинг романтик ва шижоатли хусусиятлари ўз

бадиий ифодасини топган.

30-йилларда кучайган ма`мурий буйруқбозлик тизими ва шахсга сиғиниш мафкураси ижод аҳлини, қолаверса, республиканинг маданий ҳаётини буға бошлади. Ижодни партиявийлик ва ягона коммунистик мафкурага бўйсундирилиши ҳаётнинг бадиий тасвирида вулгар-социал кўринишларга кенг йўл очди. Партия томонидан янги ҳаётни куйлашга бўлган чақириғи ва мажбурий нормалар ижодий жараёнда тарихий ўтмишни унутилишига олиб келди.Адабиётда борлиқни, мураккаб ижтимоий муаммоларни бўяб кўрсатиш, хато ва камчиликлар ҳақида сукут сақлаш зарурий шарт бўлиб қолди. Миллий маданият 30-йилларда қаттиқ фожеага дучор қилинди. Инсон ҳақ-ҳуқуқлари поймол қилиниши кучайди. Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Шокир Сулаймон, Зиё Саид, Елбек, Аъзам Аюб, Усмон Носир, Қосим Сорокин каби адабиёт ва санъатнинг қобилиятли вакилларининг асарларини ўқишдан жамоатчилик узоқ вақт маҳрум бўлди.

40-йиллар охирларида фан ва маданият ходимларини қатағон қилишлар давом етди. ВКП(б) МҚнинг 1946 йил "Звезда" ва "Ленинград" журналлари ҳақида"ги қарорлари қатағонлар янги тўлқинининг ғоявий асоси бўлиб хизмат қилди. Шу пайтдан бошлаб адабиёт ва сан`атда ижодий демократик ривожланиш узоқ йиллар давомида сунъий таъқиб қилинди, жойларда ҳурфикрлилик сиқувга олинди. Марказнинг кўрсатмаларига асосланиб, республиканинг партия органлари ижодий зиёлиларга қарши кураш олиб бордилар. Уларнинг асарларидаги миллий ғоялар уларни айблаш учун фойдаланилди. Ёзувчи ва шоирларнинг асарларида ўрта аср ва инқилобгача бўлган даврдаги халқ тарихини ва маданиятини бадиий тасвирлаш ўтмишни қўмсаш, идеаллаштириш, деб айбланди ва уларга "миллатчи" деган тамғалар ёпиштирилди. Шу каби Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир, Шайхзода ва бошқа ўзбек ёзувчилари қораланди.

1951 йил августда республика матбуотида қатор шоир ва ёзувчиларнинг ижодида “мафкуравий оғишлар" мавзусида мақола чоп етилди. Унда Туроб Тўла, Камтар Отабойев, Миртемир, А.Бобожонов, Собир Абдулла, Ҳабибий каби ижодкорлар миллатчиликда ва пантуркчиликда айбланиб, танқид қилиндилар. Шунингдек, Ойбек, Х.Зарифов, Х.Ёқубов, И.Султонов ва бошқалар "ўзбек совет адабиёти вазифаларидан четда туриш"да ва жиддий ғоявий ҳатоликлар"га йўл қўйганликда айбландилар. 1951 йилда Мақсуд Шайхзода, Шукрулло Юсупов, Ғулом Алимов, Салоҳий ва бошқа бир қатор ижодкорлар "антисовет миллатичилик фаолияти"да айбланиб, қамоққа олиндилар ва 25 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилиндилар. Шу йиллари жамиястҳунос олимлардан бир гуруҳи, чунончи, файласуф В.Зоҳидов, тарихчи А.Бобохўжайев, иқтисодчи А.Аминовлар пантуркизмни ташвиқот қилишда айбланиб, та`қиб қилинди.

Қатағон қилинган санъат, фан ва маданият арбоблари гуриллаган мустабид тузум даврида ҳам ҳуқуқсизлик қурбони бўлдилар. Адолат бир қадар қарор топиб, шахсга сиғиниш ва унинг оқибатларини тузатиш учун олиб борилган курашлардан кейин асоссиз қатағон қилинган маданият ва фан арбоблари

тўлиқ оқландилар.

3-асосий савол: Қатағонликнинг янги тўлқинлари.

3-асосий савол баёни:

80-йилларнинг ўрталарига келиб қатағонлик ва қонундан чекинишлар яна бўй кўрсата бошлади. Ендиликда нафақат ижод аҳли, балки хўжалик ходимлари ва давлат арбоблари ҳам қатағонлик тўлқинига тортилди. Ўзбекистоннинг миллий зиёлилари ҳеч қачон, ҳаттоки мустабид тузумнинг «гуллаб-яшнаган» даврида ҳам ўзбек халқининг миллий мустақиллиги ғояларидан воз кечмадилар. Очиқ кураш имкони бўлмаганда ҳам, миллий мустақилликни қўлга киритиш учун зимдан кураш олиб бордилар.

Ўзбекистонда қонунчилик ва ҳуқуқий тартибларни тиклаш, партия давлат органларини кадрлар билан мустаҳкамлаш деган ниқоб билан марказдан катта ваколатга ега бўлган масъул ходимларнинг "десант" гуруҳлари кела бошлади. Уларга партия, совет ва суд органларидан муҳим аҳамиятга ега бўлган лавозимлар берилди. Ўйдирма, тўқиб чиқарилган "пахта иши" ва "ўзбеклар иши" деб сунъий тайёрланган ишларга сиёсий тус берилди. Оқибатда гўёки бутун Ўзбекистон жиноятчилар маконига айланиб қолгандек тасаввур уйғотишга ҳаракат қилинди. Гдлян ва Иванов бошлик емиссарлар гуруҳи республикадаги турли соҳаларда ишлаётган бир неча минглаб раҳбар ва ходимларни тергов жараёнига тортдилар. Буларга пораҳўрлик, кўзбўямачилик ва жиноятчиликнинг бошқа кўринишларидаги айбномалар қўйилди. Маҳбусларни «ўз айбига иқрор қилиш» учун жисмонан зўравонликлар, руҳий азоблар қўлланилди. Ўзбекистон Компартияси МҚнинг собиқ биринчи котиби Ш.Р.Рашидов номига ҳам ноҳак туҳматлар қилинди. Миллий ғурур топталди. Оммавий қамоққа олишлар авж олди.

Қийноқларга кўплаб ҳалол, соф виждонли кишилар ҳам тортилди. Қўшиб ёзишлар, кўзбўямачилик ва порахўрлик каби иллатлар социалистик жамиятда табиий ҳолат бўлиб, барча республикаларда мавжуд ходиса эди. Ўзбекистонга нисбатан "пахта иши" олдиндан махсус тайёрланган, узоқни мўлжаллаб ташкил қилинган сиёсий суиқасддан бошқа ҳеч нарса емас эди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка еришгандан сўнг "пахта иши"ни қайта кўриб чиқилди ва минглаб бегуноҳ кишилар оқландилар. Ўзбекистоннинг таниқли давлат ва жамоат арбоби Ш. Рашидовнинг пок номи тикланди.

11-Мавзу: Советлар даврида Ўзбекистоннинг иқтисодий ва маънавий қарамлиги ва унинг оқибатлари

Асосий саволлар:

1. Ўзбекистон иқтисодий ва унинг Марказга қарамлиги
2. "Шаклан миллий, мазмунан социалистик маданият" нинг оқибатлари

1-асосий савол: Ўзбекистон иқтисоди ва унинг Марказга қарамлиги.

1-асосий савол баёни:

1920 йилларнинг бошларида жорий этилган иқтисодий сиёсат Ўзбекистоннинг иқтисодиётида жонланишга олиб келди. "Ҳарбий коммунизм" сиёсати ва ўлкадаги очарчилик оқибатида миллатнинг кўплаб қирилиб кетишининг олди олинди. Лекин 20-йилларнинг иккинчи ярмида бу сиёсат ўзининг моҳиятини йўқота бошлади ва 1929 йили батамом бекор қилинди. Эркин савдо, хусусий тадбиркорликка чек қўйилди, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳарид нархининг туширилиши озиқ-овқат муаммосини келтириб чиқарди, деҳқонлар қашшоқлашди.

Ўзбекистонда совет ҳокимиятини мустаҳкамлашнинг зарурий шарти сифатида индустриялаштириш сиёсатини амалга ошириш бошланди. Шу баҳона малакали ишчилар, муҳандис-техник ходимлар Россиянинг марказий ҳудудларидан кўчириб келтирилди. Фақат 1931 йилнинг кузида кўчириб келтирилганлар 15.000 нафарни ташкил қилди. Оқибатла 1926-1936 йиллари Ўзбекистон аҳолиси 37 фоизга кўпайган бўлса, европаликлар сони 62 фоизга ошди. Индустриялаштиришнинг дастлабки пайтида кичик сув электростанциялари, қишлоқ хўжалиги, пахтачиликка қаратилган хом-ашёни қайта ишлаш корхоналари қурилиб, ишга туширилди. Чирчиқдаги ГЕСлар, Тошкент тикувчилик, пойафзал, тамаки, Фарғона тўқимачилик, Самарқанд ва Марғилондаги ипак фабрикалари шулар жумласидандир. 30-йилларда Тошкент тўқимачилик комбинати, қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи, Чирчиқ кимё комбинати ва бошқа кўплаб йирик корхоналар ишга туширилди. Жами 30-йиллар охирида Республикада 1445 та ҳар хил саноат корхоналри мавжуд бўлиб, уларда 142 минг ишчи меҳнат қилар эди.

Марказ томонидан республиканинг ер ости ва ер усти қазилма бойликлари, хом-ашё манбалари талон-тарож қилиниб, арзон, деярли текин иш кучидан фойдаланиб ўлкадан максимум фойда олиш ҳаракатида бўлди. 1930 йилнинг бошларидан ёппасига жамоалаштириш ҳаракати бошланиб, катта ер эгалари, ўрта ҳол деҳқонлар ва камбағалларнинг ерлари жамоа хўжаликларига бирлаштирилди, уларнинг қўлларидаги от-улов, меҳнат воситалари, чорва моллари ҳам мажбуран умумийлаштирилди. Бадавлат хўжаликлар, айрим ўрта хол деҳқонлардан 5,5 мингдан ортиғи “қулоқ” қилиниб, Россиянинг чекка ўлкаларига сургун қилинди. Бу билан қишлоқларнинг бош кўтаришга қодир, эсини таниган, вазиятни тушунадиган қисмини йўқ қилиб, талончилик сиёсатини осонлаштиришга ҳаракат қилди.

Жамоалаштириш сиёсати натижасида қишлоқ хўжалигида меҳнат

унмдорлиги пасайиб, моддий манфаатдорлик йўқолди, қишлоқ аҳолиси қашшоқлашди, деҳқоннинг эксплуатация қилишнинг бирдан-бир такомиллашган услуби кашф этилди. Бунинг эвазига Ўзбекистонда пахта яккаҳокимлигини кучайтириш йўли билан собиқ СССР пахта мустақиллигига эришди. 1941 йили Ўзбекистон 1,646 минг тонна пахта етиштириб, пахта ҳосилдорлиги жиҳатидан жаҳонда 1 ўринга чиқди.

Иккинчи жаҳон уруши йиллари издан чиққан Ўзбекистоннинг иқтисодиёти урушдан кейинги 1946-1950 йиллари ғоят кескинлашган халқаро вазиятда қайта тикланди. Мамлакатнинг ички ресурслари, табиий бойликлари ва арзон ишчи кучини кучли эксплуатация қилиш эвазига, хорижий сармоялардан бош тортган ҳолда олиб борилган иқтисодиётни тиклаш жараёни халқ бошига оғир кунларни келтирди. Ўзбекистон халқ хўжалигини, айниқса, чорвачиликни тиклаш ишлари анча оғир ўтди. 1945 йил 15 июлдан Марказий ҳукуматнинг "Ўзбекистонда пахтачиликни тиклаш ва янада ривожлантириш чоралари тўғрисида"ги қарори асосида пахта яккаҳокимлиги кучайтирилди ва Ўзбекистоннинг марказга боғлиқлиги яна ҳам мустаҳкамланди.

1954-1956 йиллари иттифоқ миқёсидаги бир қатор йирик корхоналар республика ихтиёрига ўтказилди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг салмоғи 31 фоиздан 55 фоизга кўтарилди. 60-70 йилларда саноатнинг янги соҳалари вужудга келиб, Ўзбекистонда олтин, уран, рангли металлургия ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилди. Энергетика, кимё саноати ривожланди. Янги шаҳарлар: Навоий, Учқудуқ, Зарафшон, Зафаробод, Нуробод кабилар қад кўтарди. Лекин, мустамлака ҳолатидаги Республиканинг ривожланаётган иқтисодидан бошқалар кўпроқ манфаатдор эдилар. Сўнгги ҳисоб-китобларга қараганда, бевосита Иттифоқ министрликларига бўйсундирилган фақат олтин ва ураннинг ўзидан 15 миллиард Америка долларига тенг бойлик Марказга олиб кетилган. Ўзбекистоннинг аксарият шаҳар-қишлоқлари газлаштирилмаган ҳолда Республикада ишлаб чиқарилган табиий газ Россиянинг саноат марказларига етказиб берилди.

1950-60 йиллари Ўзбекистонда пахта майдонини янада кенгайтириш мақсадида қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштриш ишлари олиб борилиб, 1945-1985 йилллари қарийб 2.400 минг гектар янги ерлар ўзлаштирилди. Суғориш ишларини яхшилаш учун сунъий сув омборлари қурилди. Қишлоқ хўжалиги учун трактор, пахта териш машинаси ва бошқа техника ускуналари тайёрлаб берилди. Пахтачиликнинг моддий техника базасини мустаҳкамлаш билан бирга пахта ҳосилдорлигини ошириш учун кимёвий моддалардан кенг фойдаланилди. Натижада 1970 йили республикада пахта майдони 1.7000.000 гектарни ташкил қилди, ялпи ҳосил 4.495.000 тоннага етди. Йирик саноат корхоналарнинг вужудга келиши билан Республиканинг Иттифоққа боғланиши яна ҳам кучайди. Президент И.А. Каримов: «...у пайтда Ўзбекистон бир ёқлама иқтисодиётга-марказга бутунлай қарам, издан чиққан иқтисодиётга ега бўлган яриммустамлака мамлакатга айланган эди», дейди.

1985 йилнинг баҳорида қишлоқ хўжалигини бошқарув тизимига ўзгартириш киритилиб, меҳнатни ташкил етишнинг бригада ёки оила

пудрати, ижара сингари янги шакллари жорий этилди. Лекин марказда маъмурий буйруқбозлик бошқарув тартиби сақланган холда кўрилган тадбирлар, қайта қуришлар натижа бермади. Жамиятда, хусусан, иқтисодиётда, инқирозли ҳолатлар кучая борди. Қайта қуриш деб бошланган қурук компания Президент И. Каримов таъбири билан айтганда "ҳамма ёқни бузиб, бақир-чақир, ўғрилик, қотилликни кучайтирди". Пахта екин майдонларининг ўринсиз кенгайтирилиши ва агротехника қоидаларининг бузилиши туфайли йернинг ҳосилдорлиги пасайиб кетди. Ҳосилдорликни ошириш учун екин майдонларида ҳаддан ташқари ортиқча минерал ўғитлардан фойдаланиш оқибатида бу йерлар маълум бир вақтдан кейин батамом яроқсиз ҳолга келиб қолди. Қўриқ ва бўз йерларни ўзлаштириш, Ўрта Осиёнинг йирик дарёлари сувларидан назоратиз фойдаланиш, ўлкада ўринсиз равишда сунъий сув ҳавзаларининг қурилиши натижасида Орол денгизи аста-секин қурий бошлади ва XX асрнинг энг йирик "Орол фожеаси" вужудга келди.

2- асосий савол: "Шаклан миллий, мазмунан социалистик маданият" нинг оқибатлари.

2-асосий савол баёни:

Тоталитар тузум даврида ўлкадаги маданий-маърифий ишлар еътибордан четда қолмади. 20-30 йилларда саводсизликни туқатиш ишлари астойдил қўлга олинди. 1941 йили Ўзбекистонда 5.504 мактаб бўлиб, уларда 42.000 ўқитувчилар дарс берди, 1 млн.315 минг ўқувчи таълим олди. Саноат ишлаб чиқаришнинг ишчи кадрларга талабини қондириш учун фабрика, заводлар қошида махсус ўқув юртлари очилди. 1940 йили республикада 30 та олий, 100 га яқин ўрта махсус ўқув юртлари ишлаб турди.

20-30 йилларда адабиёт ва санъат соҳасида жаҳонга машҳур ёзувчилар ва шоирлар йетишиб чиқди. Театр ва кино санъати ўзининг дастлабки қадамларини қўйди. Маданий-оқартув муассасаларининг сони ортиб борди. Ачинарлиси шундаки, республикада таълим-тарбия, маданий-маърифий ишлар "Шаклан миллий, мазмунан социалистик" шиори остида олиб борилдики, асл мақсад "байналмилалчилик" ниқоби билан пардаланиб, ўлкага рус маданиятини, уларнинг турмуш тарзини тарқатишдан иборат бўлди. Идораларда иш юритиш 1929 йилдан бошлаб лотин, 1940 йилдан бошлаб кирилл алифбосида олиб бориладиган бўлди. Буларнинг оқибатида кўп асрлар давомида араб алифбосида яратилган тарихимиз, маданиятимизни ўрганишдан республика туб аҳолиси маҳрум бўлди. 1927 йили ўтказилган "Ҳужум" ҳаракати оқибатида ўзбек хотин-қизлари, бир томондан, жаҳон тараққиётига тортилган ҳолда, иккинчи томондан, улар индустриялаштириш гирдобига кенг жалб қилиниб, ўзларининг табиий бурчларини бажариш ҳамда шарқона фазилатларидан маҳрум бўлдилар. Маданий-маърифий муассасалар компартиянинг ғояларини, социалистик мафкурани омма ўртасида кенг тарқатиш юзасидан фаол ишлар олиб борди.

Фашизмга қарши уруш йиллари издан чиққан таълим-тарбия ишлари,

маданий-оқартув муассасалари урушдан кейинги йилларда қайта тикланди ва кенгайтирилди. 1970 йили республикада 2977 та клуб муассасалари, 5822 та кутубхоналар, 26 та музей, 3988 та киноқурилмалар ишлаб турди. Лекин, амалда бу муассасаларнинг бир қисми статистик ахборотларда оширилиб кўрсатилган, бошқа қисми ҳар хил сабабларга кўра фаолиятини деярли тугатиб қўйган. Уларнинг моддий техника базаси қониқарсиз бўлиб, молиявий ёрдамга муҳтож, айниқса қишлоқ жойларда ташландиқ аҳволда эди. Бу муассасалар марксизм-ленинизмнинг сохта ғояларини, социалистик қурилиш амалиётчиси, ташвиқот – тарғибот қилишнинг қудратли қуроли бўлиб хизмат қилди.

Урушдан кеийн мажбурий 7 йиллик, 1959 йилдан 8 йиллик, 1970 йилдан бошлаб 10 йиллик таълим амалга оширила бошланди. 1980 йилларда ўрта ва олий таълим тармоқлари кенгайиб борди. 1990 йил Ўзбекистонда мактаблар сони 9.000 га йетди. Лекин улардан 1700 таси вайрона аҳволда бўлиб, капитал таъмирлашни талаб қилар эди. 1978-79 ўқув йилида республикада 43 та олий ўқув юрти бўлган. Республика фанлар Академиясида илмий-тадқиқот институтларининг қатори кенгайиб, уларда йирик олимлар илмий изланиш ишларини олиб бордилар.

Таълим-тарбия, илмий-тадқиқот ишларининг миқдорий кўрсаткичлари қанчалик юқори бўлмасин, улар Марказга қарамлиги сабабли ўзларининг иш фаолиятида Компартиянинг мафкуравий тазйиқидан четга чиқолмадилар. Ўқув дастурлари, айниқса ижтимоий фанлар хаддан ташқари сиёсатлаштирилди. Ўтмишда дунёга машҳур бўлган, жаҳон фанининг ривожланишига катта ҳисса қўшган Ватанимиз мутафаккирлари есга олинмади, миллатимизнинг бой тарихи ва адабиёти ўқитилмади.

Марказнинг байналмилалчилик сиёсати мамлакатда истиқомат қилувчи 120 дан ортиқ миллатлар ва елатлар ягона совет халқини шакллантириш сиёсатини рўёбга чиқариш учун жадал ишларни олиб борди. Шу мақсадда рус тилини бутун ҳаётга киритиш фаоллашди. 1969 йилдан бошлаб Ўзбекистоннинг барча болалар боғчаларида рус тилини ўргатиш бошландики, бутун ҳаракат ягона байналмилал тил яратишга қаратилди. Бундай сиёсатнинг оқибатида ўзбек тилининг жамиятдаги ўрни, миллий, диний қадриятлар ё`қола борди.

Собиқ совет ҳукумати дастлабки кунлардан бошлаб динга, диний ташкилотларга қарши кенг миқёсда кураш бошлаб, атеистик жамият қуриш томон йўл тутди. Мачит ва мадрасаларни ёпиб, уларнинг биноларидан бошқа мақсадларда фойдаланилди. "Наврўз" каби умумхалқ байрами, диний маросимлар бекор қилинди. Руҳонийларнинг кўпчилиги ҳар хил баҳоналар билан қамоққа олинди, сургун қилиндилар.

1920-йилларда жадидчилик ҳаракатининг самарали йиллари бўлиб, А.Қодирий, Чўлпон, Боту, Елбек, Фитрат, Хамза, С.Айний, сўнгроқ янги ёш ижодкорлар Ойбек, Ғ.Ғулом, Ҳ.Олимжон, А.Қаҳҳор каби ўзбек адабиётининқ йирик намоёндалари фаолият кўрсатди. 1930-йилларда саҳна санъатида опера ва балет соҳасида дастлабки ютуқларга еришилди. Кино санъати қарор топди.

Айнан шу даврда адабиёт ва санъатда социалистик реализми деб аталмиш ё`налиш ҳукмрон бўла бошлади ва республикада маданий ҳаёт коммунистик мафкурага бўйсундирилди.

Урушдан кейинги 50-60 йилларда республика ижодий зиёлиларининг янги авлоди шаклланди. Шахсга сиғинишнинг фош етилиши билан юзага келган илиқлик шамоли билан бадиий адабиётда кўпгина салмоқли асарлар яратилди, санъатда бир қанча янги ўзбек театр ва концерт санъатининг донғини таратган жамоалар ташкил етилди. Жамиятда инқирозли ҳолатларнинг кучайиши билан маданий ҳаётдаги зиддиятлар ҳам кескинлашди. Чириб бораётган социализм ғояларисиз тарихий, бадиий асарлар ёруғлик кўрмайдиган бўлди. Фақат 80-йиллар 2 ярмидан янгича фикрлаш даврида социализм ғоялари ва амалиётининг жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги мудҳиш оқибатларини фош қиладиган асарлар яратилди.

12- мавзу: Ўзбекистонда давлат мустақиллигининг қўлга киритилиши ва унинг тарихий аҳамияти.

Асосий саволлар:

1. Ўзбекистон давлат мустақиллигининг қўлга киритилиши
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси
3. Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти асосларининг барпо етилиши
4. Ўзбекистонда кўппартиявийлик тизими ва миллий сиёсат

1-асосий савол: Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга киритилиши.

1-асосий савол баёни:

1980-йиллар охири 90-йиллар бошларида Ўзбекистонда жамиятнинг турли соҳаларида мустақилликка интилиш ҳаракатлари кучая борди. 80-йилларнинг иккинчи ярмидан мустақилликни қўлга киритиш шарт-шароитлари вужудга келди. Республикада "Пахта иши" деган асоссиз туҳматдан Ўзбекистон фуқароларини ҳимоя қилиш зарур эди. Ўзбекистон раҳбарияти баъзи юқори раҳбарлик лавозимларига тавсия қилинган шахсларни Москвада суҳбатдан ўтказиш амалиётини тугатди. Ш.Р.Рашидовнинг номини тиклаш ишлари бошланди. 1989 йил октябрда “Давлат тили тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши мустақиллик йўлида муҳим босқич бўлди. Қонунни амалга ошириш мақсадида ўзбек тилини текинга ўқитиш махсус курслари ташкил етилди, ўзбек тилидаги адабиётлар, дарсликлар нашр етилишига ва ўқув юртларида ўқитилишига еътибор кучайди.

1990 йил баҳорида Марказнинг қаттиқ қаршилигига қарамасдан, собиқ Иттифоқ республикалари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистонда Президентлик лавозими таъсис етилди. Бу ўзбек давлатчилиги ва мустақилликнинг принципиал янги босқичи бўлди.

И.А.Каримов 1990 йил 24 мартда Ўзбекистон Олий Кенгашида Ўзбекистоннинг биринчи Президенти қилиб сайланди. 1990 йил 20 июнда Мустақиллик тўғрисидаги Декларациянинг қабул қилиниши халқнинг давлат мустақиллигига интилишини ҳуқуқий, иқтисодий ва сиёсий мазмун билан тўлдирди ва ғоят катта тарихий аҳамиятга ега бўлди. 1991 йил 31 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Совети ХИИ чақириқ навбатдан ташқари В1 сессияси давлат мустақиллиги ва мустақил суверен Ўзбекистон Республикаси давлати ташкил топганлигини еълон қилди. Унда "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги тўғрисида Олий Кенгаш Баёноти" ва "Республика давлат мустақиллиги асослари тўғрисида" ЎзР Қонуни қабул қилинди, ҳамда 1 сентябр -Мустақиллик куни, миллий байрам деб белгиланди. Бу асосий ҳужжатлар Ўзбекистон олдида турган мақсад ва вазифаларни кўрсатиб берди.

Мустақилликнинг еълон қилиниши Республика тарихида муҳим воқеа бўлиб, жаҳон ҳамжамияти уни тезда тан ола бошлади. Мамлакатимизда ҳуқуқий, демократик жамият шаклланишига шарт-шароит яратилди.

Ўзбекистоннинг бой имкониятларидан халқ турмушини яхшилаш учун фойдаланишга кенг имкониятлар очилди. Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишда ҳар хил салбий ҳолатлар туғдирадиган "фалаж" йўли билан емас, ўзига хос йўл орқали ўтилди. Истиқлолга еришган халқимиз жаҳон минбарида ўз манфаатлари ҳағида бор овоз билан гапириш, халқаро ташкилотлар ишида фаол қатнашиш имконига ега бўлди. энг асосий натижалардан яна бири халқнинг тарихий, маънавий қадриятларини тиклаш имкони яратилди.

Ўзбекистонда мустақиллик шароитида сиёсий ва иқтисодий қайта қуришлар амалга оширила бошланди. Биринчи навбатда мустақил давлатнинг ҳуқуқий асослари яратилди. 1991 йил 18 ноябрда Республика Олий Кенгаши ВИИИ сессиясида 1991 йил 29 декабрда ЎзР Президентлигига сайлов ва Мустақиллик ғоясини бутун халқнинг муҳокамасидан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Сайлов комиссиялари ташкил қилиниб, уларга ЎзР Президентлигига сайловлар ва референдум тўғрисидаги қонуннг бажарилишини таъминлаш, Ўзбекистон фуқароларига ўз хоҳишларини еркин билдириш, Президентликка номзодлар учун тенг шарт-шароитлар яратиш вазифалари юкланди. 29 декабр куни муқобиллик асосида ўтказилган сайловда Ислом Абдуғаниевич Каримов номзодига сайлов қатнашчиларининг 86 фойизидан кўпроғи ўз овозини берди. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов ҳақидаги қонуннинг 35-моддасига асосан И.А.Каримов биринчи Президент етиб сайланганлиги тўғрисида қарор қабул қилинди. И.А.Каримов 1991 йил 31 декабрдан ўз вазифасини бажаришга киришди. Президентликка сайловлар билан бир вақтда "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини қўллаб-қувватлайсизми?" савол бўйича референдум ҳам ўтказилди. Овоз беришда рўйхатга олинганларнинг 94,1 фоизи қатнашди. Қатнашганларнинг 98,2 фоизи мустақилликни қўллаб овозини берди.

Мустақил Ўзбекистон бозор муносабатларига асосланган демократик жамият қуриш учун бой табиий ресурслар ва кенг имкониятларга егадир. Ўзбекистонда фойдали қазилма бойликларнинг 2.700 дан ортиқ ўрни аниқланган. Ҳар йили республика ҳудудидан 5 млрд. доллардан ортиқроқ қимматдаги фойдали йер ости бойликлари қазиб олинмоқда. Республика олтин заҳираси бўйича жаҳонда тўртинчи, қазиб олиш бўйича еттинчи ўринни эгаллайди, мис заҳираси бўйича жаҳонда 7-8 ўриндадир. Рангли металлар, фосфоритлар, табиий газ, нефт, кўмир ва бошқаларнинг заҳира манбалари ҳам аниқланган.Ўзбекистон йери жуда ҳам ҳосилдор бўлиб, бу йерда пахта, дон, сабзавот ва мевалардан юқори ҳосил олиш мумкин. Республика енергетикаси бугун 11 млн. киловатт қувватдан кўпроқ кучга ега бўлган 37 иссиқлик ва гидроелектростанцияни ўз ичига олади. Транспорт йўллари бўйича катта имкониятга ега. Республикада саноатнинг 100 дан ортиқ соҳасига оид 2 минг атрофида завод ва фабрикалар ишлаб турибди. Мустақил Ўзбекистон моддий бойликлар билан бирга катта илмий ва маънавий имкониятларга ҳам ега.

Ҳар бир мустақилликка еришган давлат ўз рамзларига ега бўлади. 1991 йил 18 ноябрда Республика Олий кенгашининг ВИИИ сессиясида Ўзбекистон Давлат Байроғи тасдиқланди. Унинг белгилари мамлакатимиз ҳудудидаги қадимда мавжуд бўлган йирик салтанатларнинг туғларидаги анъаналарни давом еттиради ҳамда халқнинг миллий ва маданий ўзига хослигини, республика табиий шароитини акс еттиради. Ўзбекистон республпкаси Олий кенгашининг 1992 йилдаги Х сессиясида Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисидаги қонун, 1992 йил 10 декабрдаги ХИ сессияда ЎзР мадҳияси тўғрисидаги қонун қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси давлат рамзларининг қабул қилиниши мамлакатимиз мустақилигини мустаҳкамлашда катта аҳамиятга ега бўлди.

2-асосий савол: Ўзбекистон Республикаси Конститустияси.

2-савол баёни:

Конституция – давлатнинг асосий қонуни бўлиб, буюк келажакнинг ҳуқуқли кафолатидир. Янги Конституцияни тайёрлаш ғояси 1990 йилнинг март ойида илгари сурила бошланди. Июн ойида Олий Кенгашнинг иккинчи сессиясида И.Каримов бошчилигида Конституциявий комиссия тузилди. Конституция лойиҳасининг дастлабки нусхаси 1991 йил ноябрида тайёрланиб, ҳар томонлама кўриб чиқилди ва 1992 йилнинг сентябрида умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда еълон қилинди. Тузатишлар ва аниқлашлар лойиҳанинг 60 дан ортиқ моддасига киритилди. 1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ХИИ чақириқ ХИ сессиясида Мустақиллик Конституцияси қабул қилинди. Унинг моҳияти Асосий қоидалар бўлимида баён етилган. Бу қоидалар: давлат суверенитети, халқ ҳокимияти, фуқарорлар ҳуқуқ ва еркинликларини ҳимоя қилиш, шахс ва давлат бирлигини таъминлаш, қонунийлик, ҳокимиятни ажратиш, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш, суд тизими ва одил судловни ташкил қилиш ва бошқалар. Конституция преамбула, 6 бўлим, 26 боб, 128 моддадан иборат бўлди.

Мустақил Ўзбекистон Конституцияси фуқароларнинг инсон ҳуқуқлари демократик хартияси бўлиб, инсонпарвар ҳуқуқий давлат шакллантиришнинг стратегик дастуридир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2005 йил 7 декабр куни “Инсон, унинг ҳуқуқ ва еркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий қадрият” мавзусида қилган маърузасида Конституциямизда мужассам етилган асосий ғоялар, яъни ҳамма амалий фаолият инсон манфаатларига хизмат қилиши, инсон ҳуқуқ ва еркинликларини ҳурмат қилиш ва таъминлаш нафақат давлат органлари, балки жамиятнинг ҳар бир аъзосининг бош мақсади бўлиши лозимлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг жамият ҳаётини тубдан ўзгартириш, янги жамият қуриш, демократик ҳуқуқий давлатни шакллантириш ва шу орқали фуқаролик жамиятини барпо етиш каби улкан мақсадларимизни амалга оширишдаги ўрни ва аҳамиятини бугунги кунда

амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасида яққол кўришимиз мумкин. Конституциямизда, аввало инсон омилига берилган алоҳида еътиборни кузатамиз. Чунки, ҳар қандай ижтимоий ислоҳотлар аввало жамият еҳтиёжи, шахс манфаати орқали юзага келади. Жамиятнинг талаблари еса, ўз навбатида унинг фаол аъзолари саъйи-ҳаракатлари туфайли кўзга ташланади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида 1996 йилдан буён 28 та ўзгартириш бўлди. Унинг аксарияти янги қонунлар тақозоси билан келиб чиққан қўшимча ва тўлдиришлардир. Оила кодексига эса 1998 йилдан еътиборан 4 та ўзгартириш киритилди.

Мамлакатимизда ҳуқуқ ижодкорлиги жараёни кенг кўламли ҳуқуқий асосга ега. энг биринчи ҳуқуқий асос – Ўзбекистон Конституциясидир. Унда ҳуқуқ ижодкорлиги субъектлари бу борадаги фаолиятларининг умумий қоидалари мустаҳкамланган. Конституциядаги бу умумий қоидалар бир қатор қонун ҳужжатларида аниқ, батафсил ифодасини топган. Бундай қонун ҳужжатлари сирасига 1997 йил 30 августда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси қонунларни тайёрлаш тўғрисида”ги, 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган “Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги, 2000 йил 15 декабрда қабул қилинган “Қонун лойиҳаларининг муҳокамаси тўғрисида”ги, 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги ҳамда 2003 йил 29 августда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги қонунларни киритиш мумкин. Мазкур қонунларда ҳуқуқ ижодкорлиги жараёни, унинг субъектлари ва бу фаолиятининг босқичларига доир асосий қоидалар мустаҳкамланган.

Амалга оширилган ҳуқуқий ислоҳотлар борасида, Конституциянинг қабул қилинишининг ўзи катта воқелик бўлиб, “...бу Конституция ўзининг туб моҳияти, фалсафаси, ғоясига кўра янги ҳужжатдир” – у шунинг учун жамият ҳаётини тубдан ўзгартиришни мақсад қилиб, аввало инсон шахсини улуғлайди, уни – олий қадрият деб еътироф етади, жамият ҳаётидаги муносабатлар ўзагини инсонлар манфаатига боғлайди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилиниши билан собиқ тузум буткул емирилди, яъни янги давлатнинг асл қиёфаси намоён бўлди, бу қиёфа ўзида “...инсон ҳуқуқлари ва давлат мустақиллиги ғояларига садоқат, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятни англаш, ўзбек давлатчилигининг тарихий тажрибасига таяниш, демократия ва қонунийликни ҳурматлаш халқаро ҳуқуқнинг жаҳонда еътироф етилган қоидаларини тан олиш, Ўзбекистон фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлаш, инсонпарвар ва ҳуқуқий жамият барпо етиш ва ниҳоят, фуқаролар тинчлиги ва миллий ҳамжиҳатликни кафолатлаш каби олижаноб мақсадларни...” акс еттиради.

Ўзбекистон Республикасининг ёш давлатчилик тарихига назар солсак, бутун тарихимиз ислоҳотлар даври, демократик янгиланиш ва тараққиёт даври, жамиятни еркинлаштириш ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантириш даври бўлиб намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясидаги собиқ тоталитар тузумдан воз кечиб, демократик давлат қуриш, еркин бозор муносабатларига асосланган иқтисодий маконни юзага келтириш, фуқаролик жамиятини шакллантиришни талаб қилувчи конституциявий нормалар ўзида қуйидаги мазмунни ифодалайди:

1. Давлат суверенитети. Давлат ҳокимияти ўз орган ва идоралари, мансабдор шахслари сиймосида жамият ва фуқаролар олдида масъул бўлиб, халқ иродасини ифодалайди, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат суверенитети фақат халққа тегишли, давлат ҳокимиятини шакллантириш ва амалга ошириш халқ ерки ва иродасига боғлиқ.

2. Ўзбекистон халқини Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ташкил қилади. Уларнинг ерк-иродаси устувор бўлиб, жамият ва давлат ҳаётидаги энг муҳим масалалар умумхалқ муҳокамасига қўйилиши орқали ҳал қилинади. Халқ хокимиятини амалга ошириш умуминсоний принципларига асосланади. Инсон, унинг ҳаёти, ҳуқуқ ва еркинлиги, шаъни ва қадр-қиммати ҳамда манфаатлари олий қадрият ҳисобланади.

3. Ўзбекистон Республикасида Конституция ва қонун устунлиги сўзсиз тан олинади. Қонунга ҳурмат билан қараш ва унга итоат етиш Ўзбекистон ҳудудидаги барча шахсларга тегишлидир. Инсон ҳуқуқ ва еркинликлари Конституция ва қонунлар орқали ҳимоя қилинади.

4. Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари ҳурфикрлилик ва уларнинг хилма-хиллиги, кўппартиявийлик ва демократик мафкуралар асосида ривожланади ҳамда бирон бир сиёсий-ижтимоий гуруҳларнинг мафкураси давлат мафкураси сифатида ўрнатилишига йўл қўйилмайди. Ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ва диний уюшмаларнинг манфаатлари ҳимоя қилинади. Сиёсий институтлар жамият равнақига хизмат қилади.

5. Жамиятнинг иқтисодий тизими бозор муносабатларини ривожлантириш орқали Ўзбекистон иқтисодиётини юксалтиришга қаратилган. Мулк шаклларининг барча турлари ҳуқуқий жиҳатдан тенглик асосида муҳофаза етилади. Давлат ўз молия ва пул-кредит тизимига ега.

6. Оила жамиятнинг таркибий қисми сифатида еътироф етилган ҳамда у давлат ва жамият муҳофазасида.

7. Давлат ҳокимияти ҳокимият бўлиниши принципи асосида шакллантириладиган қонун чиқарувчи, ижро етувчи ва суд ҳокимияти тизимларидан иборат бўлиб, улар ўз фаолиятларида мустақилдир.

8. Ўзбекистон Республикаси ўз ташқи сиёсати ва ташқи иқтисодий фаолиятини мустақил амалга оширади. Ўзбекистон ўзининг ички ва ташқи сиёсатини амалга ошириш борасида, халқаро ҳуқуқ нормаларини ўз ички нормаларидан устунлигини тан олади. Ўзининг мудофаа ва хавфсизлик чора-тадбирларини кўради, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини, давлат чегараларининг дахлсизлигини таъминлайди.

Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилган, юқорида санаб ўтилган асосий қоидалар нафақат қонунлар ҳамда қонун ости ҳужжатлари учун, балки ҳар

бир фуқаро турмуш тарзининг барча жабҳаларида ҳам, ҳаётимизнинг ҳар бир кунида ҳам сўзсиз бажарилиши лозим бўлган талаблардан иборат. Ушбу талабларга барчамизнинг виждонан масъулият билан ёндашувимиз туфайлигина мустаҳкамкам давлат ва фаровон ҳаётга ега бўламиз. Демак, ўтган қисқа даврда еришилган ютуқлар олиб борилган ислоҳотларимизнинг самараси сифатида кўрилса-да, унинг ҳуқуқий асоси Конституция еканлигини ҳам англаб йетмоқ, бунга лозим даражада баҳо бермоқ зарур.

3-асосий савол: Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти асосларининг барпо етилиши

3-савол баёни:

Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб ҳуқуқий давлатчилик асосларини яратиш муҳим вазифалардан бирига айланди. Ўзбекистон раҳбарияти тарихий анъаналарга, дунё тажрибаларига, ўлканинг миллий-тарихий ривожланишига ҳамда унинг ўзига хос томонларига таянган ҳолда жамиятни тубдан ислоҳ қилиш йўлларини ишлаб чиқди. Бу жараёнда иккита вазифа: 1) ески маъмурий буйруқбозлик тизимни тугатиш ва ҳокимият бошқарув органларини қайта қуриш; 2) янги давлатчиликнинг ҳуқуқий-сиёсий асосларини яратиш, янги марказий ва маҳаллий бошқарув органларини шакллантириш масалалари ҳал қилинди.

Ўзбекистонда ҳокимият бўлиниши тамойилларига амал қилиниб, қонун чиқарувчи, ижро етувчи ва суд ҳокимияти жорий этилиб, Конституцияда мустаҳкамланди. Бу органлар фаолияти еркин, бир-биридан мустақил бўлиб, айни вақтда бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир.

1994 йил 24 декабрда кўппартиявийлик асосида сайланган Республика Олий Мажлиси қонун чиқарувчи ҳокимият вазифасини бажариб келди. Олий Мажлисга сайловлар янги босқичга ўтганлигидан 2004 йил декабридаги сайловлар далолат беради. Олий Мажлис ендиликда икки палатадан - Қонунчилик палатаси ва Сенатдан иборат бўлди. Ўтган давр давомида Олий Мажлисда кўплаб янги қонунлар қабул қилинди, олдинги қонунларга ўзгартиришлар киритилди.

Давлатни бошқаришнинг президентлик шакли мамлакат бошқарув тизимини ислоҳ қилишнинг бошланиши бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат ҳокимиятининг бошлиғи бўлиб, бир вақтнинг ўзида Вазирлар Маҳкамасининг Раиси вазифасини ҳам бажаради. Президент фуқаролар еркинлиги ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, Конституция ва Ўзбекистон қонунларига риоя қилинишини кафолатлайди. Вазирлар Маҳкамаси ижро етувчи ҳокимият органи бўлиб, у ижтимоий, иқтисодий ва маънавий жабҳалардаги вазифаларнинг бажарилишини, қонунлар, Олий Мажлис қарорлари, мамлакат Президенти фармонлари ва қарорларининг ижро етилишини таъминлайди. 2007 йил декабрида бўлиб ўтган сайловда 4та номзоддан Ўзбекистон Республикаси Президенти демократик тамойилларга асосланган ҳолда сайланди.

Республикада ҳокимлар бошқарувининг жорий этилиши муҳим аҳамиятга

ега бўлди, ҳокимликка тажрибали ва малакали шахслар Президент томонидан тайинланади ва халқ депутатлари кенгашлари томонидан тасдиқланади. Халқ депутатлари Кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органлари бўлиб, улар давлат ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб ўз вазифаларини ҳал етади. Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларининг асосини маҳаллалар ташкил етади. Аҳолини ҳуқуқий, ижтимоий ва иқтисодий қўллаб-қувватлаш, ижтимоий жамғармалар ташкил етиш, турли хайрия тадбирлари ўтказишда маҳалланинг ўрни каттадир.

Фуқаролик жамияти бу инсоннинг ривожланишига имкон яратадиган, унинг ҳуқуқ ва еркинликларини тўла даражада таъминлайдиган, қонун устувор бўлган ижтимоий жамиятдир. Бундай жамият қуриш давлат қонунлари ва инсон ҳуқуқларини поймол етмасликни, инсондан қонунларга қатъиян риоя қилишни талаб етади. Ҳар бир фуқарони давлат бошқарувига кенг жалб етилиши, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда фаол қатнашишни таъминлаш учун шарт-шароитлар яратилиши зарур.

Ўзбекистон Республикаси суд ҳокимияти тизимига беш йил муддатга сайланадиган Конституциявий Суд, Олий суд, Олий хўжалик суди, ҳарбий судлар тизими, Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоят, туман ва шаҳар судлари киради. Суд ҳокимиятининг фаолияти тўғрисидаги қонун қоидалар Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Судлар тўғрисида»ги қонунда баён етилган.

Республика раҳбарияти суд ҳокимияти доирасида ислоҳотлар ўтказиб, инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, уларнинг еркинлиги ва мажбуриятларини кафолатловчи ҳуқуқий механизмни шакллантирдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1999 йил охирги сессияси суд-ҳуқуқий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида адвокатура тизимини кучайтириш, судяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш вазифаларини қўйди.

2004 йил декабрида ўтказилган сайловлардан кейин республика парламенти – Олий Мажлис икки палата таркибида фаолият юритмоқда. Қуйи палата - Қонунчилик палатаси ўз фаолиятини доимий профессионал тарзда олиб бориб, қонун ижодкорлиги билан шуғулланади. Юқори палата - Сенат ижро етувчи ва қонун чиқарувчи ҳокимият ўртасидаги ўзаро мувофиқликни таъминлаш, республиканинг турли ҳудудларидаги аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш ва ҳисобга олиш, қонунлар бажарилишини назорат қилиш каби вазифаларни бажаради.

4-асосий савол: Ўзбекистонда кўппартиявийлик тизими ва миллий сиёсат

4-савол баёни:

Мухолиф партиялар ва ҳаракатлар демократик жамият қуришнинг зарурий шартидир. 80-йилларнинг охирларидан бошлаб Ўзбекистонда бир қатор ижтимоий ҳаракатлар пайдо бўлди. Мустақиллик йиллари мамлакатимизда 5 та сиёсий партия ташкил топди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси 1991

йил ноябрдан фаолият кўрсатиб, ўз сафида 420 мингдан зиёд аъзони бирлаштирган. Олий Мажлиснинг 69 та депутати унинг аъзоларидир. «Ватан тараққиёти» партияси 1992 йил май ойида тузилган бўлиб, унинг сафларида 35 мингдан ортиқ аъзо бор. Унинг 14 аъзоси Олий Мажлис депутати. «Адолат» социал-демократик партияси 1995 йил февралда ташкил топган бўлиб, 30 мингдан ортиқ аъзо бор. Олий Мажлисда 47 депутатдан ташкил топган ўз фракциясига ега. «Ўзбекистон Миллий Тикланиш демократик партияси» 1995 йил июнда ташкил топган. Сафларида 6 мингга яқин аъзо бор. 1999 йил «Фидокорлар» миллий-демократик партияси ташкил топди. Шунингдек, Республикада 1995 йил июн ойида таъсис етилган «Халқ бирлиги» ҳаракати ҳам мавжуд. «Ватан тараққиёти» партияси ва «Миллий тикланиш» партияси бирлашди. 2004 йилда Ўзбекистон ишбилармонлар ва тадбиркорлар ҳаракати – Либерал-демократик партияси ташкил топди.

Бу партия ва ҳаракатларнинг ҳар бири жамиятда маълум қатламларнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий қарашларини ифодалайди. Улар парламент шаклидаги партиялар бўлиб, қонун чиқарувчи ва вакиллик органлари сайловларига иштирок етадилар ва қонун доирасида фаолият кўрсатадилар. Шунингдек, бу партиялар сайланган депутатлари орқали қонун чиқариш жараёнида иштирок етадилар.

Мамлакатимизда партия ва ҳаракатлардан ташқари 200га яқин касаба, тадбиркорлар, ёшлар, фахрийлар каби ижтимоий уюшмалар ҳам мавжуд. Булар орасида энг оммавий касаба уюшмалари бўлиб, таркибида 7,5 млн. аъзо бор. Ўзбекистон ҳаётида ёшларнинг ўрни беқиёсдир. 1991 йил охирида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тузилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 7 январ фармони билан иқтидорли ёшларни хориждаги илғор тараққий етган олийгоҳларда билим олишларини тайёрлаш, ташкил етиш учун «Умид» жавғармаси тузилди. Ҳозирги кунда 2300 жамоат бирлашмалари ва нодавлат ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда. Президент И.А.Каримов «бу ташкилотлар фақат хайрия ва муваққат муассасаларига айланиб қолмасдан, демократик қадриятларни, кишиларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини ва еркинликларини ҳимоя қилишлари керак», деб вазифа қўйди.

Ўзбекистон Республикаси 120дан ортиқ миллатлар ва елатларни бирлаштирган кўп миллатли давлат. Бугунги кунда республикада яшовчи ҳар бир фуқаро миллати, келиб чиқиши, дини ва ирқидан қатъи назар тенг ҳуқуқ ва имкониятларга ега. Айнан мана шу тамойил миллий сиёсатимизнинг асосини ташкил етади. Республикадаги барча миллатларни ривожланишига катта еътибор қаратилиб, уларнинг тили ва динини ҳурмат қилиш, миллий ва халқ анъаналарини сақлаш, еркин ва ҳар томонлама тараққиётини таъминлаш мақсадида 80 та миллий марказлар ташкил етилган. Буларнинг фаолиятини 1993 йил январида ташкил етилган Республика Байналмилал маданий маркази бошқариб боради. Республикамизда миллатлараро муносабатларда барқарорликка еришилган. Бу – Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг гаровидир. Миллат ва елатларга ўзаро ҳурматда бўлиш-жамият маънавий баркамоллигини белгисидир. Бу ҳолат давлатдаги миллий барқарорликдан

ташқари, бу барқарорликнинг янада мустаҳкамланиши учун замин яратади.

Ҳозирги босқичда жамиятнинг демократиялашувида «тўртинчи ҳокимият» - матбуотнинг аҳамияти каттадир. 1997 йил Республикамизда 8 тилда 495 та газета 1844,2 минг нусхада, 113 та журнал 820 минг нусхада нашр етилган. Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида ижтимоий-сиёсий жамғарма ташкил етилган. Республикамизда журналист кадрларни, айниқса, халқаро журналистларни тайёрлашга катта еътибор берилмоқда. Бу борада 1999 йил март ойида Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистонда журналист кадрларни тайёрлашни, Тошкент Давлат Университетининг журналистика факултети ва жаҳон тиллари университетида марказлаштирилиши катта аҳамият касб етади.

13-мавзу. Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ма`навий маданий тараққиёти МАъРУЗА ДАРСНИНГ ТЕХНОЛОГИК ХАРИТАСИ.

Асосий саволлар:

1. Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларнинг ўтказилиши

2. Давлат мулкини хусусийлаштириш ва бозор инфратузилмасининг шакллантирилиши

3. Аграр сектордаги ўзгаришлар

4. Мустақиллик йилларида маънавий ҳаёт

5. Миллий истиқлол мафкураси ва миллий истиқлол ғояси

6 Таълим тўғрисидаги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури

1-асосий савол: Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларнинг ўтказилиши

Ўзбекистон давлат мустақиллигига еришганидан кейин бозор муносабатларига ўтишнинг ўз йўлини ишлаб чиқди. Бу йўлнинг асосий қоидалари И.Каримовнинг «Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» номли асарида, республика парламентида қилган маъруза ва нутқларида, мамлакат парламенти қабул қилган қонунларда ўз аксини топган. Бу йўлга, биринчидан, халқаро тажриба асос қилиб олинган. Иккинчидан, республикамизнинг хўжалик имкониятлари ва шарт-шароитлари ҳисобга олинган. Учинчидан, бозор иқтисодиётига ўтиш йўлини белгилашда мамлакатимизнинг тарихан таркиб топган миллий қадриятлари, хусусиятлари, анъаналари ва манфаатлари ҳисобга олинди.

Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтиш йўлига доир Президент И.Каримов томонидан ишлаб чиқилган беш тамойил нафақат республика, балки жаҳон жамоатчилиги томонидан маъқулланди.

1. Иқтисодиёт сиёсий манфаатларга бўйсундирилмасдан, ўзига хос бўлган ички қонунлар асосида ривожланмоғи зарур. Иқтисодиёт сиёсатга нисбатан устувор мавқеида бўлиши лозим. На сиёсат, на мафкура иқтисодиётни

назорат қилиш, унга тазйиқ ўтказиш даражасига кўтарилмаслиги зарур. Ўзбекистонда «аввал иқтисод, кейин сиёсат», «аввал таом, кейин калом» деган ҳикматларга амал қилинди.

2. Бозор муносабатларига ўтиш даврида давлат бош ислоҳотчи бўлиши, иқтисодиёт ва ижтимоий турмушнинг ҳамма соҳаларини ўзгартириш режаларини тузиб, уни изчиллик билан амалга ошириши зарур.

3. Қонун ва қонунларга риоя етиш устувор бўлиши лозим. Негаки, бозор иқтисодиёти қонунчиликка таянади. Яхлит бозор тизимини яратиш учун унинг турли томонларига оид қонунлар яратилиши ҳамда уларга риоя қилиниши шарт. Қонуннинг устуворлиги ҳуқуқий давлат барпо етиш заруриятидан ҳам келиб чиқади. Қонун олдида ҳамма баробардир.

4. Аҳолининг демографик таркибини ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёсатни ўтказиш. Бунинг зарурияти иқтисодий аҳвол билан боғлиқ. Аҳоли таркибида давлат ва жамият ўз ҳимоясига олиши зарур бўлган болалар, ўсмирлар, қариялар кўпчиликни ташкил етади. Ҳимояга муҳтож қатламни кучли даражада ижтимоий ҳимоялаш чораларини кўриш зарурлиги инобатга олинди.

5. Бозор иқтисодиётига ўтиш еволюцион йўл билан, пухта ўйлаб, босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Бозор иқтисодиёти мураккаб тизим бўлиб, уни бирданига яратиб бўлмайди.

Иқтисодиётни тубдан ислоҳ қилиш, бозор муносабатларини шакллантиришда юқоридаги барча тамойиллар бирдай муҳим ва белгиловчи аҳамиятга егадир.

Ўзбекистонда туб иқтисодий ислоҳотлар орқали бозор муносабатлари шакллантирилмоқда. Мустақилликнинг ўтган 14 йилида кишилар турмуши ва фаолияти учун зарур бўлган шарт-шароитларни таъминлайдиган кучли ва мунтазам ривожланиб борувчи иқтисодий тизим барпо етилмоқда. Кўп укладли иқтисодиётнинг, тадбиркорликнинг ҳар томонлама ўсиши учун асос бўлган хусусий мулкчилик вужудга келтирилди. Корхона ва фуқароларга кенг иқтисодий еркинликлар берилмоқда. Моддий ва меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш, жаҳон иқтисодиётига интеграциялаб бориш, кишилар дунёқарашини ўзгартириш, уларда янгича иқтисодий тафаккурни шакллантиришга аҳамият берилмоқда.

Бозор ислоҳотларини босқичма-босқич амалга ошириш Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг негизини ташкил етади. Бугунги кунда Ўзбекистон иқтисодий мустақиллигининг ҳуқуқий негизлари яратилди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида хусусий мулкчиликни ва кўп укладли иқтисодиётни шакллантирувчи қонунлар мажмуаси яратилди: мулк тўғрисида, йер тўғрисида, ижара тўғрисида, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш тўғрисида ва бошқа бир қатор қонунлар қабул қилинди. Бозор инфратузилмасини яратувчи ва унинг фаолиятини тартибга солиб турувчи банклар фаолияти тўғрисида, пул тизими тўғрисида, тадбиркорлик тўғрисида каби қонунлар қабул қилинди. Бундан ташқари, ташқи иқтисодий фаолиятни белгилаб берувчи ҳуқуқий меъёрлар яратилди. Республика иқтисодиётига

хорижий инвестициялар кенг жалб қилинмоқда.

2-асосий савол: Давлат мулкини хусусийлаштириш ва бозор инфратузилмасини шакллантирилиши

2-савол баёни:

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш иқтисодий ислоҳотларда йетакчи ўринда турди. Хусусийлаштириш жараёнини ташкил етиш ва унга раҳбарлик қилиш учун 1992 йил февралида Давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш Давлат қўмитаси таъсис етилди. 1994 йилда унинг функциялари ўзгартирилиб, у Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитасига айлантирилди. Мазкур қўмита зиммасига кўп укладли иқтисодиётни шакллантиришда ягона сиёсатни амалга ошириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, мулкни давлат тасарруфидан чиқаришнинг устувор ё`налишларини белгилаш ва хусусийлаштириш дастурини ишлаб чиқиш, хусусий бизнеснинг ривожланишига ёрдам кўрсатиш ва бошқа вазифалар киритилди. Хусусийлаштириш танлов ва ким ошди савдоси орқали амалга оширилди. Ўзбекистонда хусусийлаштиришдан тушган барча маблағлар тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун берилди. Давлат бош ислоҳотчи сифатида хусусийлаштиришни бошқариб борди. Давлат мол-мулкни янги мулкдорларга сотиш йўли билан мулкчиликнинг янги шаклларини жорий этди. «Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонун ЎзР Олий Кенгашининг 1991 йил 18 ноябрдаги ВИИИ сессиясида қабул қилинди. Унга кўра хусусийлаштириш ва мулкчилик шаклларини ўзгартириш махсус дастурлар асосида амалга оширилиши белгилаб қўйилди.

Дастурга асосан дастлабки босқичда хусусийлаштириш жараёни умумий уй-жой фондини, савдо, маҳаллий саноат, хизмат кўрсатиш корхоналари ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш тизимини қамраб олди. Бу «кичик хусусийлаштириш» деб ном олиб, 1994 йилда тугалланди. 1992-94 йилларда 54 мингга яқин корхона ва объйект давлат тасарруфидан чиқарилиб, хусусий фирма, акциядорлик жамияти, ижара корхоналарига айланди. Уй-жойлар хусусийлаштирилиб, уруш фахрийлари, ўқитувчилар, тиббиёт ходимларига бепул берилди.

1994 йил 21 январда қабул қилинган «Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 1994 йил 16 мартда қабул қилинган «Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини янада ривожлантиришнинг устувор ё`налишлари тўғрисида»ги Президент Фармонлари бу жараённи янги поғонага кўтарди. Бу қарорларга мувофиқ очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятларини ташкил етиш, хорижий инвесторларни кенг жалб қилиш вазифаси қўйилди. Қимматли қоғозлар ва кўчмас мулк биржаларини ташкил етиш учун асос яратилди.

1995 йилдан бошлаб оммавий хусусийлаштириш даври бошланди. Йирик корхоналар ҳам давлат ихтиёридан чиқарила бошланди. 1000дан ортиқ очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятлари, 6 мингта хусусий ва оилавий корхоналар

вужудга келди. Мамлакатда кўп укладли иқтисодиёт ва ўрта мулкдорлар синфи вужудга келди.

1996 йил 12 мартда тадбиркорликни ривожлантириш, қўлллаб-қувватлаш мақсадида турли жамғармалар тузилди. Кейинги йилларда республикамизда кўплаб қўшма корхоналар вужудга келиб, хорижий инвестициялар кенг жалб қилинмоқда.

Бозор муносабатлари бозор инфратузилмасисиз амал қила олмайди. Бозор инфратузилмаси деганда товар ва пул бозорида, меҳнат ресурслари бозорида хўжалик юритувчи субъйектлар ўртасида ўзаро алоқани таъминловчи иқтисодий воситалар – тегишли молия ва банк-кредит тизими, суғурта, аудиторлик, юридик ва хусусий фирмалар тизими тушунилади. Бозор инфратузилмасини шакллантириш жараёни одамларнинг янгича иқтисодий тафаккурини шакллантириш, мутахассис кадрлар тайёрлаш кабилар билан ҳам боғлиқ.

Ўзбекистонда бозор инфратузилмасини шакллантиришдаги муҳим қадамлардан бири маҳсулот йетказиб беришга мажбурий давлат буюртмасининг тугатилиши бўлди. Давлат буюртмаси зарур маҳсулотлар еркин, келишилган нархларда харид қилиш билан алмаштирилди. Товар бозорини шакллантирувчи биржалар тизими ташкил етилди.

Оммавий хусусийлаштириш амалга оширилаётган бир пайтда малакасиз кишиларгагина емас, маълум ихтисосга ега бўлган ходимларга ҳам талаб чекланди, ишсизлар сони кўпайди. Меҳнат биржалари ташкил етилиб, ишсизлар рўйхатга олинди ва иш билан таъминланиб келинмоқда.

1991 йил 15 февралда қабул қилинган «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонун банк соҳасини ислоҳ қилиш йўлларини белгилаб берди. Республикада тижорат ва хусусий банк тармоқлари вужудга келди. Мамлакатимизда амалга оширилган муҳим тадбирлардан бири пул муомаласини мустаҳкамлаш, валюта муносабатларини тартибга солиш бўлди. 1994 йил 1 июлдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг пул бирлиги – сўм муомалага киритилди. Солиқ сиёсатини такомиллаштиришга қаратилган чоралар муҳим рол ўйнади. Солиқлар – хазинани тўлдирувчи асосий манбадир. Мамлакатимизда солиқ тизими жаҳон андозалари даражасига кўтарилмоқда.

Янги мингйиллик бошларида Ўзбекистонда иқтисодиётни еркинлаштириш ишлари жадал давом еттирилди, банк-молия тизими, хусусийлаштириш, тадбиркорликни ривожлантиришда бир қатор муваффақиятларга еришилди.

3-асосий савол: Аграр сектордаги ўзгаришлар

3-савол баёни:

Қишлоқда туб ислоҳотлар ўтказишнинг бир неча ўзига хос омиллари мавжуд. Қишлоқ хўжалигини сифат жиҳатидан янги асосларда қайта тикламасдан туриб, мамлакатда иқтисодий ислоҳотлар самарадорлигига еришиш қийин. Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг 60 фоизи қишлоқда истиқомат қилади. Қишлоқда катта ишчи кучи потенциали жойлашган.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадида мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалиги мажмуига раҳбарликни яхшилаш, аграр ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосини яратиш чоралари кўрилди. 1991 йил 21 декабрда қабул қилинган «Деҳқон (фермер) хўжаликларини янада мустаҳкамлаш ва тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармон қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини замон талаблари асосида ташкил қилишга катта аҳамиятга ега бўлди. Вазирлар Маҳкамаси томонидан қишлоқда ислоҳотлар ўтказишга доир ўнлаб қарор қабул қилинди.

1996 йил 3 апрелда Президент томонидан имзоланган «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармон қишлоқда ислоҳотларни яуқурлаштиришга қаратилган қатор тадбирларни белгилаб берди. Одамларга шахсий томорқа учун қўшимча равишда суғориладиган йерлар ажратилди. Деҳқон-фермен хўжаликларини шакллантиришга алоҳида еътибор берилмоқда. Фермер хўжаликлари нафақат пахта, балки полиз, сабзавот, дон маҳсулотлари, чорвачилик маҳсулотлари йетиштиришда салмоқли ўрин эгаллади. Республикада дон мустақиллигига еришиш, шакар ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлашни тиклаш изчиллик билан амалга оширилди. Қишлоқ аҳолисининг турмуш шароитларини яхшилаш мақсадида янги врачлик пунктлари ишга туширилди, аҳолини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш борасида катта ишлар қилинди. Меҳнатга яроқли аҳолининг меҳнат билан банд қилишга еътибор кучайтирилди.

Ўзбекистонда қишлоқни ҳар томонлама ривожлантиришга, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига ислоҳотларни чуқурлаштириш, моддий базаси ва молиявий аҳволини мустаҳкамлаш борасида ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётини қарор топтириш ва уни ривожлантиришнинг бош мақсади аҳолига муносиб турмуш шароитини яратиш ва фаровон ҳаёт кечиришини янги сифат даражасига кўтаришга қаратилган, зеро иқтисодиётнинг ижтимоийлиги ҳам мана шунда. Инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, унинг даромад топиш имкониятларини тўлақонли рўёбга чиқариш учун йетарлича шарт-шароитлар ҳозирлаш зарур бўлмоқда. Натижада ишлаб чиқаришни истеъмолчилар талабини қондиришга, унинг ижтимоийлигини таъминлашга, инсон салоҳиятини тўлиқ ишлатишга, ҳомийлар томонидан кўрсатилган шахсий ташаббускорликни иқтисодий рағбатлантиришга еришилади.

Шу ўринда Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимда қилган маърузасида "давлат қурилиши ва унинг тараққиёти, жамиятимизниг демократик янгиланиши, иқтисодиётимизни ривожлантириш ва еркинлаштириш, маънавий-маърифий ишлар билан боғлиқ бўлган, қисқача айтганда, олдимизда турган барча муаммо ва вазифаларни йечишда "Ислоҳот ислоҳот учун емас, аввало инсон учун, инсон манфаатларини таъминлаш учун" - деган теран маъноли фикрнинг мағзини очиб берар екан, "...содда

қилиб айтганда, бугун қайси соҳани олмайлик - бу пахта ёки ғалла йетиштириш бўладими, ижтимоий ҳаётимиз ёки янги-янги қурилишлар, шаҳар ва қишлоқларимизни ободонлаштириш бўладими - нимаики иш қилмасак, уларнинг ҳаммаси охир-оқибатда инсон учун, шу юртда яшаётган одамлар учун қилинаётганлигини кўриш қийин емас", - деб таъкидлади.

Дарҳақиқат, агар биз мустақилик йилларида еришган натижа ва ютуқларимизга бир назар ташласак, қилинган барча ишлар ва туб ўзгартиришлар, авваламбор, инсон учун, унинг манфаатларини кўзлаб, унинг учун муносиб турмуш шароитларнии яратиш мақсадида амалга оширилганлигига шоҳид бўламиз. Ҳозирги даврда иқтисодиётимизнинг тез суръатлар билан ўсиб бораётганлиги бу борада катта ютуқларга еришганимиздан далолат беради.

Мустақиллик йилларида еришган ютуқларимизнинг қадр-қимматини ҳис етиш учун орқага бир назар ташлаш лозим бўлади. Собиқ тоталитар тузумдан бизга мўрт, заиф, бирёқлама ривожланган, хом-ашёга ихтисослашган, пахта яккаҳокимлигига асосланган иқтисодиёт мерос бўлиб қолган эди. Шу боисдан ХХ асрнинг 90-йилларининг бошларида Ўзбекистон ҳар киши бошига ялпи ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича мамлакатда 12-ўринда турган эди. Аҳоли жон бошига миллий даромад ишлаб чиқариш бўйича эса Иттифоқдаги ўртача даражадан икки ҳисса, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш бўйича 2,5 баробар паст даражада эди. Ўзбекистон аҳолиси ўрта ҳисобда гўшт маҳсулотларини, сут ва сут маҳсулотларини, тухумни умуман Собиқ Иттифоқ аҳолисига нисбатан икки баробар кам истеъмол қиларди. Расмий камбағаллик чегарасидан паст даражада ялпи даромад топадиган аҳолининг улуши мамлакатда 12 фоиздан сал кўпроқ бўлса, бизнинг республикамизда 45 фоизни ташкил етарди. 1 миллионга яқин киши ижтимоий ишлаб чиқаришда ўзининг қўлидан келадиган ишни топа олмасди. Шунингдек, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, мактабгача таълим муассасалари жуда оғир аҳволга тушиб қолган эди. Бу иқтисодиёт собиқ иттифоқнинг сўнгги йилларида таназзулга учраб, иқтисодий ўсиш суръатлари пасайиб борди. Собиқ иттифоқнинг тарқаб кетиши туфайли республикалар ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг бузилиши ХХ аср 90-йилларининг бошида ишлаб чиқариш ҳажмлари кескин камайиб кетишига олиб келди.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар шароитида кам таъминланган аҳоли қатламларини, моддий ёрдамга муҳтож кишиларни ижтимоий ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг муҳим ё`налиши ҳисобланади.

Ўзбекистонда дунёвий давлат тизими амал қилиб, инсонлараро меҳр-мурувват муносабатлари, инсонпарварлик ғоялари, умуминсоний қадриятлар давлат ижтимоий сиёсатининг тамойиллари сифатида асос қилиб олинган. Шунинг учун ҳам ижтимоий ё`налтирилган бозор иқтисодиётининг асосий тамойилларидан бири “демография соҳасидаги реал аҳволни, аҳолининг мавжуд турмуш даражасини ҳисобга олган ҳолда бозор муносабатларига ўтиш билан бир қаторда, одамларни ижтимоий ҳимоялаш соҳасида кучли чора-тадбирларни олдиндан амалга ошириш” ҳисобланади.

Кам таъминланган аҳолини мақсадли, ишончли ижтимоий ҳимоялаш учун авваламбор, аниқ еҳтиёжлардан ва имкониятлардан келиб чиққан ҳолда муҳтож оилаларга субсидия, микрокредитлар бериш, уларга микрофирма, кичик корхона, фермер ва деҳқон хўжаликларини ташкил етиши учун шароитлар яратилмоқда.

Меҳнат фаолияти билан шуғулланиш имкониятига ега бўлмаган ижтимоий ёрдамга муҳтож оилаларга кўрсатиладиган кўмакнинг самарадорлигини ошириш учун давлат маблағлари билан бир қаторда, меҳнат жамоалари, жамоат ва ҳайрия ташкилотлари жамғармаларининг маблағларини кенг жалб қилиш назарда тутилмоқда. Кишиларнинг ҳайр-еҳсонлари асосида нодавлат суғурта, хайрия фондларининг ташкил етилиши ҳамда уларни кам таъминланган аҳоли қатламларини ижтимоий ҳимоя қилишга, турли ижтимоий дастурлари амалга оширишга ё`налтириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Давлат турли солиқ, кредит имтиёзлари тизимини яратиш орқали фуқароларнинг, жамоат ташкилотлари ҳамда хўжалик субъектларининг ҳомийлик, хайрия ишларига маблағлар ажратишларини рағбатлантириш чора-тадбирларини кучайтириши ҳам мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун иқтисодий ўсиш суръатларини янада ошириш, иқтисодиёт соҳаларини ривожлантириш лозим бўлади. Ижтимоий-иқтисодий ривожланишга еришиш учун:

- инвестицияларнинг юқори ўсиш суръатларини таъминлашда хусусий капиталнинг йетишмаслиги;
- ички бозорни ривожлантиришни таъминлашда аҳолининг тўлов қобилияти йетишмаслиги;
- иқтисодда монопол мавқенинг баландлиги рақобатни ва хусусий бизнесни ривожлантиришдаги тўсиқ еканлиги;
- хусусий секторнинг ривожланишида баъзи тўсиқларнинг сақланиб қолганлиги, қонуний иш олиб бораётган ишлаб чиқарувчиларга солиқ юкининг юқорилиги;
- ташқи савдонинг еркинлаштирилиши тугалланмаганлиги;
- банк соҳасидаги ислоҳотларнинг тугалланмаганлиги ва пул муомаласидаги камчиликларни ҳал етиш керак бўлади.

Иқтисодий ўсиш суръатларининг ошиб бориши билан халқ турмуш даражаси ҳам ўсиб боради, унинг саломатлигини мустаҳкамлашга, кам таъминланган аҳолини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган ижтимоий дастурларни амалга ошириш имкониятлари кенгайиб боради. энг муҳим инсонлараро меҳр-мурувват ва оқибатлилик кучайиши учун замин яратилади.

4-асосий савол: Мустақиллик йилларида маънавий ҳаёт

4-савол баёни:

Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш билан бир вақтда маънавий меросимизни, маданий қадриятларимизни тиклаш ва уларни халқимизга йетказиш борасида кенг кўламда фаолият кўрсатмоқда.

Республика Президенти И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек, маънавиятнинг моҳияти шунчалик кенгки, уни ўлчаб ҳам, поёнига йетказиб ҳам бўлмайди. У инсон учун бутун бир оламдир.

Жамиятимиз ҳаётида маънавий камолотни тезлаштириш, миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш, миллий қадриятларни ўрганиш мустақилликни мустаҳкамлашнинг асосий вазифаларидан биридир. Ҳаётимизда маънавий камолотни ривожлантириш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда аждодларимизнинг бизгача йетиб келган бой маданий меросини ўрганиш ҳам катта ўрин эгаллайди. Миллий ва диний қадриятлар, урф-одатлар, буюк ота-боболаримиз қолдирган маънавий меросни ўрганиш ва тарғиб етиш учун кенг имкониятлар яратилди. Бу борадаги тадбирлар мустақилликнинг дастлабки кунларидан амалга оширилмоқда. Жумладан, 1991 йили буюк аллома, ғазал мулкининг султони Алишер Навоий юбилейини ўтказиш катта воқеа бўлди. Шоирнинг асарлари нашрдан чиқарилди. 1994 йили Мирзо Улуғбек таваллуд топган куннинг 600 йиллиги кенг кўламда, жаҳон миқёсида нишонланди. ЙУНЕСКОнинг Париждаги қароргоҳида юбилейга бағишланган ҳафталик ва кўргазма очилди.

Амир Темурнинг 660 йиллиги 1996 йилда нишонланди. ЙУНЕСКО томонидан 1996 йил – Амир Темур йили деб еълон қилинди. Мамлакатимизда Темур ва темурийлар тарихи музейи очилди, Амир Темурга ҳайкаллар барпо етилди, унинг номи боғларга, хўжаликларга, кўчаларга берилди.

Республикамизда бизгача йетиб келган бой меросни ўрганиш, миллий ўзликни англаш, маънавий қадриятларни ривожлантиришга кенг кўламда еътибор берилмоқда. Ислом оламининг алломалари Исо ат-Термизий, Маҳмуд аз-Замахшарий, Нажмиддин Кубро, Нақшбандий, Имом ал-Бухорий, Мотуридий, Марғиноний кабиларнинг тўёналари кенг кўламда нишонланиб, уларга бағишлаб ҳайкаллар қўйилди, асарлари чоп етилди. Бундан ташқари халқ қаҳрамонларимизнинг тўёналари ҳам ўтказилди. Жумладан Жалолиддин Мангубердининг 800 йиллиги, «Алпомиш» достони яратилишининг 1000 йиллиги катта тантаналар билан нишонланди.

Маънавий ҳаётни такомиллаштириш борасида 1994 йили ЎзР Президенти томонидан «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказини тузиш ҳақида фармон еълон қилинди. Марказ томонидан Имом ал-Бухорий юбилейига бағишлаб «Ал-жомеъ ас-саҳиҳ» (Ишонарли тўплам) ва «Ал-адаб ал-муфрад» (Адаб дурдоналари) ўзбек тилида нашр етилди.

1998 йилда Имом ал-Бухорий 1225 йиллиги, Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллиги нишонланди. Буларнинг барчаси Ўзбекистонда чинакам миллий қадриятларни тиклаш учун юритилаёттган катта ишлардан далолат беради.

Маънавий тақдриятларнинг тикланиши унинг бир бўлаги бўлган диний қадриятларга ҳам еътиборни кучайтирди. 1992 йил Президент Фармони билан Рамазон ва Қурбон ҳайитлари умумхалқ байрами деб еълон қилинди. Муборак Ҳаж сафари тикланди. «Мовароуннаҳр» диний бошқармасининг фаолияти республикамиз ҳаётида ўз ўрнини эгаллади. Халқининг асрлар

давомида нишонланиб келган «Наврўз» байрами умумхалқ байрами сифатида қайта тикланди.

Жамият тараққиётида рўй бераётган ўзгаришларни тушуниш, ҳур фикрликка интилиш учун кишиларни янги йўлдан олиб борувчи ғоявий қарашлар ҳам ҳозирги куннинг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

5-асосий савол: Миллий истиқлол мафкураси ва миллий истиқлол ғояси

5-савол баёни:

Жамиятимизда сиёсий мустақилликка еришиб, иқтисодий, маданий-маърифий ишлар амалга оширилаётган бири вақтда кишилар онгида мустақиллик ғояси, миллий мафкура муҳим ўрин олиши зарур эди. Бусиз, яъни фикрлаш, еътиқод ўзгармасдан бозор муносабатларига ўтиш даврида сиёсий-иқтисодий барқарорлик мустаҳкам бўлиши қийин вазифа бўларди. И.А.Каримов миллий истиқлол мафкурасига таъриф бериб, унинг «асл маъноси ескича ақидалардан холи бўлган, мустақил ва янгича фикрловчи кишиларни тарбиялашдан иборат» дейди. Мустақиллик ғояси ва миллий мафкуранинг халқимизга тўғри йўл кўрсатувчи, уни бирлаштирувчи, буюк мақсад учун бутун кучларини уйғунлаштирувчи аҳамиятини назарда тутиб, Президент И.Каримов 1993 йил 6 май ЎзР Олий Кенгашининг 2 чақириқ ХИИ сессиясида «олдимизда турган энг муҳим мақсад бу – миллий истиқлол мафкурасини яратиш ва ҳаётимизга татбиқ етишдир»деган эди. Кишиларимизни қайси тоифа ва гуруҳдан бўлишидан қатъи назар маънавий инқироздан чиқарадиган ягона миллий ғоя атрофида бирлаштирадиган бирданқбир қудратли куч миллий мустақиллик мафкураси бўлди.

Ягона мақсад, ягона ғоя бўлмаса жамият инқирозга учрайди. Буни биз яқин ва олис тарихдан биламиз. Миллий мафкура келажак мақсадни ифодалайдиган, халқимизнинг минг йиллик тарихини буюк келажак билан боғлайдиган, ана шу буюк мақсад йўлида кишиларимизни бирлаштирувчи байроқ вазифасини бажаради.

Ўзбекистон жамиятининг миллий истиқлол мафкураси, ўз моҳиятига кўра, халқимизнинг асосий мақсад-муддаоларини ифодалай диган, унинг ўтмиши ива келажагини бир-бири билан боғлайдиган, асрий орзу-истакларини амалга оширишга хизмат қиладиган ғоялар тизимидир.

Миллий истиқлолимизнинг асосий ғоялари халқимиз мустақил тараққиёт йўлидаги бош ғоясидан келиб чиқади. Ўзбекистон халқининг миллий тараққиёт йўлидаги бош ғояси – мустақилликни мустаҳкамлаш, озод ва обод Ватан, еркин ва фаровон ҳаёт барпо етишдир. Миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғоялари: Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро ҳамжиҳатлик, диний бағрикенгликдир.

Бугунги кунда миллий истиқлол ғоясини кенг халқ оммаси онгига сингдириш борасида қатор тадбирлар юштирилмоқда. Бу борада зиёлиларимизнинг ўрни каттадир, чунки айнан улар миллий мафкурамизнинг, миллий истиқлол ғоясининг фаол ташви`отчи ва тарғиботчиларидир.

6-асосий савол: Таълим тўғрисидаги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури

6-савол баёни:

Истиқлол йўлида қадам ташлаб бораётган Ватанимиздаги мавжуд маънавий, маданий омилларга еътибор бериш билан бирга фан, маориф, таълим-тарбия ишларига ҳам еътибор кучайтирилди.

Республикамизда таълимнинг янги тизимини амалга оширишда, Ўзбекистон ҳукумати тарихимиздаги таълим жараёнларини ўрганиб чиқиб, таълимни ислоҳ қилиш дастурини тайёрлади. Барча еътибор таълим тизимларини демократик ва инсонпарварлик тамойиллари асосида такомиллаштириб, унинг моддий техника базасини, замон ва давр талаблари даражасига кўтариш ва Ўзбекистоннинг маърифий салоҳиятини кучайтиришга қаратилди. Шу мақсадда 1997 йил 29 августда Республикамизда «Таълим тўғрисидаги қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» қабул қилинди.

Таълимни ислоҳ қилиш қуйидаги тамойиллар асосида олиб борилади:

- таълим-тарбиянинг инсонпарварлиги ва демократиявийлиги;
- таълим тизимининг узлуксизлиги, изчиллиги, илмийлиги ва дунёвийлиги;
- таълимда умуминсоний, миллий-маданий ва маънавий қадриятларнинг устуворлиги;
- еътиқоди, динидан қатъи назар барча фуқаролар учун таълим олиш имкониятлари яратилганлиги;
- таълим муассасаларининг сиёсий партиялар ва ҳаракатлар таъсиридан холилиги.

Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур ҳар бир шахс ҳамда давлат ва жамият манфаатлари иқтисодий холат ва унинг рақобатбардошлиги билан боғлиқ бир қатор муаммоларни ечишга, ҳал қилишга ё`налтирилган. «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур тўғрисида»ги Қонуни ҳақида Президент И.Каримов ЎзР Олий Мажлисининг 9 сессиясида бу қонун «Мустақиллигимизнинг бугунги ва ертанги ҳаётимизнинг кафолати ҳисобланади», деган эди. Миллий дастурнинг мақсад ва вазифалари, уларнинг асосланганлиги, муҳимлиги ва муаммоларни ҳал қилиш йўллари мустаҳкам илмий фундаментга таянади.

Биринчидан, Миллий дастур негизида тизимли ёндашув етади. Рақобатбардош кадрлар тайёрлаш муаммоси ва уни ҳал қилиш яхлит бир система кадрлар тайёрлаш тизимининг самарали ишлашга таъсир кўрсатувчи ўзаро боғланган барча омоллар бўйича кўриб чиқилади.

1. Таълим-тарбия ё`налишлари:

- кадрлар тайёрлаш сифати ва кадрлар рақобатбардошлиги;
- маънавият ва маърифат;
- профессионал таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси;
- иқтидорли болалар ва истеъдодли ёшлар;
- кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

- илмий-педагогик кадрлар;
- қишлоқ мактабларини ривожлантириш;
2. Информацион ё`налиш:
- ахборот технологияси ва таълимни информатизациялаш;
- ўқув жараёнини ахборотлар билан таъминлаш ва XXI аср кутубхонаси;
- олий профессионал таълим холатини бахолаш ва кадрлар тайёрлашни башорат қилиш тизими;
3. Ижтимоий ё`налиш:
- болалар ва ўқувчи ёшлар саломатлиги мухофазаси;
- махсус таълим: алоҳида нуқсоний тарбия ва таълим;
- ижтимоий ҳимоя.

Иккинчидан, рақобатбардош кадрларни тайёрлаш вазифасини ҳал қилиш профессионал таълимнинг ҳамма босқич ва табақалари учун, халқаро моделлар ва меёрлар асосида яратиладиган илмий асосланган, илғор таълим стандартлари комплексига таянади.

Учинчидан, миллий дастурда кўзлаган режаларни амалга ошириш негизида ислоҳотларни ўтказиш ўзбек моделининг энг асосий тамойили ислоҳотларни босқичма-босқич ўтказиш принципи ётади.

Иқтидорли ўқувчи ёшларни қўллаб-қувватлаш бўйича мақсадли давлат сиёсати амалга оширилмоқда.

1 босқичда 1997-2001 йиллар амалдаги кадрлар тайёрлашдаги тизими салоҳиятларини сақлаган ҳолда бор тизимнингш ривожланиши учун ҳуқуқий, меъёрий, илмий-методик ва молиявий моддий шарт-шароитларни яратиш билан боғлиқ бўлган вазифалар мажмуаси ҳал қилинди.

2 босқичда 2001-2005 йиллар режалаштирилган масалалар бўйича Миллий дастур деярли тўла амалга оширилди.

3 босқичда 2005 йилдан кейинги йиллар XXI аср рақобатбардош кадрларни тайёрлашнинг ялпи тизимини тараққий еттириш ва такомиллаштириш назарда тутилади.

Миллий дастурнинг биринчи ва иккинчи босқичини амалда бажарилиши ЎзРнинг мустақиллик йилларида еришган интелектуал ва моддий, илмий-методик, меъёрий ва ҳуқуқий потенциаллари, шунингдек, хорижий мамлакатларнинг таълим ва фан, техника ва технология, иқтисодиёт ва маданият соҳаларидаги ютуқларга таянди. Олий таълим соҳасидаги марказдан белгилаш ўрнига кадрлар тайёрлашнинг минтақавий демократик принципларига амал қилиш сиёсати ўтказилмоқда. Олий ўқув юртлари кўпаймоқда. Рейтинг тизими ва тест усули асосида абитуриент ва талабаларнинг билимдонлигини холисона баҳолаш усуллари жорий қилинди.

Илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлашга катта еътибор берилмоқда. Янги талабларга мувофиқ равишда аспирантура ва докторантурада кадрлар тайёрлашга кенг йўл очилди. Олий аттестация хайъати фаоллик кўрсатаяпти. Иқтидорли ўқувчи ёшларни қўллаб-қувватлаш бўйича мақсадли давлат сиёсати амалга ошириляпти. Махсус фондлар яратилди ва қобилиятли ёшларни хориждаги етакчи ўқув ва илмий марказларда ўқитиш ташкил

қилинди. ЎзР Президентининг давлат стипендиялари, буюк алломалар номи билан аталган стипендиялар жорий қилинди.

Ўқув таълим ва фан соҳаларида халқаро алоқалар кенгаймоқда. Бир қатор нуфузли халқаро ташкилотлар билан яқин муносабатлар ўрнатилмоқда. Таълим соҳасидаги хукуматлараро битимлар тузилган. Таълим жараёнининг мазмунига оид муаммолар сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилмоқда. Ўқув дастурлари, режаларига ўсиб келаётган авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, одамийлик аломатлари кириб бормоқда. Гуманитар ижтимоий иқтисодий фанлар туркуми бутунлай янгидан кўриб чиқилмоқда. Таълимнинг барча табақаларига маънавият, иқтисод, чет тилларини ўрганишга катта аҳамият берилмоқда.

14-мавзу. Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти

Асосий саволлар:

1. Тинчликсевар ташқи сиёсат асосларининг ишлаб чиқилиши, унинг асосий тамойиллари.
2. Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлиги.
3. Ўзбекистон ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги.

1-асосий савол: Тинчликсевар ташқи сиёсат асосларининг ишлаб чиқилиши, унинг асосий тамойиллари.

1-савол баёни:

Мустақил Ўзбекистон халқаро алоқаларни йўлга қўйиши нуқтаи назаридан ва ўз тараққиёт истиқболлари учун қулай географик-стратегик аҳамиятга ега. Марказий Осиёда геосиёсий жиҳатдан марказий ўрин тутган Ўзбекистоннинг ушбу минтақада кучлар нисбати ва мувозанатини сақлаш, барқарорликни таъминлаш, ҳамкорликни мустаҳкамлаш имкониятлари бор.

Мустақилликнинг дастлабки кунларидан Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига мос келадиган пухта ташқи сиёсий йўлини белгилаш, жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш, хорижий мамлакатлар билан сиёсий, дипломатик, иқтисодий, илмий-техникавий, маданий алоқалар ўрнатиш масалалари долзарб вазифалар деб белгиланди. Чунки иттифоқ даврида Ўзбекистон ташқи дунёдан ажралган, тўғридан-тўғри алоқа қила олмайдиган ёпиқ мамлакат бўлиб, ташқи сиёсат юритиш тажрибасига ҳамда бу соҳадаги кадрларга ега емас эди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17-моддасида мамлакатимиз ташқи сиёсати қоидалари қонунлаштирилди. Бу қоидалар «ЎзР ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида»ги, «Хорижий инвесторлар ва инвестицияларга кафолат бериш тўғрисида»ги, «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги каби хужжатларда асослаб берилди. Ўзбекистон Президенти И.Каримовнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 48

(1993) ва 5-юбилей (1995) сессияларидаги нутқларида мустақил Ўзбекистон ташқи сиёсатининг бош ё`налишлари белгилаб берилди. Ўзбекистон ҳукуматининг республика ташқи сиёсатидаги асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

- мафкуравий қарашлардан қатъий назар ҳамкорлик учун очиқлик, умуминсоний қадриятларга, тинчлик ва хавфсизликни сақлашга содиқлик;
- давлатларнинг суверен тенглиги ва чегаралар дахлсизлигини ҳурмат қилиш;
- бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик;
- низомларни тинч йўл билан ҳал қилиш;
- куч ишлатмаслик ва куч билан таҳдид қилмаслик;
- инсон ҳуқуқлари ва еркинликларини ҳурматлаш;
- ички миллий қонунлар ва ҳуқуқий нормалардан халқаро ҳуқуқнинг умумеътироф етилган қоидалари ва нормаларининг устуворлиги;
- давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиш, ҳамдўстликларга кириш ва улардан ажралиб чиқиш;
- тажовузкор ҳарбий блокларга ва уюшмаларга кирмаслик;
- давлатлараро алоқаларда тенг ҳуқуқлик ва ўзаро манфаатдорлик, давлат миллий манфаатларнинг устунлиги;
- ташқи алоқаларни ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама келишувлар асосида ривожлантириш, бир давлат билан яқинлашиш ҳисобига бошқасидан узоқлашмаслик.

Ташқи сиёсатдаги очиқ-ойдинлик, тенг ҳуқуқлилик, демократик тамойилларига содиқлик, умуминсоний қадриятларни улуғлаш, республика ижтимоий ҳаётидаги демократик жараёнга таъсир қилиш билан бирга Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамиятида мавқеини ҳам ошириб бормоқда.

2-асосий савол: Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлиги.

2-савол баёни:

Мамлакатимизнинг жаҳон халқлари тинчлиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлашга қаратилган тинчликсевар ташқи сиёсати унинг жаҳон миқёсида мустақил давлат сифатида тан олинишини таъминлади. Ўзбекистон Республикаси давлат суверенитети дунёдаги кўплаб мамлакатлар томонидан тан олинди, уларнинг барчаси билан дипломатик, иқтисодий, илмий-техникавий, маданий алоқалар ўрнатилди ва ўрнатилмоқда. Тошкентда 40 дан ортиқ мамлакатнинг елчихоналари очилди. Ўзбекистонда 90 дан ортиқ хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон жаҳон иқтисодиётига интеграциялашиш йўлидан бориб, Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди, Халқаро молия корпорацияси, Иқтисодий тараққиётга кўмаклашувчи ташкилот ва бошқа молиявий ташкилотларга аъзо бўлиб кирди ва улар билан ҳамкорлик қилмоқда. Шу

билан бирга Ўзбекистон БМТ доирасидаги ихтисослашган муассасалар – Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Халқаро Меҳнат ташкилоти, Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти, БМТнинг болалар фонди, Халқаро почта иттифоқи, Електр алоқаси бўйича халқаро иттифоқ, Жаҳон метеорология ташкилоти, Халқаро олимпиада қўмитаси ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилмоқда.Уларнинг вакиллик ташкилотлари республикамизда очилиб, фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон кўпгина минтақавий ташкилотлар, чунончи Йевропа Иттифоқи, НАТО, ЕКО, Ислом конференцияси ташкилоти, Қўшилмаслик ҳаракати ва бошқалар билан ҳам самарали ҳамкорлик қилмоқда.

Ўзбекистон ўзининг ташқи сиёсатида Ғарбий ва Шарқий Йевропа, Америка, Тинч океан ҳавзаси, Узоқ ва Яқин Шарқ мамлакатлари, АҚШ билан кўп томонлама ва икки томонлама алоқаларни ривожлантиришга катта аҳамият бермоқда. Ташқи иқтисодий алоқаларда республикамиз иқтисодиётига хорижий сармояларни жалб етишга алоҳида еътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида инвестицияларга кўмаклашиш муассасалари – чет ел инвестициялари бўйича агентлик, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Лизинг компанияси ташкил етилди.Хорижий инвестициялар ёрдами Ўзбекистонда кўплаб қўшма корхоналар барпо етилиб, фаолият кўрсатмоқда. Жумладан АҚШнинг «Нюмонт Майнинг» компанияси билан ҳамкорликда олтин қазиб олинадиган «Зарафшон-Нюмонт» қўшма корхонаси, Жанубий Корея сармоядорлари билан «ЎзДЕУавто», «ЎзДЕУелектроникс» қўшма корхоналари фаолият юритмоқда. Германия, Туркия, Хитой ва бошқа қатор мамлакатлардаги фирмалар билан ҳам қўшма корхоналар барпо етилган ва иқтисодиётимизда рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришга имкон яратилган.

Ўзбекистоннинг барча ривожланган хорижий мамлакатлар билан иқтисодий, сиёсий, маданий, илмий-техникавий алоқалари кенгайиб бормоқда.

3-асосий савол: Ўзбекистон ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги

3-савол баёни:

1991 йил 8 декабрда Минск шаҳрида собиқ иттифоқнинг барҳам топиши муносабати билан Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига асос солинди. МДҲ аъзоларининг биргаликдаги ҳаракатларига қуйидаги вазифалар киритилди:

- ташқи сиёсий фаолиятларни мувофиқлаштириш, мудофаа сиёсати ва ташқи чегарани муҳофаза қилиш;
- умумий иқтисодий муҳитни ривожлантириш ва Умумйевропа, Йевроосиё бозорини шакллантириш;
- божхона, алоқа, енергетика тизимларини ривожлантириш;
- екологик, атроф-муҳит хавфсизлигини таъминлаш;
- уюшган жиноятчиликка қарши курашиш.

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатида Ҳамдўстлик мамлакатлари

билан икки томонлама ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантиришга алоҳида аҳамият берди. 1991-2004 йилларда МДҲ давлатлари бошлиқларининг 30 дан ортиқ кенгашлари бўлиб ўтди ва муҳим ҳужжатлар имзоланди. Улар орасида хавфсизлик масалалари, тинчликни сақлаш, иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйиш, иқтисодий интеграцияни амалга ошириш кабилан муҳим ўрин эгаллади.

1993 йил Марказий Осиё раҳбарларининг Алматида бўлиб ўтган учрашувидан сўнг Марказий Осиё Ҳамдўстлигига асос солинди. Ҳамдўстликка аъзо бўлган давлатларга миллий мудофаани кафолатлашга, илмий техника тараққиёти ютуқлари ва алоқа воситалари, янги технологияга еришиши, хорижий давлатлардан маҳсулот ташиш, зарур хом ашё ва тайёр маҳсулотларни келтириш ҳамда жаҳон бозорига олиб чиқиш, екология соҳасида тадбирларни биргаликда ўтказиш учун имкониятлар яратилди. Марказий Осиёдаги янги мустақил давлатлар - Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон билан ҳамкорлик қардошларча дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга қаратилган. Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари билан биргаликда минтақавий халқаро ташкилотларга а`зо бўлиб, минтақамиздаги қатор сиёсий, иқтисодий, екологик муаммоларни ҳал қилишга ҳаракат қилмоқда. Жумладан, Марказий Осиё ҳамжамияти, Шанхай халқаро ташкилоти, Йевропа-Осиё Иқтисодий Ҳамжамиятининг фаол а`зоси сифатида минтақада екологик муҳитни яхшилаш, терроризм ва наркобизнесга қарши курашиш борасида муҳим ташаббусларни илгари сурди.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро ҳуқуқий ташаббуслари жаҳон ҳамжамияти олдида турган минтақавий ва глобал муаммоларни ҳал етишга қаратилган. Ўзбекистон ўзининг тинчликсевар, яхши қўшничилик, ўзаро фойдали ҳамкорликка қаратилган сиёсати ва фаолияти билан бутун дунёга танилди, жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллади.